

**Пиримқул Қодиров**

# **ҚАДРИМ**

**Қисса, ҳикоялар, эсдаликлар**



**Faafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi  
Toshkent—2007**

84 (5Ў)6

К 53

**Нашр учун масъул  
Муҳаммад Исмоил**

**Қодиров, Пиримқул**

**Қадрим: Қисса, ҳикоялар, эсдаликлар – П. Қодиров, – Т.:  
Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. –  
168 б.**

Таниқли адид, Ўзбекистон халқ ёзуви чишидиги Пиримқул Қодировнинг салмоқли романлари, бир-биридан ширали қисса ва ҳикоялари, теран пулицистик мақолалари Сиз азиз ўкувчиларнинг севимли асарларингизга айлангани шубҳасиз. Адиднинг ушбу тупламига олтмишинчи Йиллар бошида ёзилган «Қадрим» қисссасининг қайта ишланган варианти, «Олов», «Илинж», «Жон ширин» ҳикоялари ва Ойбек, Зулфия, А. Қаҳхор ҳақидаги ширин хотиралари киритилган. Ўлаймизки, ушбу асарлар Сизни яна бир бор фикр-мулоҳазага, баҳсга чорлайди.

**ББК 84 (5Ў)6**

**К 4702620201 –95 – 2007  
М 352(04)-2007**

**ISBN 978-9943-03-104-3**

**© Пиримқул Қодиров,  
Faafur Fулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2007 й.**

---

## МУАЛЛИФДАН

Бундан қирқ беш йил мұқалдам бириңчи марта чоп этилған «Қадрим» қиссасининг ёзилишига ўша даврда мен оғриниб ҳис қылған ҳаёттый муаммолар ва миллий гуур түйгүлари сабаб бўлган эди. У вақтларда мустабид шўро тузуми тарихимизни, тилимиз, динимизни камситишдан ташқари, етакчи саноат корхоналарида замонавий техникаларни эгаллаб, ишлашга интилған миллий кадрларни, айниқса, қишлоқ ёшларини менсимас эди. «Ўзбеклар фақат далада кетмон чопишини яхши билади, катта саноат корхоналарида мураккаб техникалар билан ишлашни эплай олмайди», деган ақида кучли эди. Бу ақидани ва бошқа тўсиқларни енгиб ўтиб, катта саноат корхоналарида илторлар сафида ишлаб юрган юрагида ўти бор ўзбекларимизни кўрсак кўнглимиз кўтарилади.

Жумладан, менинг раҳматли Жўра акам Бекободдаги металлургия заводининг энг мураккаб техника билан жиҳозланган мартен цехида минг даражали оловлар яқинида йигирма йил қандай маҳорат билан ишлаганини ўз кўзим билан кўриб, кузатган, илгари қишлоқда қўй боқиб юрган соддагина чўпон йигит бу улкан саноат корхонасида қадр-қиммат топиб, маънавий жиҳатдан таниб бўлмас даражада ўсганига гувоҳ бўлган ва шу асосда миллий ишчи кадрлар ҳаётидан бир қисса ёзиб, бизни камситувчи ақидаларнинг ёлғон эканини кўрсатмоқчи эдим.

Бу ижодий ниятни яхлит ва мароқли бир сюжет орқали амалга ошириш имконини берадиган ёрқин воқеалар ва тақдири менинг акам тақдирига ўхшайдиган ажойиб ёшлар Қашқадарё вилоятининг Муборак деган жойида катта конларни очган оловкорларнинг орасида учраб қолди.

1959 йилнинг ёзида Қарши билан Муборакнинг оралиғида топилған кондан жуда кучли газ отилиб чиққани ва етмиш-саксон метр баландликкача фаввора бўлиб кўтарилгани чиндан

содир бўлган ҳодиса экан. Уни жиловлашнинг иложини топгуналаригача газ ёниб кетиб, афсонавий улкан бир аланга ўттиз чақиригача узоқликларни ёритиб тургани «Правда востока» газетасида ёзилган эди. Бу улкан ёнғинни ўчириша одамларимиз катта жасорат кўрсатганликлари ҳақида ахборот берилган эди.

Мен бу ҳодисада ечими топилмаётган ижодий режамнинг илк сюжетини кўргандай бўлдим. Газ кони очилган ўша жойларни бориб кўриш ва улкан ёнғинни ўчирган одамларнинг ҳаётини яқиндан ўрганиш мен учун энг муҳим заруратта айланди.

Поездга тушиб Муборак деган жойга бордим. Ҳозир бу ер катта саноат шаҳрига айланган. Аммо мен 1959 йилда илк бор кўрган Муборакда ҳали поезд бекати ҳам йўқ, факат «разъезд» деган кичик бир манзил бор эди. Газ қидирувчилар темир вагончаларда яшар эдилар.

Мени ўша пайтда Муборак газ қидирувчиларининг бошлиғи бўлган Фуломов деган ўттиз беш ёшлардаги азамат бир йигит кутиб олди (Қиссада мен уни ўз насаби билан тасвирилаганман). Ниятимни айтган эдим, унга маъқул бўлди. Катта газ кони қандай топилгани ва улкан ёнғин қандай ўчирилганини барча тафсилотлари билан сўзлаб берди. Мени бу воқеа содир бўлган жойга ўз машинасида олиб борди, ёнғин пайтида оқар сув олиб келиш учун қазилган ариқ ўзанини, портловчи моддани маҳсус вагончада ёнғин тубига йўналтириш учун қурилган муваққат темирйўл кўтармасини кўрсатди. Ёнғин ўчирилгандан кейин инсон иродасига бўйсинган газ мустаҳкам бетон ва пўлат қопқоқлар билан маҳкам беркитилган эди.

Фуломов менга сўзлаб берган жуда кўп тафсилотлар ва ёнғинни ўчириш жараёни ҳаётда қандай юз берган бўлса, қиссада ҳаммаси аслидай кўрсатилган. Айниқса, ҳарбий қисмдан танк чақирилгани, ёнғин тубидаги қувурни текислаш учун ўқ отилгани, бироқ танк ҳам, унинг ўқи ҳам қилолмаган ишни жасур инсон уddaлагани афсонага ўхшайди. Лекин булар ҳам чиндан содир бўлган ҳодисалар эканини мен бир ҳафтача воқеа иштирокчилари орасида юриб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган, беҳад мушкул ишларни қойил қилиб адо этган одамларнинг ўзларидан эшийтдим.

Афсонани эслатадиган мана шу шиддатли воқеалар жараёнида қишлоқдан газ конларига келиб ишлаётган икки ёш қалб – Искандар ва Зулайҳонинг мактабда бирга ўқиган пайтларидан бошланган муҳаббатлари халоскор бир кучга айланади. Уларнинг энг оғир ҳаётий синовлардан чиниқиб ўтишларига ва ёнгин пайтидаги ўта хатарли вазиятларда жасорат кўрсатишларига қалбларини тўлдирган муҳаббат ва садоқатлари ёрдам беради.

Ҳозир истиқлол даврида Искандар ва Зулайҳога ўхшаб янги конлар очаётган, улкан корхоналарда энг мураккаб замонавий техникаларни жасорат ва маҳорат билан бошқараётган ёшларнинг сафи бекиёс даражада кенгайди.

Бугунги китобхонлар, айниқса, ёшлар бизнинг авлодга мансуб бўлган Искандар ва Зулайҳоларнинг қалб бойликларидан ва ибратли ҳаётий тажрибаларидан баҳра оларлар, деган умидда «Қадрим» қиссасининг янги нашрини жузъий таҳрир ва тўлдиришлар билан уларга тақдим этаман.

2006 йил 7 июнь.



# ҚИССА



## ҚАДРИМ

### 1

Мен илгари «отангга тортибсан» деган сўзларни кўп эшитардим. Ўз вақтида менга бу гап жуда ёқар эди. Чунки отам ҳеч ким билан сани-манга бормаган, кетмон чопиши ми, ўроқ ўриши ми, мол боқиши ми, юк ташиши ми, нима иш бўлса қилиб кетаверадиган заҳматкаш одам эди, уни хушлайдиган кишилар кўп эди. Ўзи ҳам беозор, мўмин болаларни яхши кўрар эди.

«Фалончининг ўғли жуда қобил бўлибди-да, куни билан тинмайди, гап қайтаришни билмайди, ўзидан катта нима иш буюрса қиласди» деяверса, менинг ҳам шундай бўлгим келаверарди.

Китоб ўқишим, болалар билан ўйнашим керак бўлган пайтларда ҳам ўтинга борардим, ё сигирга ўт ўрадим, ёки томорқада отам буюриб кетган ишни қиласдим.

Қўлимга кетмон олганимда неча ёшда эканимни аниқ билмайман. Фақат шуниси эсимдаки, бир кун ойим укаларим билан бўлиб чопиққа чиқа олмади. Бригадир дўқ қилиб келди. Кейин ойимнинг ўрнига мен чиқдим. Дарсизиз кечки сменада эди. Ишлаб-ишлаб, ўқишига бордим. Ёмон чарчаган эканман, тарих дарсида ухлаб қолибман. Бир вақт кўзимни очсан, тепамда ўқитувчи ажабланиб турибди. Атрофда болалар куляпти. Фақат бир қатор олдинда ўтирадиган Зулайҳо ўрнидан туриб, алланечук қизарип:

— Нега куласизлар?— деди.— Осонми, ахир, Искандар ҳозир даладан келди...

Мен Зулайҳонинг меҳрибонлигини ўшандада бир сезган эдим. Ўша куни менинг ҳам юрагим ғалати бир меҳр

билан тўлиб-тотиган эди. Лекин мен бунинг сабабини билмасдим. Кейин, очигини айтсам, мен Зулайҳодан ҳайиқардим. У илмий мудиризимнинг қизи эди. Гап бунда ҳам эмас. Биз икковимиз юзма-юз турсак, Зулайҳо ўғил боладай дадил гапирар эди, мен қиз боладай тортиниб, гапимни йўқотиб қўярдим. Унинг ўткир қиз эканини ҳамма тан олар эди.

Еттинчини битирган йилим менинг отам қаттиқ бел оғриқ бўлиб, ишга ярамай қолди. Ёзи билан мен унинг ўрнига чопиққа чиқиб юрдим. Томорқада ҳам кўпроқ ўзим ишладим.

Бир куни янги ўқув йилига китоб-дафтар олмоқчи бўлган эдим:

— Искандаржон,— деди отам.— Жўжабирдай жонмиз. Менинг аҳволим бу. Энди етти йил ўқидинг, бас...

Мактабни, мактабдошларимни ҳар қанча қўмсасам ҳам отамнинг раъйини қайтара олмадим. Синфдошларим саккизинчидаги ўқий бошлаган куни мен белимга этак боғлаб теримга тушиб кетдим. Билмайман, орадан неча кун ўтдийкин. Бир кун оқшом даладан келиб юз-қўлимни юваеттган эдим, кучук хуриб қолди. Укам чиқиб Зулайҳо билан бир синфдошимни бошлаб кирди. Мен суюниб кетдим, шоша-пиша артиниб, уларга қараб чопдим.

Лекин улар мен билан жиддий саломлашишди. Зулайҳо ерга қараб, ўзининг ёшлар ташкилотидан келганини айтди ва нега ўқишга бормаётганимни сўради.

Мен сўрида кўрпа-тўшак қилиб ётган отамга бир-қараб олдим, сўнг тутила-тутила воқеани айта бошлаган эдим:

— Ким у? Бу ёққа чақир,— деди отам.— Қани келинглар, қизим, бу ёққа чиқинглар.

Зулайҳо сўрининг олдига бориб, отам билан сўрашиди, лекин юқорига чиқишидан уялди. У мулойимлашиб қолган эди.

— Нима бўлди, ота, доктор чақирайликми?— деди.

— Докторга ҳам қаратдик, қизим, дору дармон ҳам қилдик. Иллат суяқда. Бел тамом бўлган. Беш қунлик умримиз борми-йўқми, ўғилнинг хузурини ҳам кўриб кетайлик...

Зулайҳо отамнинг озғин, кўқимтири юзига ва жағи билан бирга мажолсиз қимирилаётган сийрак соқолига жим қараб турар эди.

Кейин Зулайҳо менга юзланди, чироқ ёруғида кўзлари ҳадлан ортиқ йилтираб кетди.

Мен уларни кузатиб чиқдим. Кўча жуда қоронғи эди.

— Хайр бўлмаса, Искандар,— деди Зулайҳо. Унинг менга ачинаётганини товушидан сездим. — Биз сени унутмаймиз.

Бу гапга четдан қулоқ соглан одам кулиши мумкин: биз бир қишлоқдамиз, Зулайҳо билан ҳали кўп кўришамиз. Лекин энди икковимиз илгаригидай бир партада ўтира оламизми? Гўдакларча самимият билан бирга юра олармиканмиз? Энди ҳаёт мени қаёққа олиб кетади-ю, Зулайҳонинг ҳаёти қанақа бўлади? Мен унинг гапидан мана шундай бир маъно сезар эдим. Томоғимга алланарса тиқилиб, зўрга гапирадим:

- Хайр, Зулайҳо! Мен ҳам унутмайман... синфимизни.
- Агар қийналсанг... ёрдам керак бўлса, бизга айт.
- Хўп.

Лекин мен қийналган пайтларимда ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса деган эмасман. Зулайҳо менга нима ёрдам беради? Теримда улар хўжаликка ёрдам беради. Ўтоқда ҳам. Китоб ўқиш ёки у-бу ёзишга, барибир, қўлим тегмайди. Кўпроқ радио эшитаман...

Шунинг учун мен Зулайҳо билан жуда кам учрашар эдим. Эшитишмча, унинг бир акаси геолог экан. Ўшанинг гапи билан Зулайҳо геология техникумига ўқишига кирибди. Бир йил ёзги каникулга келганда боғ кўчада учрашиб қолдик. Ихчамгина кофта кийган, юзлари оқарган. Кўзимга жуда бошқача, ниҳоят гўзал кўриниб кетди. Уялиб, «сизсизлаб» сўрашдим. У мени «сиз»лаб гапиришдан қийналгандай:

- Отанг...из тузалиб кетдиларми?— деди.
- Шукур, дурустлар,— дедим. Лекин отамнинг ногирон бўлиб қолганини, хўжалик бир оз нафақа берагётганини айтиб ўтирмадим.

Икковимиз ҳам тупроқли йўлга тикилиб беш-олти қадам жим бордик.

— Энди шунақа қилиб юра берасизми? — деди Зулайҳо.

— Чекимга тушгани шу экан-да.

— Чекингизга фақат кетмөн тушибдими? Атрофин-гизга қаранг. Сиз тенги болалар механизация мактабида ўқияпти. Машина билан пахта теряпти.

Мен отамдан эшигтан бир мақолни отамдай мулодиймлик билан айтдим:

— Ҳа, энди ҳар ким суйган ошини ичади-да.

Бирдан Зулайҳонинг аччиғи келди:

— Сизнинг суйган «ошингиз» қобил-мўминликми?

**Ёлғон!**

Мен бошимни эгиб, чурқ этмай борар эдим. Зулайҳо мени «доим бир гапдан қоладиган йигит» деб уришиши ҳам мумкин эди. Лекин унинг овози бўғилди, менга озор берганидан ачиндими ёки бошқа сабаб бўлдими, хуллас, қийналиб гапирди:

— Сиз мустақил одам эмассиз! Сиз бир жонсиз вагонга ўхшайсиз. Бирор паровоз бўлиб тортмагунча ўрнингиздан жилмайсиз!..

Зулайҳо яна аллақанча аччиқ гапларни айтди-ю, бошқа кўчага бурилиб кетди.

Зулайҳонинг гаплари юрагимга наштар бўлиб санчилиб қолди. Бу гаплар ноҳақ бўлганида мен ҳаммасини унутиб юборар эдим, наштарни суғуриб олиб ташлардим. Лекин улар бежиз айтилган эмас эди, мен буни ич-ичимдан сезардиму, ўзимни қўйишга жой тополмасдим.

Менинг авзойимни уйдагилар ҳам сезибди. Отам биринки марта: «Нима қилди?» деб сўради. Лекин бир ёғи Зулайҳога, бир ёғи отамга боғлиқ бўлган дардни мен қандай айтай?

Ўша кезлари қишлоқ фаоллари ўқишни истаган ёшлиарнинг рўйхатини тузиб, раисдан тасдиқлатишига ҳаракат қилиб юрар эдилар. Отам яна бир марта:

— Нимадан хафасан? — деб қадалиб сўрагандан кейин, мен ёрилдим. Етти йил ўқиганим зое кетганини, билган нарсаларимни ҳам унутиб юбораётганимни, тенгкурларимдан ажралиб қолаётганимни айтдим.

Отам ҳам ўйланиб қолди. Кечкурун айвонда унинг онам билан маслаҳатлашаётганини сездим.

— Баҳри ҳам балодай ишлайдиган бўлиб қолди,— дерди онам. Баҳри менинг ўн беш яшар синглим эди.— Борса бора қолсин.

Кейин отам раис билан ҳам гаплашибди. Фаоллар тузган рўйхатга биноан кўп одам механизаторликка ўқиши истар экан. Ошпазлар мактабига ҳам талаба сўрашган экану, ҳеч ким боришга кўнмаётган экан. Раис отамга айтибди: «Искандар қобил йигит; бориб тушунтилинг, шу мактабга борсин», депти. «Келажакла катта ошхоналар қурамиз, нонини мой билан ейди», депти. Отамга бу гап жуда маъқул тушибди.

Лекин мен умримда ошпаз бўламан деб ўйламаган эдим. Ундан кўра механизаторлар мактабига борганим яхши эмасми?!

Зулайҳонинг шу тўғридаги гапи эсимга тушди-ю, ғашим келди. Механизаторликка ўқисам унинг гапига кирган бўламан. У паровоз бўлади-ю, мендай жонсиз вагонни жилдирганга чиқади.

— Ўғлим, кўп ўйлама,— деди отам.— Бол ушласанг бармогингни ялайсан. Гўшт-ёғнинг ичида бўласан...

Мен кўндим. Фақат бол ушлаб бармогимни ялаш учунгина эмас. Йўқ, Зулайҳоға ўчакишиб ҳам «хўп» дедим. Мен унга ўзимнинг мустақил одам эканимни бир кўрсатиб кўймоқчиман. Яна аччигини келтириб, ўшандаги гапларининг аламини олмоқчиман.

## 2

Мен кетганимдан кейин отамнинг касали яна зўрайибди. Мактабимиз вилоят марказида эди. Қишига яқин қора хабар келди. Ўша куни етиб бордим. Отам тўрда энгаги боғланганича ухлаб қолгандай сокин ётибди. Лекин бу сокинлик энди абадий...

Хўжалик ёрдам берди, дурустгина маросим қилиб кўмдик. Уйни сал тинчитдиму яна қайтиб кетдим.

Мусибатли кунларда киши майдо-чуйда хафачиликларга аҳамият бермай қўяр экан, кўнглига яқин киши-

си билан дардлашгиси келар экан. Мен энди Зулайҳонинг аччиқ-чучук гапларини унугтан эдим, кўпроқ унинг жонкуярлигини эслар эдим.

Ўша маҳалларда биз томондаги қуруқ чўллар кун сайин жонланиб борар эди. Кечалари чўлдан ўтиб қолсангиз вишкада чироқлари ерга тушган ҳулкарларга ўхшаб порлаб турарди. Узокларда ўт сачратиб қувур пайванд қилишарди. Каттадан-кичик ҳамма газ тўғрисида гапиради. Чўлда ишлагани вагон-вагон одам келарди.

Зулайҳонинг акаси ҳам шу ерларда газ кони очаётган эмиш, деб эшийтдим. Кейин Зулайҳонинг ўзи ҳам техникумни тамомлаб акасининг олдига ишга келибди. Буни менга ошпазлик мактабини битириб қайтган куним айтишди.

Қизиқ: мен уни соғинардим, лекин юз кўришишдан кўрқардим, эҳтимол, бирор билан бўлиб кетгандир, деб ўйлардим.

Раис ваъда қилган ошхоналар ҳали курилмабди. Келган кунимнинг эртасига қишлоғимизнинг бригадири мени дала шийпонига чақирди. Хўжаликнинг энг катта шийпони шу ер эди.

— Энди сен бир хунарингни кўрсатасан,— бригадир сўйиб нимталаб қўйилган қўй гўнтини кўрсатди.— Тушда меҳмонлар келадиган. Мана бу лаҳмлардан кабоб билан ош қиласан. Қозон иккита. Ошпазимиз Тўти хола жавоб олиб кетган. Катта қозонда чопиқчиларга макарон шўрва пиширасан.

Мен оқ қалпоқ, оқ ҳалат кийиб, ишга тушиб кетдим. Помидор билан бодрингни жимжимадор қилиб кесиб ғалати салатлар ясадим. Битта қовунни абажурга ўхшатиб сўйиб, пўчоғидан тўр ясаб, саданинг шохига илиб қўйдим.

Мактабда нимани ўрганган бўлсам, шуни намойиш қилгим келар эди. Биринчи даража ресторанлардаги дай стол тузамоқчи эдим, қошиқ билан пичоқни бир томонга, санчқини иккинчи томонга қўймоқчи эдим. Лекин, афсуски, шийпонда санчқи йўқ экан. Стол масаласига келганда, бригадиримиз сўрига шойи кўрпа-чалар тўшаб, ўртага хонтахта қўйди.

Кун иссиқ. Бир қозонда макарон шўрва қайнаяпти. Иккинчисида ошнинг зирвагини қиляпман. Кўмир ёқиб, кабоб пиширипман. Ёрдам берадиган одам йўқ. Роса сув бўлиб кетдим.

Тушга яқин иккита енгил машинада меҳмонлар келишди. Дастурхон ясатилган эди.

— Тез бўл, қўлларига сув қуй,— деб қолди бригадир. Мен кабоб елпиётган эдим.

— Ариқ яқин-ку,— дедим.— Кабоб куйиб кетади.

— Э, меҳмонларни қўзғатиб нима қиласан? Обдастани ол. Ана дастшў, тез. Ариқдан одамлар сув ичади!

Мен кабобни ўтдан олиб қўйдиму сочиқни елкамга солиб, обдаста кўтариб чиқдим. Меҳмонлар сўрида ўтирган экан. Бир қўлимда обдаста, бир қўлимда дастшў, сўрининг четида туриб, қўлларига сув қуя бошладим.

Бир-икки киши саданинг шохига илинган абажур — қовунга қизиқиб қараётган экан. Раисимиз менинг ошпазликка ўқиганимни айтган бўлса керак, мен қўлига сув қуяётган семиз киши раисга гап қотди:

— Ошхонангиз йўқ-ку, бу йигитни бизга бера қолинг,— деди. Сўнг менга юзланди: — Қалай, тумандаги катта ошхонада ишлайсанми?

Мен «раис акам билади» дегандек кулимсирадиму меҳмоннинг қўлига сочиқ тутдим.

— Ўзимизда ишлайди,— деди раис.

— Э, қўйсангиз-чи. Даладаги иссиқ овқатни Тўти холалар ҳам қилаверади.

— Сиздақа меҳмонларнинг овқатини-чи?— деб кули раис.

Шундан сездимки, мен истасаму меҳмон астойдил сўраса, раис туманга кетишингма рухсат беради.

Ёшроқ бир меҳмоннинг қўлига сув қуя бошладим. Бу меҳмон қўзини ариқнинг нарёғидан олмас эди. Бирдан у қўлинни ювишдан тўхтади, бригадирдан:

— Ана у қиз ким?— деб сўради.

Мен ҳам ўгирилиб қарадим. Юпқа оқ кигиздан қалпоқ кийган хушқомат қизни аввал танимабман. Бирдан қўз-кўзга тушди-ю, Зулайҳони таниб, аъзойи баданим

титраб кетди. Бир лаҳза ундан бошқа ҳеч ким кўзимга кўринмай қолди. У раис билан саломлашгани, бригадир уни овқатга таклиф қилгани қулоғимга гўё узоқдан эшитиларди.

— Раҳмат, мен ойимларни кўриб кетмоқчи эдим,— деди Зулайҳо ва ўтиб кетди.

— Қани, сочиқни беринг,— деди меҳмон йигит менга.

Ҳушим ўзимда йўқ, сочиқ деб ифлос сувли дастшүни узатибман.

Кимдир:

— Ошпаз ошиқ!— деган эди, ҳамма ҳаҳолаб кулиб юборди.

Шу пайт Зулайҳо менга ўгирилиб қаради. Кўзлари олов бўлиб ёнепти. «Мени шу аҳволда кўриб уялди», деган ўй юрагимни ғажиб ўтди.

Дастшў билан обдастани ерга қўйдиму ошни баҳона қилиб ичкарига кириб кетдим.

Ҳаёлим қочиб кабобни қайиш қилиб қўйибман. Ош ҳам тирик бўлибди.

— Мақталган келин тўйда уялтиради,— деб бригадир мени баттар изза қилди.

Меҳмонларни кузатдик. Бригадир ошхонага кириб менинг ўзимга қараб турди-ю, кейин белбоқча бир оз гўшт-ёғ туғиб берди:

— Ma, ойингни суюнтири.

— Йўқ, раҳмат.

— Ол энди, ҳали ҳужжат топширганинг йўқ, меҳнат ҳақинг бу.

Тугунчани қўлтиғимга қисиб, кун оққанда боғ кўчадан бормоқда эдим. Кўнглим хира. «Ошбаз ошиқ» деган сўз ўзимга ҳам қулгили туюларди. Ошиқликни-ю, Зулайҳога ўзимни мустақил кўрсатаман, деб чиранишни менга ким кўйган эди? Зулайҳо қайда-ю, мен қайда!

Боғ кўча билан чўлдан ўтадиган катта йўл бир-брига туташган жойда бир туп бақатерак бор эди. Боншимни кўтариб қарасам, теракнинг соясида Зулайҳо турибди. Икки кўзи катта йўлда. Чўлга қайтиб кетмоқчи бўлиб машина кутаётган бўлса керак.

Юрагим така-пука бўлиб кетди. Қандай қилиб унга яқинлашганимни билмайман.

Зулайҳо қадам товушини эшишиб, ўгирилиб қаради. Бояги кигиз қалпоғини буклаб қўлтиғига қисиб олган.

— Ҳа, сизмидингиз?— деди.— Жуда қовоғингиз солиқ, ошингиз меҳмонларга ёқмабди шекилли?

Мен беш-олти қадам берида тўхтадим:

— Салом, Зулайҳо.

— Салом,— деди у ҳам.— Кўп хафа бўлманг. Ёғлиқ иш топибсиз-ку.

Унинг истеҳзоси менга оғир ботди. Бурилиб кетар эканман:

— Ёғлиқми, ёғлиқ эмасми, ишқилиб, меҳнатнинг айби йўқ,— дедим.

Зулайҳо ёнимга етиб келди-ю, қўлтиғимдаги тугунчани олди:

— Бу-чи?— деди.— Деҳқоннинг косасига тушмасдан, сизнинг белбоғчангизда нима қилиб юрибди?

Мен тутунчакни унинг қўлидан олдим:

— Меҳнат ҳақим бу.

— Ҳа, аввал меҳнат ҳақим деб килолаб оласиз. Кейин нафсим деб нимталаб оласиз.

— Оғзингизга қараб гапиринг! Ҳалол ошпазлар ҳам оз эмас.

— Об-бо!— деди Зулайҳо заҳарханда қилиб.

Жоним чиқиб кетди. Умримда бирорвга бақирмаган эдим, Зулайҳога бақириб бердим:

— Менда нима қасдингиз бор? Нега ҳадеб юрагимга наштар санчасиз?!

Зулайҳо менинг худди шундай бақириб-чақиришимни истагандай жим қараб турар эди.

— Нега менга нуқул пичинг қиласиз?

Зулайҳо қўлтиғидаги кигиз қалпоқни қўлига олиб фижимлади-ю, кўзларимга тикилиб, паст товуш билан:

— Негалигини билмайсизми? — деди.

Менинг шаштим қайтди.

— Зулайҳо, мени ўз ҳолимга қўйинг!— дедим.— Бари бир, мен сизга муносиб бўла олмайман.

Зулайҳонинг кўзларида ёш ҳалқаланди:

— Сиз аввал ўзингизга муносиб бўлинг! Шундай фидокор одам, шундай меҳнаткаш, камтар... Наҳотки тушунмасангиз? Кўлларингизга қаранг. Чучвара тугадиган кўлларми бу?.. Э, боринг-э!..

Зулайҳо кўл силтади-ю, катта йўлга қараб кетди.

Унинг кутилмаган мақтови, яна тағин куюниб, йифлагудай бўлиб гапиргани кўнглимни юмшатиб, хаёлларимни бутунлай бошқа йўлга солиб юборди. Демак, Зулайҳо мени шунча вақтдан бери унутмай юрганига сабаб бор экан-да. Камтар, меҳнаткаш, яна нима эди?

Мен қўлларимга қарадим. Кетмончининг ўғлиман, ўзим ҳам кўп кетмон чопганман. Ҳар панжам бир неча қадоқ келади. Ажабо! Зулайҳо мени шунчалик қадрлар экану мен билмас эканманми? Ўз қадрини билмаган, ўзганинг қадрини билмайди, деганлари шуми? Мен жадаллаб унга етиб олдим.

— Зулайҳо, шошманг. Менга қаранг. Хўп, ана... Нима қил дейсиз, бўлмаса?

— Ўзингиздан сўранг!

Шу пайт машина овози эшитилди. Зулайҳо катта йўлга аланглаб қаради. Лекин машина кутилмаган томондан келмоқда эди.

### 3

Зулайҳо иккiovимиз боғ кўча томонга ўгирилдигу лол бўлиб қолдик.

Қинғир-қийшиқ пахсадеворлар орасидан ўн тўқиз тоннали зўр «ЯЗ» машинаси келмоқда. Унинг кузови ўрнида катта кулранг цистерна бор. Мен кейин билдим, бу машина газ конларига маҳсус суюқликлар ташир экан.

Ҳайдовчи йигит ҳам, унинг ёнида ўтирган бир аёл ҳам баланд кабинада жуда кичик кўринар эдилар. Машина шунчалик катта эдики, боғ кўчага сиғиб-сиғмаётгандай туюлар, ҳозир бориб пахсадеворга уриладиганга ўхшар эди. Зулайҳо машинага хавотирланиб қараб тураган.

Лекин ҳайдовчи жуда уста йигит экан, машинасини хатарли жойлардан ҳам бешикаст олиб ўтди. Фақат баланд цистерна девор оша майишиб турган шафтоли шохига тегиб кетди. Пишган шафтолилар дув тўкилди-ю, цистерна устида пачақланиб, кўча тупроғига юмалаб тушди.

Зулайҳо икковимизнинг гапимиз оғзимизда қолди, машина эргаштириб келаётган чангдан қочиб катта йўлнинг нарёғига ўтдик.

Ҳайдовчи бизни кўрди-ю, машинасини чанг чиқмайдиган шувоқзор орқали елдириб, катта йўлга чиқарди ва қаттиқ тормоз берди. Шу пайт, назаримда, ер титраб кетди.

Ҳайдовчи кабина эшигини очиб, Зулайҳога қувониб қаради. Мени кўрса ҳам, эътибор бермади.

— Катта йўл турганда бу нима қилганингиз?— деди Зулайҳо унга аччиқ қилиб.

Шундан сездимки, улар бир-бирларини яхши билишади. Ҳайдовчига синчиклаб қарадим: келишган, жингалак соч, қоп-қора бир йигит. Зулайҳонинг гапига жавобан беозор кулимсиради:

— Сизни тўғри қишлоқдан олиб чиқмоқчи эдим. Бўлмади.

Зулайҳо мен билан тезгина хайрлашди-да, кабинага қараб кетди. Машинага чиқаётib кабинадаги аёлдан сўради:

— Юкларинг йўқмиди?  
— Юкни тушириб келяпмиз,— деди аёл.— Юк билан бу кўчадан юргани қўярмидим. Даврон, кетдик!

Машина қўзғалди. Кабинанинг нариги четида ўтирган Зулайҳо менга яна бир қаради. Нимадир демоқчидай, лекин айтолмай кетгандай кўринди.

Мен чўл билан воҳанинг чегарасида турибман. Улкан машина Зулайҳони чўл бағрига олиб кириб кетмоқда. Машинами ёки довюрак ҳайдовчи Давронми?

Бу ўйдан кўксимда бир нарса ўт олди-ю, борлигимни ўртаб юборди. У йигит Зулайҳони севади. Зулайҳо-чи? У йигит Зулайҳо учун жонини беришга тайёр. Мен-чи? Мен Зулайҳони деб нима қилдим? Нима қила оламан?

«Ўзингиздан сўранг», деди. Мен ҳозир у билан бирга бўлишни истайман. Қани энди яна бирга ўқисак. Ёки бирга ишласак. Ёки Зулайҳонинг кетидан борайми?

Мен чўчиб воҳага қарадим. Офтобда қовжираб ётган чўлга нисбатан қанчалик гўзал! Воҳа билан чўлнинг чегараси кўзимга ҳаёт билан ўлимнинг чегарасидай кўриниб кетди. Бу чегарадан қандай ўтаман? Қадрдан жойларни қандай ташлаб кетаман?

Чўлга қарадим: сарғайиб, безрайиб сукут этади. Фақат узоқларда бир вишка кўринади-ю, бояги машинанинг чангига кўзга ташланади. Бу қовоғи солиқ ерларда мени мавхумлик кутади... Фақат мавхумликми ёки Зулайҳо ҳам кутадими? Шу вақтгача мени унутмаган Зулайҳо...

Ҳозир ёнимда бўлса, у нима дер эди?

«Чўлда мен ишляпману қиз болача эмасмисиз», дер эдими?

#### 4

Күёш тиккада. Газчиларнинг шаҳарчасида дараҳт йўқ. Оёқ таги қум.

Май байрамида кийган оқ кўйлагимни, кулранг ко-веркот шимимни ва оқ брезент туфлимини кийиб олганман. Бошимда корейсча қамиш қалпоқ. Кўлимда фанер чамадончам. Оёғим қумга ботганда кумнинг иссиғи брезент туфлидан ўтиб жизиллаб тегади. Терлаб-пишиб, атрофга алант-жаланг кўз ташлаб бораман.

Бир жойда темир цистерна бор экан, беш-олтита хотин-халаж чеълак кўтариб навбат кутиб турибди. Сув танқис шекилли. Аёллардан бири менга қараб:

— Истараси иссиққина йигит экан,— деганини эшигдим.

Бу гап менга салқин шабададай ором берди. Кўкрагимни кериб, ён-веримга кўз ташладим. «Зулайҳо қани, бир кўриб қўйсин», дегим келди.

Оқланган бараклардан бирининг тепасида ўнгиб кетган байроқчалар ҳилпирав эди. Муборак газ разведкасининг идораси ўша ерда экан.

Бошлиқнинг кабинетига кирдим. Гуломов деган разведка бошлиғи офтобда қорайиб пишган, ўттиз беш ёшлардаги киши экан.

— Ўтириңг,— деди.

Қўрқа-писа стулга ўтиридим.

Ғуломов ҳужжатларимни кўрди-да:

— Ошпазликка ўқиган экансиз, қандай жавоб беришди?— деди.

— Мен... Олдин ошхона қурилади дейишувди. Қурilmабди. Кейин тумандаги ошхонага оламиз дейиши, мен бўёққа келдим.

— Қишлоқда кимингиз бор?

Онам эсимга тушди. У билан хайрлашиш жуда оғир бўлган эди. Мен: «Топганимни сизга юбориб турман», деб уни юпатмоқчи бўлганимда, «Синглинг икковимизнинг топганимиз ҳам бўлади бизга», деб кўзига ёш олган эди. Менинг фикри-зикрим Зулайҳо билан банд бўлиб қолганини сезган бўлса керак. Мушфиқ она! Мен ўқишидалигимда ҳам ўрнимни билдирганмас. «Биринчи ойлик теккан куниёқ бориб хабар оламан», деб ният қилдиму:

— Онам борлар,— дедим Ғуломовга.

— Туманда, соя-салқин жойда ишлаганингиз яхши эмасми? — деб Ғуломов менга тикилди.

Мен буни бошқача тушундим, ҳафсалам пир бўлиб:

— Сизларга одам керак эмасми? — дедим.

— Керак. Лекин бизга чўлда ишлайдиган забардаст ишчилар керак. Ошпаз ўзимизда ҳам бор.

— Ўртоқ бошлиқ, мен унча забардаст бўлмасам ҳам... сиздан сўрайман. Шу вишкалардан энг каттасига юборинг мени.

— Пармаловчига шогирд тушасизми?

Мен дадилландим:

— Бўлти! — дедим. — Ишқилиб, энг катта газ конига юборсангиз бўлди.

Ғуломов гавдамга қараб бир оз иккиланиб турди. «Уддалай олмассан» дегандай қилди.

— Ўртоқ бошлиқ, мен қаттиқчилик кўриб ўсганман.

Мана, қўлларимга қаранг.

Беш қадоқлик муштларимни стол устига қўйган эдим, Ғуломов кулди.

Кейин ётоқхонага ордер ва коржомага қоғоз қилдириб берди. Шу қоғозларни олиб, қувониб коридорга қайтиб чиқдим.

Қаршидаги эшикнинг «Геология бўлими» деган ёзувига кўзим тушди. Сунг бирдан эшик очилди-ю, Зулайҳо чиқиб келди. Мен жойимдан жилолмай қолдим.

Мени кўриб Зулайҳо ҳам таққа тўхтади:

— Ие, ҳа?

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим:

— Энди, шу... нони-насиб...

Зулайҳо яқинроқ келди.

— Ишга кирдингизми? Қани? — деб қоғозларимни ўқиб кўрди ва бирдан қувониб кетди. — Э, табриклиймиз!.. Юринг, комендантни ўзим кўрсатаман.

«Мен ҳам Зулайҳони қувонтирадиган кун бор экан-а!» — деб кўнглим тоғдай ўсиб боряпман.

Лекин ташқарига чиқишим билан ҳалиги ҳайдовчи йигит — Даврон учраб қолса бўладими! Бу сафар хийла яхши кийинган, соқол-мўйловини ҳозиргина қирган. Зулайҳони кўриб, лабида тутаб турган папиросини дарров қўлига олди. Зулайҳога қараб, ўнғайсизланиб:

— Мен сиз томонга бораётувдим,— деди.

— Келинг. Хўш?

— Ҳа, шу...— деб Даврон менга кўз қирини ташлади.

Шундан сездимки, у Зулайҳо билан ёлғиз гаплашмоқчи. Кўксимда яна юракни ўртовчи рашқ аланга олди. Давронга еб юборгудек бўлиб қарадим.

Зулайҳо шошиб икковимизга баравар мурожаат қилди:

— Аввал танишинглар.

Даврон менга қўл бера туриб, яна Зулайҳога юзланди:

— Укантизми?

Мен ток ургандай қўлимни ундан силтаб тортдим. Зулайҳо ерга қараб изоҳ берди:

— Йўқ. Искандар билан бирга ўқиганмиз.

Даврон хатосини тузатмоқчи бўлиб менга яхши гапиришга уринди:

— Э, сиз ҳам техникумни битириб қелдингизми?

Шу пайт мен унинг билагидаги татуировкасини кўриб қолдим. Ҳанжарга ўралиб турган узун илон унинг мускуллари билан бирга қимиirlади.

— Йўқ, мактабни битирдим,— дедим истар-истамас.

— Ҳа, демак, газеталар ёзгандек, аттестат билан ишлаб чиқаришга...

Мен индамадим, шу билан гуё «ҳа» дедим. Зулайҳо Давронга қараб:

— Мен комендантни кўрсатмоқчи эдим,— деди.

Биз кетар эканмиз, Даврон сергакланиб, папиросини яна лабига қистириди, икки қўлини шимининг чўнтағига тиқиб, елкаларини ҳисди. Кейин папиросини лабининг у бурчидан бу бурчига ўтказди.

Мен нарироққа бориб ўгирилиб қарасам, унинг олдиди дуркун бир йигит турибди. Иккови биз томонга қарайпти. Даврон менинг ўгирилганимни кўриб, оғзи-даги папирос қолдигини куч билан пуфлаб юборди ва беш-олти метр нарига туширди.

Зулайҳога қарадим.

— У одам, ким?

— Ҳайдовчи,— деди Зулайҳо,— нима эди?

— Сизга қараши ёмон.

— Ўзи шунақароқ. Бир вақтлар қамалиб чиқсан.

— Ўғрилик қилибми?

— Йўқ, пичоқлашиб.

Зулайҳонинг осойишта юзига қараб танг қолдим. У хатарли одам билан гаплашиб юрганини бутунлай сезмаётганга ўхшарди.

— Зулайҳо, сиз эҳтиёт бўлинг. Қозонга яқин юрсанг қораси юқади, деган гап бор.

Зулайҳо менинг бир гуноҳимни кечиргандай кулим-сиради:

— Одам қозондан сал фарқ қиласди, Искандар,— деди. Сўнг олдинда турган баракни кўрсатди:— Комендант мана шу ерда. Ҳўп, жойлашинг бўлмаса...

Шундай деб у идора томонга қайтиб кетди.

Ишчилар ётоқхонаси. Каравот ва тумбочкалар. Ўртада стол ва стуллар. Деворда қора радиокарнай хириллаб гапиряпти. Тўрда кимдир бошини чойшаб билан буркаб ухлаб ётипти.

Менинг каравотим эшик яқинига қўйилди. Кўрпатўшакни тартибга келтиряпман. Бутун хаёлим боя Зулайҳо айтган гап билан банд. Даврон билан унинг муносабатини тушуна олмай доғдаман.

Мендан бир каравот нарида қошлари ингичка, кўзи катта-катта бир йигит соқол олаётир. Унинг оти Баҳром, ўзи Бухоро томондан экан. Эҳтимол, Баҳром билар. Яхшироқ танишганимдан кейин сўрарман.

— Бир буровойда ишлай эканмиз-да,— деди Баҳром буҳорча талаффуз билан. У ойнадаги ўз юзига қараб гапиради:— Фақат сменамиз бошқа-бошқа. Лекин омадинг бор экан. Яқин участкага тушибсан.

— Яқин? Неча чақирим?

— Олтмиш чақиримча.

Мен ишонмай кулдим.

— Сен нима деб ўйлаган эдинг,— деди Баҳром жиддий.— Юз, юз йигирма чақирим келадиган буровойлар ҳам бор.

— Ҳар куни бориб келасизларми?

— Бизми? Албатта. Узоқдагилар далада ётиб қолади, билдингми?

Шу пайт эшикдан сарғиш қошли, полвонтахлит бир йигит кириб келди. Боя Даврон билан гаплашиб турган гавдали йигит шу эди.

Баҳром унга қараб:

— Ашур, танишиб қўй, сен билан бир сменада ишлайди,— деди.

Мен қаддимни ростладим. Лекин Ашур менга қарамай столнинг нарёғига ўтиб кетди.

— Ишласа ишлай берсин,— деди зўр гавдасига мос бўлмаган ингичка овоз билан.

Унинг писанд қилмагани менга оғир ботди. Лекин индамай майда-чуйдаларимни тумбочкага жойлаштира бердим.

Ашур бирпас деразанинг олдига бориб турди, кеинин репродукторни ўчириб, ўз каравотига утириди:

— Уф, тарс ёрилиб кетасан киши,— деди.

Баҳром соқолини олиб бўлиб, юзига атир сепмоқда эди. Ашур менга тикилиб қолди. Мен ҳам унга қадалиб қарадим: кўзлари мушукникидай яшил. Биз томонда бунақаларни чагиркўз дейдилар.

— Сен медаль олай деб роса тиришган бўлсанг керак,— деди Ашур менга.— Лекин медаль билан ҳам институтга киролмай бу ерга келган бўлсанг керак. Топдимми?

Мен кулдим ва ошпазлик мактабини битириб келганимни айтдим.

Ашур қизиқиб:

— Э, ҳали сен ошпазмидинг?— деди.— Давронни паққос лақиллатибсан-да! Аттестатим бор деб-а. Оббо! Зулайҳога бир яхши кўринай дебсан-да.

Бу гап энди менинг аччиғимни келтирди.

— Сиз кимга яхши кўринмоқчи эдингиз — ёлғон гапни дастурхон қилиб юрибсиз?

— Ҳо, тилинг ўткир-ку,— деди Ашур мени аччиқлантирганидан қувонгандай.

Бизнинг қаттиқ гапирганимиздан тўрда ухлаб ётган одам уйғониб кетибди. Бошини чойшабдан чиқариб:

— Нима? Зулайҳо ким?— деб сўради.

— Э, ҳалиги геолог Қораҳоновнинг синглиси,— деди Ашур. — Ўзи техник. Бу ошпазча ўшантга эргашиб келибди.

Мени жоним чиқиб кетди. Энди уни сенсенлаб:

— Сен кимсан ўзинг?!— дедим.

Аммо мен ғазабланганим сари Ашур маза қилиб кулар эди:

— Бу гал топдим-а! Шунча азamat йигит турганда, сен бола посёлканинг олд қизига тама қилиб келсанг-а!

— Ашур, нима керак шу гаплар? — деди Баҳром унга. Сўнг менинг ғазабдан титраётганимни куриб. — Юр, бир айланиб келамиз, — деди.

Мен Ашурга нафрат билан қарадим-да, чиқиб кетдим. У кулиб қолди.

## 6

Кўчага қоронғи тушиб қолган эди. Қалин қумдан оғир қадам ташлаб борар эдик.

— Парво қилма, — дерди Баҳром. — Яхиси, сен Ашур билан ўчакишма. Унга қушилиб кул. Билдинг? Мушукларни қийнаб, товуқларга тош отиб ўйнайдиган хираҳандон болалар бўлади. Ашур ёшлигидан шунга ўрганган бўлса керак. Кейин... ҳозир ўзимиз бир оз диққатмиз, ишимизнинг мазаси бўлмай турибди.

— Нега? Жуда яхши деб эшигидан эдим-ку.

— Мен ҳам таърифини эшитиб, армиядан йўлланма олиб келувдим. Билдинг? Ўша вақт «Муборак разведкаси Жарқоқдан зўр бўлади» дер эдилар.

— Ҳозир-чи? — дедим хавотирланиб.

Шу пайт аллақаерда движок тапиллади. Кўчадаги сийрак чироқлар сарғайиб ёнди. Баҳром юзимга қарали, биринчи куниёқ шаштимни қайтаргиси келмади шекилли:

— Бир нарса дейишга балки вақт бордир, — деди.

— Яхиси, сен ўзингдан гапир. Ростдан Зулайҳони деб келдингми?

Мен буни тан олишдан уялдим:

— Йўқ, шу, мен ҳам газнинг таърифини эшитиб келдим.

— Яширасан-а? — деди Баҳром кулимсираб.

— Яширмасдан, бир нарсани айт. Ҳалиги... Даврон билан Зулайҳонинг орасида бирор гап борми?

Баҳром ўйланиб туриб деди:

— Даврон ошкора яхши кўради. Лекин қиз... уни одам қилиб олмоқчими?.. Айттолмайман. Бир хил қизлар бор, қийин аҳволга тушган йигитга кўпроқ қайишади. Меҳр

қўйса ҳам яхшилик қилиб, мушкул аҳволдан қутқазиб меҳр қўяди...

— Зулайҳо шунаقا,— дедим.

Сўнг Баҳромдан яна бир нарсани сўрагим келди. Тилим бормай ўзимни қайтардим. Охири бўлмади:

— Демак, томоша-помошага бирга тушадими?

Баҳром кулиб юборди:

— Сен қизиқ экансан-ку! Ҳали шаҳарга келдим леб ўйлајисанми? Бу ёнда театр, бу ёнда парк.

— Йўқ, энди учрашгиси келган одамга...

— Қаерда учрашади? Қиз акасиникида турса, Даврон ётоқда турса. Битта каталакдай хона бор, кино қўйишса ҳамма ўша ерда.

Баҳромнинг гаплари бир жиҳатдан сал кўнглимни тинчиди. «Демак, ҳали ҳеч гап йўқ экан», дедим. Лекин бошқа жиҳатдан кўнглим хижил бўлди. Мен сўйган қизни бошқа бир йигит ҳам сўйиши жуда эриш туюлди. Умуман, шу Зулайҳонинг жонкуярлиги ҳам энди губорли кўрина бошлади. Илгари у фақат менга қайишади леб ўйлар эдим. Энди билсам, у бошқаларга ҳам қайишар экан, умуман, одамларга яхшилик қилишни ёқтирадиган қиз экан. Мен бўлсам фақат Зулайҳога кўнгил қўйган эдим, у ҳам фақат менга меҳрибон бўлишини истардим.

Баҳром менинг оғир хаёлларга бораётганимни сезгандай:

— Ҳа,— деди,— вазифанг мушкул, ошна.

Сўнг у чўнтағидан ҳарбий билетини олди. Билетнинг қатида бир қизнинг сурати бор эди, олиб қўлимга берди.

Сарғайиб кетган суратни симёғочдаги лапочканинг ёруғига солиб қарадим: сочини майда қилиб ўрган, хушрўйгина қиз уялиб қараб турар эди.

— Яхши,— дедим.— Тўй қачон?

— Тўй бўлган. Бошқага тегиб кетган.

— А?

— Мен армияда эдим. Ҳат борди.

— Бевафолик қилипти-да.

— Ким билади, ошна. Мен ундан тилхат олганим йўқ эди. Армияга кета туриб илтимос қилган эдим, шу суратни берувди. Кутади деб кўнглим тўқ бўлиб кетган эдим. Йўқ, кейин бошقا жойдан одам чиқибди. Отаонаси қистабди...

Мен унга суратни қайтариб бердим, «Энди бунинг нима кераги бор?» дегим келди. Лекин Баҳром суратни авайлаб билетининг қатига солди.

— Ё ҳалиям кўришиб турасизларми?— дедим.

Баҳром маъюс жилмайди-ю, билетнинг муқовасига уриб-уриб:

— Энди фақат мана шу қофозда кўришиб турдим,— деди.— Бошқа жиҳати мен учун ўлган. Расмни ҳам ўлган муҳаббатнинг ёрқин хотираси деб олиб юрибман. Билдинг?.. Қани, юр, ошхона ёпилмасдан овқат қиласлик.

Баҳромнинг гапи менинг дардимни янада оғирроқ қилиб кўрсатар эди.

## 7

Кум остонаяча борган. Остона ҳатлаб пастаккина залга кирдик. Ўнгда ошхонанинг туйнуги бор эди, иккичи киши навбат кутиб турибди. Чапга алюминий оёқли стол-стуллар кўйилган. Уларнинг кўпи банд. Тўғридаги буфетнинг ойнаси тагида эскириб кетган ранг-баранг папирос қутилари ва зарқоғозли шоколадлар кўзга ташланади. Буфетчи хотин одамлардан пул олиб, чек ёзиб беряпти.

Мен Баҳромга эргашиб буфетга қараб ўтар эканман, столлардан бирининг ёнида ўтирган Давронни кўрдим. Ашур эса чек олиб ошхонанинг туйнуигига қараб боряпти. Афтидан, Даврон унга жой банд қилиб ўтирибди.

Уларни кўрган заҳотим залдаги ҳаво босими бир неча баробар ошиб кетгандай туюлди.

Чек олишга навбат кутиб турибмиз. Бир вақт эшикдан Фуломов кириб келди. Буфетга яқинлашиб, биз билан бош ирғаб саломлашди-да, буфетчига пул узатди:

— «Казбек»дан бериб юборинг.

Шу пайт Ашур ошхона туйнугидан овқат олиб, Даврон томонга қараб ўтди.

Буфетчи Фуломовга икки кути «Казбек» билан пуллининг қайтимини бергунча, Даврон Ашур келтирган овқатни ея бошлади. Кейин ейишдан тўхтаб, ҳидлаб кўрди ва ўрнидан турди.

Фуломов энди кетмоқчи бўлиб турган эди, Даврон унинг олдига келди:

- Ўртоқ Фуломов, қани, овқатга марҳамат!
- Раҳмат, мен яқинда овқатланган эдим.
- Илтимос қиласиз, жилла бўлмаса татиб кўринг.

Ҳамма жим. Фуломов бир гап борлигини сезиб, Даврон таклиф қилган жойга бориб ўтириди.

— Марҳамат,— деди Ашур ўз тарелкасини унга томон суреб.— Мен текканим йўқ.

Фуломов санчқини қўлига олди:

- Нима гап ўзи?
- Гўшт ҳидланган,— деди кимдир.
- Киши ўлиб-тирилиб ишлайди!— деб Ашур аввалидан ҳам ингичкароқ овоз билан шовқин солди:— Ейдиган овқатимиз бу!

Фуломов гўштдан бир тишлил олиб оғзига солди ва зўрға чайнаб ютди.

- Ошпазни чақиринг,— деди.

Туйнукдан овқат олаётгандар ошпазни чақиришиди. Ҳамма жим. Фақат эшикдан кирган бир киши бурчакдаги темир бакдан алюмин кружкада сув ола бошлади. Фуломов эса «Казбек» қутисини очиб, папирос чекди.

Ошпаз қўлини фартуғига арта-арта ичкаридан пешгирилик қилиб чиқди:

— Биламан, гўштнинг мазаси кетган, ўртоқ Фуломов! Мен ўн марта илтимос қилдим. Бизга катта холодильник керак. Вагон холодильник керак. Битта «ЗИЛ»-га нима ҳам сиғади? Бу иссиқда мен қандай қиласман?..

Бу орада ҳалиги киши кружкани сувга тўлдириб, зўр иштаҳа билан сипқарди. Лекин ичиб бўлиб афтини буриштириди:

- Яна керосиннинг таъми!

— Керосин эмас, зангнинг таъми,— деди ошпаз унга.— Сув цистернанинг тагида қолган экан.

— Шу-да,— деди бир аёл.— Водопровод қурамиз деганлари қачон эди.

Мен Фуломовга ҳайрон бўлиб қарадим. У ҳамманинг гапига индамай қулоқ солар, фақат устма-уст папирос тутатарди.

Ниҳоят, жимлик чўкли. Фуломов папирос қолдиғини кулданга ташлади-да, вазмин гапирди:

— Мен кўшимча қилишим мумкин. Оилалилар учун фин уйлари келтириб ўрнатмоқчи эдик. Ҳали келтирганимиз йўқ. Бу ерларни кўкаламлаштириб, обод шаҳарчага айлантирамиз деган эдик. Ҳали битта ҳам дараҳт ўстира олганимиз йўқ. Яхши клуб қурамиз деган эдик. Бу ҳам бўлмаяпти. Хулас, камчилигимиз кўп. Лекин ким айбдор?! — леб Фуломов бирдан бақириб сўради.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ошхона туйнуғи олдида турғанлар Фуломовга яқинроқ келдилар. Буфетчи ҳам ишини тўхтатиб бошлиқнинг оғзиға қараб қолди.

— Айб трест билан бизда дейишларинг мумкин. Лекин ундан эмас. Ҳамма гап шундаки, биз ҳали давлатнинг зўр харажатларини оқлайдиган катта конлар тоғланимиз йўқ.

Менинг ёнимда турған бир киши «уф» торти.

Фуломов бошини кўтариб, биз томонга қаради:

— Шунда ҳам хукumat биздан пулни аяётгани йўқ. Очифини айтсам, водопровод учун ҳам маблағ олишимиз мумкин, ободончилик учун ҳам. Лекин эллик километрли водопровод қуриш учун қанча ишчи кучи керак? Катта музхона қуриш учун қанча вақт керак? Бу ерни обод шаҳарчага айлантириш учун-чи? Агар биз шунга яраша кон очиб, бу ерда беш-олти йил ишлаб қолсак, бошқа гап эди. Лекин биз топған газ, топишимиз керак бўлган газ конларининг кичик бир қисми, холос. Шундай бўлаверса, эҳтимол, бу ерда умуман газ разведкаси тугатилар! Эҳтимол, водопровод қуриб ултурмасимидан бу посёлка ҳам кераксиз бўлиб қолар! Эҳтимол, биз Газлидаги ёки бошқа жойдаги газ разведкасига бориб қўшилармиз...

Бошлиқ одам оддий ишчилар билан тенгма-тeng гаплашгани аввал мени қанчалик таажжублантирган бўлса, ҳозир шунчалик ҳаяжонлантириди. Кўзимга Фуломовдан бошқа ҳеч ким кўринмай қолди. Назаримда, у менинг бир ўзимга кўнглини очиб гапирав, мен билан гўё дардлашар эди. Унинг дардини мен ўз дардимдай ҳис қиласа, кетар эдим. ҳозир у мени қаёққа қараб бошласа, кетар эдим.

— Геологлар айбдор! — деб тўнфиллади Ашур.— Зўр конлар йўқ экан, нега бор дейишиди?

Фуломов стол четларини чанглаб, Ашурга тикилди:

— Ким айтди йўқ деб?

— Бўлмаса топилмасмиди?

Кўлимдан келса, мен ҳозир Ашурни бир сўз билан михлаб, Фуломовнинг мушкулини осон қиласа, эдим. Лекин, нима қилай, мен ҳали бунаقا гапларга аралаша олмайман.

— Кон кўп,— деди Фуломов осойишталик билан.— Бу ерга биз келмасимиздан олдин геологлар ҳаммасини исботлаб берган.

— Қофозда исботлаш осон-да, геологларга,— деди Ашур.

— Нима, геологлар чайнаб оғзимизга солиб кўйсинмиди?— деб Баҳром гапга қўшилди. Мен бирдан енгил тортдим. Баҳром давом этди:— Унда биз қидирувчи бўлиб нима қиласа, эдик? Номимизга яраша қидиришимиз керак, топишимиз керак.

Ашур унинг гапини писанд қилмай истеҳзоли кулади. Мен залдаги одамларга қараб, Ашурнинг томонини оладиганлар ҳам бор эканини сездим.

Буни Фуломов ҳам пайқаган экан:

— Бизнинг орамизда ишончсизларга ўрин йўқ,— деди.— Айни геологларга тўнкаш ҳам марднинг иши эмас. Шуни билингларки, посёлкани бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам биз ўзимиз.

— Бизнинг қўлимизда бўлса-ку...— деди ўрта яшар бир киши.

— Бизнинг қўлимизда!— деб Фуломов яна такрорлади.— Мен аминманки, биз яхши ишласак, катта конлар албатта топиллади.

Фуломов ўрнидан турди ва ошпазга қараб ғазабланаб гапириди:

- Агар сиз ишчиларга яна шунаقا гўшт берсангиз!..
- Ўртоқ Фуломов, холодильник...

— Олинг бу овқатларни, ўрнига бошқа нарса пишириб беринг! Эртадан бошлаб ҳар куни янги гўшт олишингиз керак.

- Машина йўқ ахир.

— Берамиз! Жуда бўлмаган пайтларда менинг машинамни оласиз.

Ошпазнинг чехраси очилди:

— Ундай бўлса бошқа гап,— деб ҳалиги овқатларни йиғиштириб олиб кетди.

Фуломов эшикнинг олдига борганда орқасига ўғирилди:

— Сув масаласига келганда, эртадан бошлаб яна битта машинани сув келтиришга ажратамиз. Ҳозирча қурбимиз келадигани шу. Хайр.

Бошлиқнинг гапи таъсир қилибди шекилли, ошпаз эҳтиётдан асраб юрган гўшт консерваларини очиб, анча мазали овқатлар қилиб берди.

Коринни тўйғазиб кўчага чиқдик. Гараж томонда движок тапилларди. Аллақаердан гармонь овози келарди.

Осмон тўла юлдуз. Назаримда, шаҳарчани яккам-дуккам лампочкалардан кўра шу юлдузлар кўпроқ ёритарди. Ҳаёлим энди ошхонада эшигтан гаплар билан банд эди.

Мен ҳам шу шаҳарчанинг тақдирини ҳал қиласидиган одамлардан бири бўламанми? Ажойиб! Тезроқ ишга чиққим келади.

## 8

Оёғимда оғир ботинка. Катта брезент қўлқопни қўлтиғимга қисиб олганман. Туш пайти маҳсус автобусда ишга боряпман. Ёнимда чақмоқ мўйловли, ўрта яшар киши ўтирибди. Бу — вахтамизнинг бошлиғи, пармаловчи Ражаб ака. Унинг бола-чақаси эллик километр наридаги туман марказида турар экан. Бир қатор олдинда ўтирган Ашур орқасига ўгирилиб, кўпроқ шу тўғрида гапириб боради:

— Тўй қачон энди, Ражаб ака? Кўлкарига олган улоқчамиз қариб, тишлари тушиб кетди-ку.

— Э, сўрама, ука. Маҳалла-кўйдан ҳам уялиб юрибман. Кўлкарига яраша жамғарма керак экан. Сенлар планни юз эллик-икки юз қилиб бажарсанглар экан, каттакатта устама мукофот олиб, тўйни бошлаб юборсам.

Ашур чағир кўзларини менга тиқди-ю:

— Харажатидан кўп кўрқманг, ошпаз ўзимиздан чиқади,— деди.

Ражаб ака менга ўгирилиб қаради:

— Бор гапми? Неча пуд гуруч дамлагансан?

Мен ярим пуддан ортиқ гуруч дамлаган эмас эдим, уялиб индамай қўя қолдим. Кейин автобуснинг очиқ деразасидан чўлга кўз югуртирдим.

Атроф шундай кенгки, автобус елиб бораётган бўлса ҳам, йўлимиз ҳеч унмаётганга ўхшайди. Текис ерларда таглари дўнгча бўлиб бўртган пастак шувоқлар кўзга чалинади. Барҳандек узала тушиб ётган қумли тепаларда эгри-буғри саксоқуллар ва япил тутунга ўхшаб кетадиган шўралар кўриниб ўтади. Ярим саҳро бўлган бу чўлда нима кўп, йўл кўп. Баъзиси биз бораётган йўлни кесиб ўтади, баъзиси унга келиб қўшилади, баъзиси ундан ажраб кетади. Узоқда бир вишка ҳароратли ҳаво тўлқинидан чайқалиб кўринади. Унинг олдидা ҳам йўл бор шекиlli, улкан бир машина трактор ортиб ўтяпти. Машинага оқ булатдек чанг эргашади, уни кувади, лекин ҳеч етолмайди.

Фуломов айтган зўр газ бу чексиз чўлнинг қаерига яширинган экан? Қудуқ қазиганда бир-икки метрли майдон қазилади. Бу ерларнинг сатҳи бир неча милион метр. Қидиувчилар шу миллионлардан бирини қандай толар экан?

Ражаб акаларнинг кўпроқ шу тўғрисида гаплашишларини истардим. Лекин улар йўлдан зерикиб, кулгили ва олди-қочди гапларни кўп гапиришарди. Гап иш мавзуига кўчганда ҳам, нуқул мен тушунмайдиган терминларни ишлатишарди, мен гунг бўлиб ўтиришга мажбур эдим.

Бир ярим соатлик йўл жуда узоқ туюлиб кетди. Кўзни қувонтирадиган нарса қидириб яна чўлга қарадим.

Бир тепаликнинг орқасидан улкан вишканинг учи кўринди. Вишка юриб келаётганга ўхшарди. Мен ҳайрон бўлиб, Ражаб акага кўрсатдим.

— Буми? — деб Ражаб ака бепарво жавоб берди, — шошма, ҳозир кўрасан.

Автобус тепаликдан ошиб ўтар экан, ҳаммаёқни тариллаган товуш тутиб кетди. Қарасам, ўн чоғли «С-100» тракторлари чўлни бошига кўтариб тариллар ва ҳалиги вишкани жилдириб келарди. Ўн қаватли уйдан ҳам баланд вишка ўзига яраша улкан пўлат чанага солинган. Тракторларнинг бир қисми вишканинг ёнида, бир қисми ортида боради. Вишка уларга йўғон сим арқонлар билан боғланган. Олдинги тракторлар чанани тортганда, ортдаги ва ёндагилари вишканинг оғиб кетишига йўл қўймайди. Ҳаммаси худди параддагидай орадаги масофани бир зайл тутиб, вишкани курсаб олиб боради. Агар бирор трактор дистанцияни бузса, вишка оғиб кетиб, баъзиларини босиб қолиши мумкин.

Мен, механизмлардан кўзим қамашиб, одамларни дуруст кўрмабман. Автобус яқинроқ борганда Ашур дегаздан бошини чиқариб, олдинги тракторга қараб:

— Чал, Такен, чал! — деб қичқирди.

Олдинги бир тракторда тикка туриб, ҳамма тракторчиларга имо-ишора билан команда бериб бораётган бригадир йигитга энди синчиклаб қарадим. Кўринишидан қозоқ бўлган бу йигит ўз иши билан шунчалик банд эдики, бизга кўз қирини ҳам ташлай олмади. Олдинги трактор тепаликка ўрмалаб чиқа бошлаган, ортдагиларнинг бир-иккитасини ҳам олдинга ўтказиши керак бўлиб қолган эди. Ашурнинг «Чал!» деганича бор эди: тикка турган йигит дирижёр каби жон-жаҳди билан кўл ҳаракатлантирас, ҳар бир тракторчи унинг амрини оркестрдаги музикантдай аниқ бажаарар эди.

Автобус уларнинг ёнидан физиллаб ўтиб борар эди. Ражаб ака вишкага кўз ташлаб:

— Бизнинг учинчимиизга ўхшайдими? — деди осоишишта товуш билан.

— Ҳа, ўша, — деди Ашур эснаб. — Мен қўйган белги ҳам турибди.

**Мен уларга тушуна олмас эдим. Кишини ҳаяжонга соладиган шундай ботирона иш тўғрисида наҳотки шундай жўн гапириб бўлса?**

Автобус илгарилааб кетди, тракторларнинг тариллаши эшитилмай қолди. Лекин мен ҳали ҳам ўзимни боса олмас эдим. Таъсирланиб кетганимни Ражаб ака сезибди шекилли, мўйловини диккайтириб кулимсиради-ю:

— Қойилмисан?— деди,— бизда бунаقا иш кўп, ҳали кўравериб кўзинг пишиб қолади.

Мен ҳалиги вишкани қаёққа олиб бораётганларини билмоқчи эдим.

— Энг баланд жой қаер бўлса, ўша ерга олиб бориб ўрнатилади,— деди Ашур,— кейин биз тепасига чиқиб қараймиз. Қаерда газ бўлса дарров кўринади.

Кулги кўтарилди:

— Ёлғонни ҳам боплайсан-е!— деди Ражаб ака.

Сўнг менга воқеани тушунтириб берди.

Маълум бўлишича, ҳар кудуқ икки-уч ой пармаланар экан, кейин вишкабошқа ерга элтиб ўрнатиларкан. Илгари уни бўлак-бўлак қилиб ташир эканлару бошқатдан монтаж қиласар эканлар. Бунга вақт жуда кўп кетгани учун монтажчилар ҳозир вишкани яхлит кўчириб бориб ўрнатадиган бўлибдилар.

Уларнинг ишлари кўзимга зўр бир баҳодирликдай кўринган эди. Шунинг таъсири урди шекилли, ўзимнинг келажакда қандай иш кўрсатишимни ўйлаб кетдим.

Киши яхши билмаган нарсаси тўғрисида хаёл суришга уста бўлади. Мен хаёлимда бояги вишканинг тагига парма ўрнатдим. Кейин газ қайдасан, деб ер тубини пармалаб кетдим. Ашур-паширлар менга ёрдам бериб турибди. Бир вақт Фуломов айтган зўр кон маҳсус асбоблар орқали «Мана мен!» деб товуш беради. «Бизнинг айтганимиз тўғри чиқди», деб геологлар келиб мени қучоқлаб табриклайди. Геологларнинг орасида Зулайҳо ҳам бор. Одамларнинг олдида мени қучоқлашдан уялади-ю, қўл бериб табрик айтади. Мен унинг қўлини қўйиб юбормай: «Қолгани қачон?»— дейман. Зулайҳо уялиб ерга қарайди, «Қолгани тўйда»,— дейди.

Мен тўй тафсилотларини ўйлаётганимда автобус се-кинлаб, дераздан аллақандай салобатли гувиллаш учиб кирди-ю, хаёлим бўлинди. Карасам, терак бўйи келадиган цистерналар, ерга тутун пуркаб ишлаётган қатор дизеллар, мен номини билмайдиган хилма-хил асбоб-ускуналар автобус деразаси олдидан бир-бир ўтяпти. Ҳеч охири кўринмайди. Бояги вишка пармалаш Қурилмасининг фақат бир қисми экан. Қолган қисмлари чўлнинг салкам бир гектар ерини эгаллаб, пўлат тоғдай ястаниб ётибди. Мен буни ҳеч тасаввур этмаган эдим.

Ақлим шошиб, автобусдан қандай тушганимни билмайман. Бояги мағрур хаёлларим энди қочгани жой тополмай қолди.

Мен-ку, мен, ўзини авлиё деб билган одам ҳам бу механизmlар тогини ёлғиз ишлатолмаса керак, кон очганда ҳам кўпчиликнинг бири бўлиб очса керак.

Бизга баланд бўйли рус киши пешвоз чиқди. Бу Пётр Петрович деган уста экан. Ражаб aka мени унга рўпара қилди. Мен шу туришда жуда ғалати кўринган бўлсан керак, уста юзимга қараб кулимсиради.

Унинг олд тишиларидан иккитаси тушиб кетган, юзи офтобда қорайиб, сарғиш қоши ва кўк кўзи жуда аниқ билиниб қолган эди. Менинг қаердан келганимни ва билимимни сўради. Кейин «яхши» деди-да, кўприкка ўхшатиб ётқизилган тахталар устидан юқорига бошлаб кетди.

Ротор детан оғир бир нарса қудуқ оғзини бекитиб тураркан. Ражаб aka юргизаётган лебедка зўр пармани ер тагига тушириб чиқараркан. Лебедка қаттиқроқ ишлаганда унинг ғалтагига ўралаётган йўғон трос тутаб кетгандай кўринарди. Нарёқда қатор турган бешта дизель баравар гувилларди.

Бу ердаги асбоб-ускуналар пуд ёки центнер билан эмас, ўн тонна, юз тонна билан ўлчанаар экан. Қувурлар илиниб турадиган биргина илгак уч тонна. Лебедка йигирма тонна. Вишка қарийб юз тонна. Бутун қурилма беш юз тоннага яқин. Оғир темирларнинг кўли ҳаракатда бўлгани учун одамлар ишлаётган жой ларзага келиб турарди.

Ҳозир парманинг ўтмаслашган тишини алмаштириш учун уни минг метр чукурликдан чиқариб олишмоқда экан.

Ражаб аканинг ёрдамчилари пастдан чиқаётган қувурнинг ҳар бўғимини зўр қисқич ёрдами билан бураб олиб, илгакка илиб борарди. Кейин ҳалиги илгак уни юқорига олиб чиқиб кетарди.

— Буёққа юр!— деб уста қўлимдан олиб қудуқнинг лабига олиб борди ва юқорини кўрсатди.

Вишканинг ярмида — олти қават уй баландлигига Ашур ишлаётир. Илгакка илиб берилган узун қувурнинг уни Ашурга яқинлашгандা, у чаққонлик билан қувурни қисқичдан чиқарди. Лекин кутилмаганда қувур унинг қўлидан чиқиб кетди. Ашур қўлига каноп арқон олиб, қувурга дадил ташланди, белигача пастга осилиб қолди. Назаримда, у ҳозир қулаб тушиб чилпарчин бўладигандай туюлди, қўрқиб кетдим. Ражаб aka:

— Эй!— деб қичқирди Ашурга. Бироқ Ашур қувурни арқон билан тугиб, қучоқлади-да, тахлайдиган майдончага ўтказди.

Пётр Петрович унга кўрсаткич бармоғини силтаб пўписа қилди. Ашур эса кулди. Пастда Ражаб aka ҳам кулиб:

— Кўрқмайди-я, юрагида ёли бор!— деди.

— Дорбоз, ҳақиқий циркач!— деб уста ҳам жилмайди.

Ичимда мен ҳам Ашурга таҳсин ўқидим. «Кечаги тўнглигига, эҳтимол, мен ўзим сабаб бўлгандирман», деб ўйладим.

Хаёл билан бўлиб юқоридаги илгакнинг тез қайтиб келаётганини сезмабман. Бир вақт қарасам, улкан темир гувиллаб тепамга тушиб келяпти. Чўчиб ўзимни четга тортдим. Аммо қудуққа доим елимсимон лойқа бориб-келиб тургани учун атрофи жуда сирғанчиқ бўлар экан, оёғим тойиб кетди. Агар Ражаб aka ушлаб қолмaganда, бошим билан темирга бориб урилар эканман.

Ҳамма кулиб юборди. Юқорига қарасам, айниқса, Ашур оғзини катта очиб ҳаҳолаяпти.

Жуда хижолат бўлдим.

— Ничего!— деб Пётр Петрович мени бир зиначадан нарёққа бошлаб кетди. У моторлар шовқинида бақириб гапирап эди: — Сен энг аввал ҳавфсизлик техникасини ўрганишинг керак. Эшитдингми?..

Кун ўзи иссиқ эди. Бунинг устига электростанция ва дизелларнинг оловли нафаси юзимга тегарди. Офтобда қизиб кетган темирларнинг тафти ҳам баланд эди. Мотористлардан бири сув ичаётган экан. Мен ҳам устма-уст икки кружка сув ичдим. Кейин шунга яраша тер куйила бошлади.

— Энди буёқقا қара,— деди уста.

Мен пастроқда бўғиқ гувиллаб ишлаётган насосларга қарадим. Уларнинг қалин пўлатдан ясалган букик қувурлари пўчоқдай липиллаб турар эди.

— Сув билан одамнинг баданини тешиш учун неча атмосфера босим керак?— Мен билмас эдим.— Саккиз атмосфера. Бу насослар эса юз атмосфера босим беради. Баъзан мана шу қалин темирни ҳам ёриб юборади. Шунинг учун олдида кўп туриш мумкин эмас. Юр!

Мени азим курилманинг салобати босиб, алланечук карахт қилиб қўймоқда эди. Бу баҳайбат механизмлар орасида ўзимга-ўзим жуда заиф кўринардим. Уларни бемалол ишлатиб турган одамлар эса гўё бошқа бир оламдан эдилар. Мен билан уларнинг орасида ер билан осмонча фарқ бордек туюлар ва бу фарқ мени жуда эзарди.

Лойқа оқиб ўтадиган нованинг ёнига борганимизда, уста тўхтади ва менга юзланди.

— Механизмлар жуда кўп бўлса ҳам, қиласиган ишимиз битта,— деди. Унинг овози бу ерда яхшироқ эшитиларди:— Ўзи ҳеч қудуқ қазиганинг борми?

— Йўқ.

— Биз минг метрлик чуқурликларни пармалаймиз,— деди уста,— биласан, бу чуқурликка одам тушиши мумкин эмас. Ҳарорат зўр, босим баланд, бундан ташқари, газ отилиб чиқиш хавфи бор. Қандай қилиш керак?

Мен ҳамма нарсанинг фаҳмига дарров ета қолган бўлмасам ҳам, ҳозирча икки нарсани тасаввур эта олдим. Бири шуки, биз қудуқ қазимаймиз, балки ер қатламларини тешиб, қудуқ пармалаб борамиз. Вақти келганда биз топган газ шу қудуқдан юзага чиқиб газопроводлар бўйлаб оқади. Аммо ҳозир газ отилиб чиқиши — дарё тошиб кетишидай бир фалокат. Шунинг учун

биринчи ишимиз пармалаш бўлса, иккинчи ишимиз пармалаб очилган ҳар бир сантиметр бўшлиқни оғир лойқа билан тўлдириб заммалаб бориш.

Куйган аталадек қорамтири-қизғиши лойқа боя менга жуда хунук кўринган эди. Ҳозир Пётр Петрович унинг хизматини айтаверса оғзим очилиб қолибди. Насосларнинг кучи билан ер тубига отилиб тушиб, парманинг тишини айлантириб, гранитларни тешишига ёрдам берадиган нарса шу лойқа экан. Тош-тупроқни ер юзига оқизиб олиб чиқадиган ҳам шу лойқа экан. Асбоб-ускунани ер қаъридаги зўр иссиқликдан ҳимоя қилиб совутиб турадиган ҳам шу лойқа экан. Кудуқ деворларига шувалиб, ҳаммаёқни қумшувоқдай текислаб чиқадиган ҳам шу лойқа экан. Унга маҳсус қотишмалар аралаштирилса, бир литри бир ярим килогача оғирлашар экан. Ўз оғирлиги билан ер ости босимларига ва газнинг отилиб кетишларига йўл қўймай турадиган ҳам шу лойқа экан.

— Қойилман-э!— деб юборибман.— Шуни ким ўйлаб топганикин?

Пётр Петрович кулди-ю, назаримда тишининг кертиги ҳозир ўзига жуда ярашиб кетди.

— Ўйлаб топганни кейин биларсан,— деди.— Энди бир оз ишлайлик.

У ерда ётган бир белкуракни олиб, лойқанинг йўлини тош-пошлардан қандай тозалашни ўргатди. Кейин мени ёлғиз қолдириб келган йўли билан қайтиб кетди.

Мен иш орасида лойқага қўл солиб кўрдим. Ҳақиқатан, хийла иссиқ. Ер тагида ҳарорат зўр бўлади деганлари рост экан-да. Мен ер қаърини ўзимча тасаввур этиб, шу тўғрида эшитган афсоналаримни эслаб, лойқанинг йўлини бир кур тозалаб чиқдим. Энди нима қилишим керак? Келган йўлимиз билан қайтиб кетай десам, юриб турган механизmlарнинг орасидан ёлғиз ўтишга юрагим бетламайди. Кудуқ олдида қилинаётган ишнинг ларзаси мен турган жойга ҳам келяпти. Ашурлар, Ражаб акаларга нисбатан мен нима деган одам бўлдим?

Боя хаёлда уларнинг ҳаммасидан баланд келиб, бутун қурилмани бир ўзим бошқарган эдим-а. Ўша хомха-

ёл яна эсимга тушиб, менга бир хунук хатодек туюлди-ю, жуда озор берди. Гүё менинг юрак тубига яширган зур орзуим пуч чиқсан эди. Бир ўзим қахрамонлик кўрсатиб кон очишим ва шу билан Зулайҳони қойил қилишим ушалмас бир орзу экани энди аниқ. Бироқ мени Зулайҳо-га етказадиган бошқа бир йўл ҳам кўзимга кўринмайди.

## 9

Кудуқقا бошқа томондан яқин йўл бор экан. Уста келиб мени бошлаб кетди. Лойқанинг оғирлигини ўлчаб турувчи қизнинг олдидан ўтиб, кудуқ саҳнига чиқдик.

Шу пайт пастда машина дудутлагандай бўлди. Ўгирилиб қарасам, Қаршимизда бир ярим тоннали усти ёпиқ машина тўхтаб турибди. Ундан оқ кигиз қалпоқ кийган бир қиз тушяпти. Зулайҳога ўшшайди. Машина дарҳол жўнаб кетди. Қўлига журналдай бир дафтар ушлаб олган қиз бизга қараб юрди. Зулайҳо!

Юрагим «шув» этиб кетди. Зулайҳо бояги таҳлика-ларимни биладигандай ва мендан дарров ихлоси қайтадигандай бўлди. Вишканинг зиналояси олдида сув тўла чelак турган эди. Ишни дўндирган одамдек пешана теримни енгим билан артиб, чelакка қараб ўтдим ва кружкани сувга ботирдим.

Зулайҳо оёғи тагидаги кўприксимон тахталарга қараб келди-ю, бизга яқинлашганда бошини кўтарди ва салом берди.

— Келинг,— деди Пётр Петрович алланечук сергакланиб.

Ражаб aka лебедкани тўхтатиб, парманинг эски тишини олиб қўймоқда эди. У ҳам Зулайҳодан қандайдир бир ташвишли гап кутиб жимиб қолди.

Мен сув ичаётib Зулайҳони зимдан кузатиб турибман. У ҳам жиддий ишлар билан келганини олдиндан айтиб қўймоқчидай:

— Мени бош геолог юборди,— деди. Кейин у гапни нимадан бошлашни билмай хиёл тараддулланди:— Ҳозир чукурлик қанча?

Уста айтди. Зулайҳо қўлидаги дафтарни очиб кўрар экан, мен унинг ҳаяжонланаётганини сездим. У мени

анча наридан курган эди, ҳозир кузатиб турганимни ҳам ҳис қиласди-ю, бироқ мен томонга қарамас эди. Гёё қарашга журъат этмасди. Бу ҳол менга жуда хуш ёқди. Унинг ҳаяжонига фақат мен сабаб бўлаётгандай юрагим ёқимли шопириниб олди.

Зулайҳо босимни кўрсатадиган асбобга қаради. Ке-йин лойқанинг оғирлигини ўлчовчи қизнинг олдига ўтди.

Мен унинг боши ортига юмалоқлаб туғиб қўйилган сочини кўрдиму, негадир, ўқувчилик давримизни эсладим. Ўшанда Зулайҳонинг сочига ҳавас қилувчилар кўп эди. Унинг ўзи ҳам сочини иккита қилиб ўриб, тақимига тушириб юришни яхши кўрарди.

Ҳозир эса сочини мумкин қадар кўзга ташланмайдиган қилиб тукканди. Кийган кўйлаги ҳам одми. Лекин иш тўгрисида гапирганда ҳам маъсумлигини йўқотмайдиган юзи унинг ҳуснига зътиборни тортмай қўймас эди.

— Пётр Петрович, қатламларнинг чизмаси сизларда ҳам бор эди-ку,— деди Зулайҳо устанинг олдига қайтиб келиб.

— Нима қилибди?— деди Пётр Петрович.

Юқоридан Ашур тушиб келди. Зулайҳо биздан ўпкалаётганга ўхшаб гапиради:

— Мана шу чукурликда газ бўлиши мумкин дейилган эди-ку. Нега эҳтиёт бўлмайсизлар? Лойқа енгиллашиб кетибди. Газ отилиб вишкани қўпориб ташласа, нима бўлади?

Мен тоғдай темирларга қарадиму Зулайҳога ишоннишими ҳам, ишонмаслигимни ҳам билмай қолдим.

Ражаб aka қўлини артар экан:

— Ўтган сафар ҳам шундай деб кўрқитган эдиларинг,— деди Зулайҳога.

— Ҳа, у қудуқдан газ отилиб чиқмаган бўлса, синов пайтида кўрасизлар!

— Синов ҳам бўлди,— деди уста тўрт қиррали қувурни кўздан кечира туриб.

— А? Қачон?— деб Зулайҳо шошиб сўради.

— Бугун эрталаб мен ўзим бориб кўрдим, заифгина газ чиқди.

Зулайҳо лабларини тишлаб, ёрдам сўрагандай менга қаради.

Мен иложсиз бир аҳволда қўлимдаги бўш кружкани чанглаб, унинг тубига тикилиб қолдим.

— Ўшани уч ой пармалаган эдик-а?— деди Ражаб aka ва сув ичмоқчи бўлиб кружкани менинг қўлимдан олди.

Ашурнинг ингичка овози эшитилди:

— Ҳа, Зулайҳо, акангиз қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб юрган эканлар-да.

— Нима десанглар денглар, лекин энг зўр кон шу атрофдан чиқиши керак! — деди Зулайҳо. Унинг товушида ғалати бир қатъият сезиб бошимни кўтариб қардим. У қизишиб, кўзлари ёниб гапирав эди: — Мен геологларга ишонаман. Газ оёғимиз тагида кўзага қамалган девдай сиқилиб ётган бўлиши мумкин!

Бу ўша Зулайҳоми? Мен уни ҳеч вақт бундай қиёфада кўрмаган эдим. Унинг гаплари дам ваҳмимни келтиради, дам завқимни. «Акасидан эшитган бўлса керак-да», дердим ичимда.

— Қани эди ўша зўр газ сиз айтгандай сиқилиб, бизни кутиб ётган бўлса, жон дер эдик-ку! — деди Ражаб aka.— Қачондан бери овозасини эшитамизу ўзини кўрмаймиз. Лекин кўришга муштоқмиз!

— Бу гапни қўй, Ражаб, — деди Пётр Петрович. Сўнг Зулайҳодан сўради: — Биз ҳозир ўши хавфли қатламдамизми?.. Бўпти, лойқанинг оғирлигини кўтарамиз. Ражаб...

Улар иккиси гапиришаётгандаридан фойдаланиб мен Зулайҳога яқинлашдим.

— Ҳормант!..

Зулайҳо ҳам менга томон бир қадам ташлаб:

— Ўзингиз ҳормант!— деди ва асабийлашганини билдирамасликка тиришиб қулимсиради.— Хўш, ишингиз қалай?

— Ҳа, шу... Ҳали айтиш қийин.

Зулайҳо ёноғига тушган соч толаларини қулоғи ортига ўтказар экан, унинг ҳамон безонта эканини сездим.

— Мен билмабман, сиз бизни тафтиш қиласар эканлиз, — дедим ҳазил билан унинг кўнглини ёзмоқчи бўлиб.

Зулайҳо Ражаб ака томонга олазарак бўлиб қаради.

— Тафтиш ҳам ўлсин,— деди.— Ҳали энг қийини турибди. Ражаб ака яна дод дейди.

— Нега энди?

Зулайҳо жавоб бериб улгурмасдан ёнимизда Ашур пайдо бўлди ва менинг қўлимга белкурак тутқазди:

— Ма, энди ишлайсан.

Мен унга «Хўжайн эмассан!» демоқчи эдим, аммо Зулайҳо бунинг олдини олди:

— Боринг, майли, ана, Ражаб ака ҳам чақиряпти.

Ражаб ака ҳаммамизни электростанциянинг ортига бошлаб ўтар экан, Зулайҳо пастга тушди ва четроқда турган будкага кириб кетди.

Лойқага барит деган оғир қотишма билан гилмоя аралаштирас эдик.

— Ваҳимасини қара-я!— деди Ашур.

— Ҳаммаси «олабўжи» деб қўрқитади,— деди Ражаб ака белкурагини гилмояга зарб билан ботириб.— Мен уч йилдан бери ишлайман, ўша «олабўжи»сини бирор марта кўрган эмасман. Буларнинг гапига кирсанг, бутун вақтинг эҳтиёт чораларига кетади. Ахир, менга мунча метр пармалайсан деб план бериб қўйибди. Мен шуни бажаряпман.

Кейинроқ билдим, эҳтиёт чоралари чиндан ҳам вақтни кўп олар экан. Одатда, бунинг ҳаммаси зўр газ босимиға қарши қилинар экан. Бироқ кўп қатламларда унақа газ учрамас экан, пармаловчилар ўз эҳтиёт чораларига яраша «олабўжи»ни кам кўрар эканлар.

Мен ҳали бу нарсаларни тушунмасам ҳам, Зулайҳони сўёсиз ҳақ деб билардим. Механизмлар қаттиқроқ ишлаб, оёғимиз таги кучлироқ ларзага келса, «ер остидаги газ қимирламаяптимикин?» деб тўхтаб қулоқ солардим. Бир марта шундай қулоқ солиб турганимни Ашур кўриб қолди. Юзини менга яқинлаштирди-ю, жиддий туриб деди:

— Бояги гаплар бежиз эмас. Кўз-қулоқ бўлиб юр, мабодо газ портлаб, ер ёрилиб кетса... нима қилиш кепрак, биласанми?

— Йўқ, нима эди?— дедим мен ишониб.

Ашур чапанича хаҳолаб кулди.

Шундан кейин мен уни аввалгидан баттар ёмон кўриб қолдим. Назаримда, унинг турган-битгани мақтанчоқлик эди. Фақат Ражаб ака буни сезмасди. Икки гапнинг бирида:

— Ашур полвон!— деб турарди.

Менинг эса ғашим келарди.

Лойқанинг оғирлигини меъёрига етказиб, қудуқнинг олдига қайтдик. Нарироқдаги кўпrik устида Зулайҳо Пётр Петровичга ҳалиги дафтарни кўрсатиб, нимадир деб гап уқтиради. Уларнинг важоҳатига қараганда, ора-да жиддий бир баҳс бўлганга ўхшарди.

Ражаб ака илгакни ҳаракатга келтирди. Ашур юқорига чиқиб кетди. Тўрт қиррали қувур орқали ер тагига оғирлаштирилган лойқа юбордилар. Кейин парманинг учига янги тиш ўрнатмоқчи бўлишганда, Зулайҳо билан Пётр Петрович қудуқнинг олдига келди.

— Ражаб! Шошма, бошқа иш борга ўхшайди,— деди уста.

— Яна нима иш? — чўчиб сўради Ражаб ака.

Зулайҳо мулойимлик билан гапира бошлади:

— Ражаб ака, ўзингиз кўриб турибсиз, табиат бизни сарсон қиляпти. Баъзи қатламларни жуда кўп текширишга тўғри келяпти. Ҳозир сиз пармалаётган қатламдан ҳам намуна олишимиз керак.

Ражаб аканинг жони чиқиб кетди. Намуна олиш жуда мушкул иш эканини мен шундан сездим:

— Намуна деб бир куним бекор кетсинми! Бизнинг ишнимиз глубокое бурение<sup>1</sup> дейилади, биздан ҳадеб намуна сўрашга ҳаққингиз йўқ!

— Менга нега ундей дейсиз? Мана, идорадан буйруқ ёзиб беришган.

— Идорада ўтириб буйруқ ёзиш осон-да! Бу ерга келиб пармани минг метрга тушириб-чиқариб кўрса экан ўша бюрократлар!..

---

<sup>1</sup> Катта чуқурликлар пармаланганда намуна кам олинади.

Пётр Петрович ҳам аввал Зулайҳо билан шу мазмунда баҳслашган бўлса керак. Ҳозир Ражаб аканинг кўпиришига қараб ортиқча баҳс ўринсиз эканини сезди, шекилли:

— Ундан дема, Ражаб, керак бўлса иложимиз қанча, — деди.

— Керак бўлса тунги вахтадан<sup>1</sup> олишсин! Нега келиб-келиб менинг ишимнинг белига тепишади!

— Бўлмаса, майли, — деди Зулайҳо. — Тунги вахта келгунча сиз пармаламай туриңг.

— Нима?!

— Бизга ҳозир сиз пармаламоқчи бўлган қатламнинг намунаси керак. Агар сиз олиб бермайман десангиз, нариги вахталар келгунча пармани тўхтатиб кўйинг. Мен кутаман.

Пётр Петрович ерга қараб кулди. Ражаб ака ишимнинг секинлашидан шунчалик безиллаётиби-ю, ярим тунгача бекор ўтира олармиди! Зулайҳо уни мот қилганини сезиб, мен ҳам кулдим.

— Нега тиржаясан, бор ишингни қил!— деб Ражаб ака мени уришиб берди.

Мен Зулайҳога қараб кулиб қўйдиму белкуракни олиб, лойқанинг йўлини тозалашга кетдим. Ражаб ака азбаройи малол келганидан, ёрдамчиларига зарда қилиб иш буюрар, аламини кимдан олишини билмас эди. Шундай бўлса ҳам, парманинг учига намуна оладиган тўртқиррали қувур ва маҳсус тиш ўрнатиб, ер остига тушира бошладилар.

Ражаб ака бу ишга кетадиган вақтига қанчалик ачинса, мен шу вақт давомида, Зулайҳо билан бирга бўлишимни ўйлаб шунчалик суюнар эдим. Зулайҳо келгандан бери гўё кўнглимда аллақандай завқ пайдо бўлган эди. Кулги гўё лабимнинг учига тайёр турарди. Кимгандир ҳазил қилгим, ким биландир ўйнаб-кулгим келарди. Белкурак билан лойқанинг йўлини тозалар эканман, кўзларим менга бўйсунмай нуқул Зулайҳони қидиради.

---

<sup>1</sup> Вахта – ишчилар гуруҳи, куну тун алмашиниб ишлайди.

Зулайҳо ишини жўнаштиргандан кейин дафтарини будкага элтиб қўйди-ю, челак кўтариб, менинг ёнимга келди.

— Қани,— деб сигир соғадигандай чўнқайди ва челакнинг оғзига сузғич тутди: — Лойқанинг қуюқ жойидан бир белкурак олинг-чи!

Унинг бояги безовталиги йўқолган, чехраси очилиб, кўзга жуда яқин бўлиб қолган эди. Менга пастдан қараётгани учун киприкларининг учи қошига тегиб турарди. Офтобда бир текис қорайган юзига тишларининг оқлиги ва лабидаги қуюқ қизиллик жуда ярашиб тушган. Мен унга хаёлим кетиб, айтган нарсасини дуруст бажара олмадим шекилли:

— Мен сизга қуюғидан дедим!— кулиб гапирди Зулайҳо.— Ошпаз бўлгансиз-ку, ахир. Қуюғидан деганда гўшти билан донидан кўпроқ сузмайсизми?

— Хўп, мана,— дедиму тош-пошлар тўпланиб қолган жойга белкурак урдим.

Эртакларда девга курак билан овқат сузив бергандари эсимга тушди.

— Қайси девга овқат сузяпмиз?— дедим.— Боя биттаси ер тагида сиқилиб ётибди деган эдингиз. Ўшанга бўлса, марҳамат.

Белкуракдагини сузғичга ағдармоқчи эдим.

— Э, шошманг, оз-оз қуйинг... Ҳа, ана... Бу ўша девнинг «нишхўрди»... Энди ана у шлангадан бир оз сув қуйинг.

Тош-пошларни сузғичда ювиб тозалаганимиздан кейин ранглари очилиб, сарик, қизғиши ва кўкиш тусга кирди.

— Ие, девингизнинг нишхўрди ҳам чиройли-ку!— дедим.

Шунаقا ҳазиллашиб, кулишиб, мен челакни кўтардим. Зулайҳо сузғич билан тошларни олди. Пастга тушиб будкага кирдик.

Зулайҳо ҳалиги катта дафтарини очиб, тошларнинг номи, ранги ва бошқа белгиларини ёзиб қўя бошлади. Мен тикка турган ҳолда деворга суюниб унга караб қолдим.

Ручкани худди бирга ўқиган пайтларимиздагидай қия тутади. Лекин ҳозир жуда тез ёзадиган бўлибди.

Калта енгли кофта кийгани учун билаклари очиқ. Мен унинг чап билагидан юқорига кўз югуртирдим.

Ўн бир яшар эдикми, бир кун Зулайҳо икковимиз ўтинга чиққан эдик. Куз пайти. Дараҳтларнинг барги камайиб, қуриган шохлари билиниб қолган. Мен дарахтга чиқиб қуриган шохчаларини синдириб ташлаяпман. Зулайҳо териб оляпти. Лекин унинг ҳам дарахтга чиққиси келади. Мен «ииқилиб кетасан» деб қўймайман. Охири бўлмади, Зулайҳо бир ўрикнинг шохига чиқди. Мен нокнинг шохида эдим. У чаққонликда мен билан бас бойлашгандай баланддаги ингичка шохга тармасибди. Бир вақт алланарса қарс этиб кетди. Қарасам, Зулайҳо пастига йиқилиб тушаётиб, бошқа катта шохга илиниб қолибди. Сакраб тушиб, унга қараб чопдим. Бир амаллаб тушириб олдим. Бечоранинг бир қўли қонга беланганд. Билагидан юқорироғини ўткир бутоқ тилиб кетибди. Лекин Зулайҳонинг дами чиқмайди. Вой деганини эшитганим йўқ. «Айб ўзимда», дегандай тишини-тишига қўйиб жим турибди. Мен унинг ярасини боғлаётib: «Чидаминг зўр экан-е», деганим эсимда.

Билагидан юқорироқдаги ўша яра изи ҳали ҳам салпал оқариб турибди. Лекин илгариги кичкина Зулайҳонинг ўрнида бўй етиб тўлишган, «фалати» тошларнинг «сирларини» ёзиб олаётган бошқа бир қиз ўтирибди. У менга кўз қирини ташлади-да:

— Ўтирмайсизми? — деди.

Мен индамай унга қарапдим. Зулайҳо буни ҳис қилиб ортиқ ёза олмади. Авторучкасининг думини лабларига қўйиб ёзганларини ўқиб кўрди.

— Ҳаҳ, адашиб кетибман! Ўтиринг, десам... Бирор тепамда турса ҳеч ёзолмайман. Ишингиз ҳам қараб қолди, боринг уста уришади.

— Бир нарсани билай, кейин кетаман, — дедим.

— Нимани? — деди Зулайҳо ва менинг тараддулданаётганимни кўриб жиддийлашди.

Мен унинг кўнглини билмоқчи эдим. Лекин буни қандай сўрайман.

- Сиз... Ҳа, айтмоқчи, сиз бу ерда катта кон борлигини қаёқдан биласиз?
- Фол очиб биламан,— кулди Зулайҳо.
- Йўқ, беҳазил.
- Беҳазилми? Бўлмаса эшитинг. Мана шу чексиз чўлнинг ўрни бир замонлар денгиз бўлган. Хўш. Неча миллион йиллар давомида денгиз қуриб чўлга айланган. Сув ҳайвонлари ўлиб, қанча ўсимликлар қуриб, ер қатламларининг тагида қолиб кетган. Демак, шуларнинг чиришидан газ ҳосил бўлган. Хўш деганингиздан билсак...— Зулайҳо атайлаб овозини йўғон қилиб, кекса лекторга ўхшаб гапирав, менинг завқим келарди.
- Ўртоқ профессор, битта савол бор...
- Савол лекциянинг охирида берилади, яхши йигит, ўтиринг,— деб Зулайҳо мени курсига ўтқазди. У ҳеч кулмас эди:— Хў-ўш. Энди биз бу газни қандай қилириб топамиз? Энг осони — ернинг ёриғидан чиқиб, ёниб ётган газни топиш. Бизда шунақаси ҳам бор.
- Қаерда?— дедим мен беихтиёр қизиқиб.
- Нариги участкамизда бир кўл бор, — деб Зулайҳо ҳам ҳазилни қўйиб, жўн ҳикоя қила бошлади.— Шунинг ёқасидаги ер худди яланг оёқ юрган одамнинг товонидай ёрилиб-ёрилиб кетган. Ёриқларидан вашиллаб газ чиқиб, ёниб ётибди. Яқинига йўлаб бўлмайди.
- Ие! Ким ёндирганийкин?
- Билиш қийин. Бирор газ ўзи ёниб кетган дейди. Бирор яшин тушиб ёндирган дейди.
- Ие!
- Кўл-чи, кўл. Унинг баъзи жойлари худди қайнаб турганга ўхшайди. Гугурт чақиб ташласангиз ёниб кетади.
- Үндай бўлса биз бу ерда нима қилиб юрибмиз?— дедим.— Вишкани ўша ерга элтиб ўрнатсак бўлмайдими? Зулайҳо кулди.
- Ҳали билмайсиз-да,— деди.— Ернинг ёриғидан чиқиб ётган газ — дарёдан уриб кетган сувдай гап. Дарёдан канал чиқармоқчи бўлсангиз сув урган жойидан чиқарасизми, ё бошқа қулайроқ, нишаброқ жойини қидирасизми?

— Хўп, Зулайҳо, лекин сиз аввал ўша «дарё»нинг ўзини топиб беринг, кейин мен унинг нишаб жойини қидирай,— дедим яна ҳазил қилиб.

- Ҳозир ўша дарёнига устида турган бўлсангиз-чи?
- Ишонмасам-чи?
- Қаранг бўлмаса,— деб Зулайҳо қофозга ер қатламларини чиза бошлади.

Мен унинг ҳамма гапларини бош ирғаб маъқуллар эдиму ўзим бошқа нарсаларни ҳис қиласдим. У чизаётган расм устига энгашганимда Зулайҳонинг майин соч толалари пешанамга, юзимга тегиб қўярди. Учига томон ингичкалашиб борган момик бармоқлар қофоз устида бехад чиройли ҳаракатланарди. Баъзан юзимга угли бир нафас келиб тегар, ҳақиқий лаблар яқингинадан кўринар эди.

Бир вақт Зулайҳо:

- Тушундингизми энди?— деб қолди.
- Нимани?
- Ие, хаёлингиз қаёқда эди?
- Ҳа, тушундим... Бир қиз ўз ҳунарига жуда кўнгил қўйган экан. Лекин... у қизнинг кўнглида шундан бошқа яна нима сир бор? Шуни қандай билиш мумкин?

Зулайҳонинг юзидаги нафис қизиллик қуюқлаши, лаблари бир-бирига ботиб, жиддий тус олди. У индамай аввалги ишига уннади.

Мен ҳаддимдан ошиб кетганимни сездиму изза бўлиб ўрнимдан турдим. Бунинг устига Ражаб аканинг ёрдамчиларидан бири келиб Зулайҳони чақирди. Мен бирга чиқар эканман:

- Бояги гапни кўнглингизга олдингизми?— дедим.
- Сиз ҳам шум бўлибсиз,— деб Зулайҳо жилмайиб қўйди ва Ражаб аканинг олдига чопиб кетди.

Мен яна лойқанинг йўлини тозалашга тушдим. Кейин Ражаб ака қаттиқ-қаттиқ гапираётганини эшитиб қудуқнинг олдига бордим.

Тўртқиррали қувур камида тўрт метр намуна олиб чиқиши керак экан. Бироқ пармани суғуриб олаётгандарида намунанинг ярми қудуққа тушиб кетибди. Ражаб ака жиғибийрони чиқиб:

— Бугунги иш ҳақини ҳам жин урди!— деярди. Шундан сездимки, иш ҳақи намунанинг ҳажмига қараб қўйилади:— Кошки шунга яраша бир нарса топилган бўлса. Газ бор деб ваҳима қилган қатламларидан гранит чиқиб ўтирибди.

Уста мотористларнинг олдига кетганди.

Зулайҳо намунани авайлаб ювиб лойқадан тозалар ва осойишта жавоб берар эди:

— Гранит қатлами ҳам нарядда бор эди, Ражаб ака. Фақат геологлар кўрсатгандан қалинроқ чиқди. Ер қаъридаги қатламларни метр-метригача аниқ кўрсатиш осонми, ахир!.. Ҳали бу намуна анализ қилинади. Шу орқали кўп нарса аниқланади. Меҳнатим бекор кетди, деб ўйламанг.

— Э, бўлди, синглим, энди бу ерга камроқ келинг!

Зулайҳо кулимишиб менга қаради. Мен бош чайқаб: «Аксинча!» дегандек қилдим. Ёнимда Ашур турган эди, буни кўриб ғаши келди.

— Ражаб ака, ундей деманг, мана бу ошпазимиз Зулайҳонинг челягини кўтариб юришга жуда ишқибоз,— деди.

Бошимга «туп» этиб қон урди. Ашурга тикилиб туриб:

— Аҳмоқ!— деган сўз оғзимдан чиқиб кетди.

Ражаб ака лебедкани гувиллатиб юргизиб юборган эди, менинг сўзим кўпчиликка эшитилмади. Лекин Ашур эшитди. Унинг чағир кўзлари «Шундайми ҳали!» дегандай таҳдид билан чақнади.

## 11

Зулайҳо кеч кирганда ишларини битириб, шаҳарчага қайтиб кетди. Чўлга қоронғилик туша бошлади. Вишкада минг шамли лампочкалар ёнди.

Мен қудуқ олдida Ражаб ака буюрган майдада-чуйда ишларни қилиб юрар эдим. Уста уч сменага бир ўзи бўлганлиги учун эрталаб ишга чиқиши керак экан, Зулайҳо кетган машинада у ҳам кетди.

Назаримда, чўл ҳозир жуда ҳувиллаб қолган эди. Тун қоронғисида механизмларнинг гувиллаши янада баҳайбатроқ эшитиларди.

Ражаб ака менга бўш чеълакни ва алюмин кружкани кўрсатиб:

— Сув олиб кел,— деди.

Мен чеълакни олиб пастга тушдим. Четроқда ерга ўйиб ишланган ва қудуқقا ўхшатиб қопқоқ билан ёпиб қўйилган цемент ҳовузча кўрган эдим. Қопқоқнинг устида бир стакан туар эди. Ўша ердан бир чалак сув олиб келдим.

Салқин тушса ҳам терлаб ишлаётган пармаловчилар бир кружкадан сув ичиши. Юқоридан Ашурнинг овози келди. Карасам: «Сув келтири!» деб менга ишора қиляпти. Мен унинг айтганини қилгим келмай, Ражаб акага қарадим.

— Майли, элтиб бер, иш тўхтаб қолмасин,— деди Ражаб ака.

Мен кружкани сувга тўлдириб, вишканинг торгина ёғоч зинапоясига оёқ қўйдим. Бир зина кўтарилган заҳотим юрагим шув этиб кетди. Дизеллар баравар ишлаб, лебедка қаттиқ айланган пайтда, бутун зинапоя шундай титрар эдикни, назаримда, ҳозир узилиб, қулаб кетадигандай туюларди. Чап қўлим билан зинапоя қанотига суянган эдим, белим майишиб кетди. Ўнг қўлимдаги сув қаттиқ чайқалиб, анчаси тўкилди.

Мени ваҳима босди. Вишканинг ларзаси устига ўзимнинг ҳам қўл-оёғим қалтирайди. Ҳар сафар моторлар борлиқни ларзага келтириб ишлаганда, мен «Ҳозир тамом бўламан!» дейман. Кружкадаги сув чайқалиб, тўкилиб, тобора озайяпти.

Бир марта тўхтаб юқоридаги Ашурга қарадим. У менга қараб «ўл-а!» дегандек қилиб кулаётганга ўхшади. Яна юриб кетдим. Кейин тўсатдан пастга кўзим тушган эди, олти қаватли уйнинг томидан қулаб кетадигандай бўлдим. Тишимни-тишимга қўйиб, пастга иккинчи марта қарамасликка тиришдим. Охири не азобда Ашурнинг олдига етиб келдим.

Ашур мени жиддий кутиб олди. Мен ярим бўлиб қолган кружкани унга узатдим.

— Менга эмас!— деди Ашур. У пастдан чиқиб келган қувурни қучоғига олиб қисқичдан бўшатар эди.—

Юқорида слесарь ишлайды. Ҳў, ана, вишканинг учни тузатдиги.

Кайфим учеб юқорига қарамадим. Ўн тўрт қават уйдай баландликка чиқишим керак. Кейин Ашурга ўғирилдим. Унинг белидаги камари занжир билан будкага боғлаб қўйилгани, иши мен ўйлаганча хавфли эмаслиги эътиборимни тортди ва ҳавасимни келтирди.

— Кўрқасанми?— деб Ашур хаҳолаб кулди.— Чумчуқ юракмисан?

Уят ўлимдан ёмон. Бор кучимни йиғдиму яна кутарила бошладим. Зинапоя аввалгидан баттар титрарди. Аксига олиб шамол туриб берди. Бир қўлимда сувли кружка, жонимдан кечгандай бўлиб, вишкада чиқиб боряпман. Уфқати юлдузлар ҳам пастда қолаётгандай туюларди.

Мана, ниҳоят етдим. Лекин вишканинг учидаги ҳеч ким йўқ. Мен ҳайрон бўлиб пастга қарадим. Нақадар баланд, ўрганмаган одам учун нақадар ваҳимали! Кўзим тинди, зинапоя қанотига суюниб қолдим. Бир вақт ўзимга келиб қарасам, шамол мени шиддат билан тортқиласпти. Зинапоя қаноти оғирлигимга бардош бера олмай, этилиб кеттган. Бир лаҳза нафасим ичимга тушиб, қирқ метр баландликдан қулаг кетаётгандай бўлдим. Йўқ, хайрият, зинапоя қаноти ночор кўринса ҳам синмади, қадимни ростлаб аста-секин пастга туша бошладим. Содда бўлмасам, Ашурнинг аллаганини ҳали ҳам сезмабман. Тушаб:

— Қани, ҳеч ким йўқ-ку,— десам Ашур чапанича қийқириб кулади.

Пастдагилар иш билан банд.

Мен алданганимни энди сездим. Фазабланиб кружка тагида қолган озгина сувни Ашурнинг башарасига қулочкашлаб сепдим. Ашур бир чўчиб, менга олайиб қаради-ю, сўнг юзини ҳам артмай яна кулди:

— Ўзим иссиқлаб турувдим, яхши бўлди. Ха-ха-ха!

\* \* \*

Баҳром тўғри айтган экан. Ашур одамга бир ўчакишгандан кейин то ёнгига олмагунча қўймас экан.

Дунёда пул ўғриси бор, мол ўғриси бор, лекин қадр ўғриси йўқми? Бироннинг қадрини ерга уриш йўли билан ўз қадрини оширадиган одам қадр ўғриси эмасми? Ашур менинг гуруримни синдиримоқчи, мени ўзига қарам, югурдак қилмоқчи. Мен мана шундай ўй билан Ашурга ғазабланиб қарап эди, гап қотса жавоб бермас эдим. У ҳам мени тинч қўймас эди.

Ўша тунги саргузаштимнинг эртаси куни ошхонада нонушта қилиб, ётоқхонага бораётган эдим. Баҳром ҳали тунги сменадан келган эмас эди. Бир вақт қарасам, ётоқхонамизнинг олдига бир талай одам тўпланган. Баҳром ҳам бор, ҳозир ишдан келган бўлса керак, эгнида коржомаси. Ҳамма негадир қотиб-қотиб кулади.

Яқинроқ бориб қарасам, ўртада майкачан Ашур қўлига сув тўла кружкани олиб, титраб, қалтираб зинопоядан кўтариляпти.

У мени масхара қилаётганини сезиб, оёқ-қўлим бўشاшиб кетди.

Ашур тунги воқеани кулгили қилиб кўрсатар эди: қўллари, лаблари, елкалари титрайди, кружкадаги сув чайқалиб тўкилади, юзида даҳшат, тиззалари ҳам букилиб-букилиб кетади. Ҳамма кулади. Мен уятдан ёнаман.

Шунинг устига кимдир ўтирилиб мени кўрди:

— Э, ана ўзи ҳам келди!— деган эди, яна кулги кўтарилди.

Уят ўлимдан кучли: зинапояга қараб интилдим. Ашурни итариб, одамлар тўпини ёриб ўтиб баракка кирдим. Кула-кула орқамдан Баҳром кирди:

— Жинннимисан?— деди.— Биринчи марта ҳамма ҳам ҳайиқади-да! Сен-ку, ҳар ҳолда, учига чиқибсан. Баъзилар ярмига етолмай қайтиб тушади.

Дераза орқали кимдир:

— Ҳа, иродаси дуруст экан,— деди.

Бу гаплар сал кўнглимни кўтарди. Лекин мен ҳазил кўтара олмас эдим, бирор мендан беозор кулса унга қўшилиб кулолмас эдим. Ҳазил кўтаролмаслик кишининг феълига боғлиқ дейишади. Менимча, феълидан ҳам олдин ишончига боғлиқ. Агар сизнинг ўзингизга

ишончингиз мустаҳкам бўлса, агар бошқалар сизни осонликча қамситолмаслигига кўзингиз етса, анча-мунча ҳазилни bemalol кўтараверасиз.

Мен эса ўзимни жуда омонат сезаман. Назаримда, ҳамма мендан устуну истаган одам менга тош ота олади, Зулайҳони мендан тортиб олишлари ҳам осондек туолади. Шу сабабли ҳар нарсадан ҳаликсирайман. Кулги бўлишдан қўрқаман. Зулайҳонинг кўзи олдида мумкин қадар яхши бўлсан дейман.

Лекин, аяган кўзга чўп тушиб, нуқул мени ёмон кўрсатувчи фалокатлар юз беради.

Тунги сменага ўтган кунларимиз эди. Эрталаб ишдан жуда чарчаб чиқдим. Кейин автобусда Зулайҳо келиб қолди. Уни кўриб кўнглим ёришди. Чарчасам ҳам, туни билан анча нарса ўрганганимни ўйлаб, суюниб қўйдим.

Нариги вишкага ўтган автобуснинг қайтишини кутиб будканинг олдида турар эдик. Зулайҳо қудуқ олдида ўз иши билан банд эди. Ашур чўлда бир нарса йўқотгандек тимирскиланиб юарди.

Кўпчиликнинг орасида бўлганим учун Зулайҳо билан фақат саломлаша олдим, холос. Лекин автобус келгунча бирор оғиз гаплашармиканмиз, деб қудуқ томонга умид билан қараб турибман.

Мана, ниҳоят, Зулайҳо бизга қараб кела бошлади. Лекин уни мендан олдин Ражаб aka гапга тутди:

- Ҳа, синглим, бугун даъвойингиз йўқми?
- Бўлса ҳам сизга эмас,— деди Зулайҳо ва менга яқинлашди.

Мен унга «қачон бир bemalol гапиришамиз», демоқчи эдим. Бироқ яна Ражаб aka халақит берди:

- Ҳавфли деган қатламларингдан ҳам ўтдик, пуч экан шекилли?

Зулайҳонинг ғаши келди.

- Қизиқсиз-а! Газ портласа тўқ дер эдингизми? Авария бўлса-я?

– Э, нафасни совуқ қилманг-э!

Шунинг устига четда табелчи қиз:

– Вий-й!— деб қичқириб юборди.

Чўчиб кетдим. Ашур чипор чўл илонини бўйнидан ушлаб олиб, қизни қувиб юрган экан. Илоннинг думи Ашурнинг билагига ўралади. Унинг иккинчи қўлида усти ёпиқ бир банкача. Юзида кулги. Ашур банкачани бир четга қўйди-да, илонни одамлар тўпига тўғрилаб «хужум» қилди.

Мен Ашурни писанд қилмай секин четландим. Шунинг учун Ашур менга ташланди. Илондан жуда ҳазар қилар эдим, думи юзимга тегиб, баданим важиллаб кетди. Жонҳолатда Ашурни нари итардим. Важоҳатим жуда ўзгариб кетди шекили, ҳамма, ҳатто Зулайҳо ҳам кулди.

— Кўрқманг,— деди Зулайҳо узоқдан.— Бу илон заҳарсиз.

— Заҳарлиги керакми?— деди Ашур ва илонни қулочкашлаб чўлга отиб юборди.

Қарасам, ўша томондан Давроннинг машинаси келяпти. Қабинада Баҳром ҳам ўтирибди.

Машина бизга яқинлашиб тўхтади ва Баҳромлар қабинадан тушишди. Бу орада Ашур ҳалиги банкачасини олиб келди. Унинг қопқофини очган эди, банка тубида ётган қорақурт ваҳимали қимиirlаб кўринди.

Ашур қорақуртни худли чўғни олгандай тез кафтига олиб, сўнг қайтиб банкага солди. Ражаб aka завқ қилиб:

— Ашур полвон десам, Ашур ботир ҳам экансан!— деди.

Ашур ўгирилиб қорақуртни қўлига олди. Сўнг уни чўғ каби у кафтидан бу кафтига ола-ола менга қараб югурди. Мен қочиб ултурмасимдан. Ашур ёқамни очиб, ўша нарсани кўйлагимнинг ичига ташлаб юборди. Мен совуқ, жундор бир нарсани ўз баданимда ҳис қилиб, кўрқиб кетдим, типирчилаб уни ёқамдан қайтиб тушироқчи бўлдим. Ашур хахолаб кулди.

Зулайҳо билан Баҳром югуриб келишди. Учовлашиб, кўйлагимни йиртгудек бўлиб тортқилаб, «қорақуртни» ерга туширдик. Қарасак, ҳўллаб, юмалоқланган қора жун экан.

Ашурнинг кулгисига Даврон қўшилди. Бошқалар ҳам куллар, ёки кулимсирар экан, Зулайҳо хижолатдан қип-қизариб жим турар эди.

Мен эса дир-лир титраб, аламимдан Ашурга ташландим. Унинг ёқасидан олиб, юзига бор кучим билан урмоқчи бўлдим. Бироқ Ашур чаққонлик қилиб қўлларимни тутиб қолди. Сўнг мени ёнбошига олиб, қум устига кўтариб урди. Мен уни ағдариб ташламоқчи бўлиб, талпина бошладим. Лекин у ҳўкиздек кучли эди. Зулайҳонинг овози келди:

— Э, бу қандай зўравонлик!

Тепамизда кулиб турган Даврон пайдо бўлди:

— Бўлди, ҳаддингдан ошма,— деб Ашурни бир силтаб тортди. Ашурнинг улкан гавдаси ердан кўтарилди. Давроннинг нақадар зўрлиги шундан билинди.

Лекин унинг ёрдами мен учун ўлганнинг устига тепандай эди.

— Жуда бераҳм экансан-е!— деди Баҳром Ашурга.

Ашур ҳамон лабини кулгидан йигиштириб ололмасди:

— Ахир, ўзи қўл кўтарди-ку!

Мен каракт бўлиб гангиб қолган эдим. Зулайҳонинг овози эшитилмасди, лекин мен бош кўтариб унга қарай олмас эдим. Афтидан, устимга қум, хас-ҳашак ёпишган экан. Шуни қоқиши ҳам эсимга келмабди. Бир вақт Даврон менга кулимсираб яқинлашди.

— Мулла йигит, ҳазилга ҳам ўрганинг-да!— деди-ю, кийимимга ёпишган нарсаларни тап-тап уриб қоқа бошлиди.

Лекин унинг қўли мени чақиб олгандай бўлди. Назаримда, у мени масхаралаб шундай қилмоқда эди, Зулайҳога ўзининг устунлигини кўрсатиб қўймоқда эди.

— Кўлингни торт! — дедим ва бир силтаниб ўзимни четга олдим. — Сен икковинг бирсан, биламан! Мени ерга уриб ўзларинг осмон бўлмоқчисанлар!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Мен ёмон кўрган одамларимни енгадиган гап топдим деб авжланиб, ичимдаги аламли гумонларга ҳам йўл бердим.

— Биламан! Менда қасдларинг бор! Бирорнинг баҳтига чанг солмоқчисанлар! Қора тиканлар!

— Э, ҳали Тоҳиру Зухраман дегин!— деб Ашур кулиб юборди.

Даврон кулимсираб машинага қараб кетди.

Мен хунук гап қилганимни сездиму саросима билан Зулайҳога қарадим. Зулайҳо уялганидан қизариб кетган эди. У мени шу аҳволда кўргиси келмагандай кескин бурилди-да, нариги вишкага қараб кетди.

## 12

Дунёда кишини мағлубиятчалик эзадиган нарса бор-микан?.. Мен автобусда шаҳарчага қандай етиб келганимизни билмайман. Овқат ҳам емасдан ётиб қолдим. Кечаси ишлаган кунимиз кундузи ухлар эдик. Тушдан кейин зилдай оғирлашиб уйғондим. Назаримда, мени ёмон бир дилсиёҳлик кутяпти. Лекин нима?

Бирдан эрталабки воқеа эсимга тушди. «Энди қандай бош күтариб юрасан,— деб совуқ бир овоз калтакесакдай чирқиллай бошлади.— Енгилдинг. Кучинг фақат оғзингга етгани учун шундай беъмани гапларни айтдинг. Зулайҳо ор қилиб кетди».

Мени кутаётган дилсиёҳлик — шу аҳволда яна бош кутариб юриш ташвиши эди. Ўрнимдан тургим келмай, бошимни буркаб олдим.

Йўлакдан Ашурнинг ингичка овози эшитилди.:

— Жуда ғайир бола экан-е,— дерди у аллакимга.— Бундан бошқа одам бўлса ён берар эди, «хўп, ака, сен мендан зўрсан», деб бўйсунар эди. Бу ошпаз тагимда ётса ҳам, «мен сендан зўрман», дейди-я! Ўзи айтмаса ҳам кўзи айтади.

Улар кулишди.

Чойшаб ёниб кетгандай сакраб ўрнимдан турдим. Лекин бир фикр мени тўхтатди. Демак, Ашур ҳали ғолиб эмас. Енгиги олишни истайди. Кўрамиз!

Тишимни-тишимга қўйиб ювингани чиқдим.

Ҳозир мени отам раҳматли кўрса, эҳтимол, таний олмас эди. Ахир, мен доим бир гапдан қоладиган мўмин бола эдим. Илгари Ашурдақаларга дарров ён берар эдим.

Лекин муҳаббат билан бу янги жойлар менинг илгари ухлаб ётган ҳамма туйғуларимни уйғотиб юборган эди. Мен энди кураш майдонига чиқсан эдим. Аммо

менда уйғонган яхши туйғуларнинг орасида иззат-нафс, рашқ каби нарсалар ҳам бор эди, ўшаларнинг таъсирида эрталабки хунук сўзларни гапириб юборган эдим.

Ҳозир ҳам Зулайҳодан маҳрум бўлиб қолиш хавфи ичимни мушукдай таталамоқда эди. «Ашур билан Даврон мени шунга мажбур қилди,— дердим ўзимга.— Зулайҳо буни тушунмай мендан хафа бўлиб кетдими? Умуман, Зулайҳо очигини айтиши керак. Менда кўнгли бўлса Давронни «нари тур» десин, кейин бу Ашур ҳам менга ҳадеб осилавермайди. Агар Давронда кўнгли бўлса уни айтсин. Мен ишимни билиб қиласай».

Шу ўй менга далда берди-ю, ювиниб, тараниб, бир парча қофозга қуидаги сўзларни ёздим:

«Юлдузлар чиққанда шаҳарчанинг четидаги дўнгликда кутаман. Ўтиниб сўрайман! Агар келмасантиз, унда абалий хайр. Қишлоққа қайтиб кетаман. И».

Қофозчани олиб идорага жўнадим. Ҳамма деразалар очиқ эди.

Ичкарига кирмадиму ташқаридан Зулайҳо ўтирадиган хонанинг деразасига яқинлашдим. Зулайҳо бир нарса чизаётган экан. Қофозчани олдига ташладим ва йўқ дејишидан кўрқиб, жадаллаб ўтиб кетдим.

Шаҳарчанинг кунботиш томонида дамбага ўхшаган узун бир дўнглик бор эди. Коронги тушгандан кейин мен шу дўнгликнинг ортига ўтиб, Зулайҳони сабрсизлик билан кута бошладим.

Ҳашаротлар чириллайди. Ёнбошлаб ётибман, юрагим гуп-гуп этиб уради-ю, кўксимни кўтариб-кўтариб ташлайди. Ердан шувоқнинг ҳиди келади. Осмонда минут сайин юлдузлар кўпайиб боряпти.

Наҳотки келмаса? Кўзим тўрт бўлиб шаҳарча томонга қарайман. Онда-сонда шамол гармонь товушини олиб келади — танца бўлаётиби, шекилли.

Нихоят узоқда бир қора кўринди. Ундан эллик қадамча нарида бошқа бир каттароқ қора пайпасланиб келар эди.

Дарров ўрнимдан туриб, ўша томонга қараб юрдим. Кейинги қора мени кўриб тўхтади ва шаҳарчага қайтиб кетди.

Мен кейин билдим, қайтиб кетган қора Ашур экан. У Зулайҳони мендан кўра Давронга муносаброқ деб билар экан. Шунинг учун Давронга ён босиб, Зулайҳонинг чўлга чиқиб кетганини бориб айтиби:

— Айтмабидим? Ошпаз уни илиб кетди. Энди юрасан, икки қўлингни бурнингга тиқиб!

Даврон аввал ишонмабди.

— Юр, бўлмаса, юр кўрсатаман!— деб Ашур уни дўнгликка қараб судрайди.

— Шошма, ўзим бориб кўраман,— дейди Даврон.

Биз Зулайҳо икковимиз, бундан бехабар, дўнгликнинг орқасида юрган эдик. Зулайҳо сочини иккита қилиб ўриб, крепдешин атласдан кўкракбурма кўйлак кийиб чиқибли. Ўқувчилик давримизни эслаб жуда суюниб кетдим.

Атласнинг оқи юлдуз нурига мос бўлса, қораси юлдуз ораларидағи қорамтири осмонга монанд эди. Зулайҳонинг ўзидан эса жуда хушбўй бир атирнинг ҳиди келарди. «Наҳотки мен учун ясаниб келган бўлса?» деган тахминдан бутун вужудим яйраб кетди.

Ҳалиги хафачиликни ҳам, кўнглимга тушиб келган дардларни ҳам унугдим. Сал нарироқ борганимиздан кейин аста Зулайҳонинг қўлидан олдим. У ҳам қаршилик қилмади. Миннатдорлигимни қандай айтишимни билмай осмонни мақтабман:

— Ажойиб-а, чўлда осмон ҳақиқатан гумбазга ўхшар экан.

— Ҳа.

— Атроф очиқ-да, қаранг, юлдузлар уфққача тушиб борган. Фақат мана бу дўнглик...

Гапим оғзимда қолди: кимдир дўнгликнинг ортидан бизни кузатиб турган эди. Мен ҳатто қизариб ёнган папирос оловини ҳам кўрдим. «Даврон!» деган фикр хаёлимта келди. Менинг қараб қолганимни сезиб, қора дарров кўздан йўқолди.

— Шу ерда ҳам тинч қўйишмайди-я!— дедиму Зулайҳонинг қўлидан маҳкам ушлаб, уни чўл ичкарисига бошладим.

— Ким? Нима гап?— деди Зулайҳо ҳайрон бўлиб.

— Ашур билан Даврон.

Зулайҳо тез дўнгликка қаради. Лекин энди ҳеч ким кўринмас эди.

— Қани?— деди Зулайҳо.— Сизга шундай туюлгандир.

Унинг шубҳаси менинг қўнглимдаги дардларни янгилади.

— Йўқ, Зулайҳо, сиз ишонинг. Эрталаб мен қўполроқ гапирдим, шекилли. Лекин улар мени шунга мажбур қилди. Биласизми, булар бизга...

Мен фикримни аниқ айтолмай сўз қидирдим. Зулайҳо кутиб тураг эди.

— Булар бизни кўролмайди.

— Қизиқ, одамлар ҳасад қиладиган нимамиз ҳам бор?

Мен бирдан дангал гапни айтдим:

— Мухаббатимиз бор. Улар шунга ҳасад қилади. Уларда шу йўқ!

Ой чиққан эди. Зулайҳо ҳайрат ичидаги юзимга тикилиб қолди:

— Вой, сиз-е! Шундай катта гапни қандай қўрқмай айтасиз?

— Илгари сиздан ҳайиқардим. Қишлоқда қўйдай ёввош эдим. Лекин сиз менда мудраб ётган кучларни уйғотиб юбордингиз. Мен сизни деб шу чўлга келдим. Энди Ашурга ўхшаган, мени ерга уриб ўзи осмон бўлишни истайдиган хўкизлар билан шер бўлиб олишгим келади!..

— Искандар, мен ҳам сизнинг инсонлигингизни унақа хўкизлардан юз баробар баланд қўяман!

Вужудим яйраб кетди:

— Шу сўзларингиз учун...— деб Зулайҳони белидан қучдим. Ундан келаётган хушбўй атир ҳидига чулғаниб, лабидан ўпдим. У ҳам бунга жавобан мени ўпди...

Биз баҳтиёр эдик...

## 13

Кечаси ишга чиқдим. Хаёлим Зулайҳода.

Бир вақт тепамда алланарса шақ этди. Вертуюг деган оғир нарсанинг тагида турган эканман, устимга тушиб мажақлайдиган бўлганда Ражаб aka тормоз бериб тўхтатиб қолибди.

— Қоч!— деб бақирди у менга.

Истар-истамас четландим.

— Нима, сен жонингдан тўйдингми?— деди Ражаб ака баттар бақириб.

— Ҳа, тўйдим!— Қичқирдим мен ҳам.— Кунда-кунда ўлгандан кўра, бир кунда ўлган яхшироқ. Шу Ашур менга яна бир тегсин! Ё у ўлади, ё мен!

— Нима гап?— деб Пётр Петрович бизга яқинлаши.

Мен белкуракни олиб шиддат билан нари кетар эканман, Ражаб аканинг:

— Об-бо, бу йигит Ашурдан жуда қаттиқ хафа бўлибди-ку,— деганини эшишиб қолдим.

Сал ўтмай Пётр Петрович мени чақирди.

— Юр!— деб вишкага зинапоясидан юқорига эргаштириб кетди.

Мен энди зинапоянинг титрашига ўрганиб қолганман. Қадамимни атайлаб дадил-дадил босаман, зинапоя қанотига ҳам қаттиқ-қаттиқ суюнаман.

Ашур ишләётган очиқ жойга етдик. Шу ерда уста менга ўгирилиб:

— Демак, жонингдан тўйдингми?— деди.

Мен жавоб бермай лабларимни қисдим.

— Ашур, бүёққа чиқ?— деди уста.

Ашур ҳайрон бўлиб бир менга, бир устага қаради-ю, камариға боғланган занжирни ечди ва зинапояга сакраб чиқди.

— Камарингни еч,— деди уста унга.

Мен ҳали ҳам ҳеч нарсани тушунмай турибман. Пётр Петрович камарни менга узатди.

— Ма, боғла.

Камарни боғладим. Уста палати дейиладиган очиқ иш жойини кўрсатди:

— Кир.

Мен палатига ошиб ўтдим ва устанинг ишораси билан камарга занжирни боғладим.

Шу пайт пастга қарадиму осмону фалакда осилиб қолгандай бўлдим. Вишкага титраганда оёғим тагидаги тахталар узилиб тушиб кетаётгандай туюлди. Бир лаҳза кўзим хиралашди. Лекин шу пайт Пётр Петрович ме-

нинг ёнимда пайдо бўлди. Пастдан эса зўр илгак билан пўлат қувур чиқиб келиб, қаршимда тўхтади.

— Элеваторни очишни биласан, қани оч,— деди уста.

Мен элеваторни уқувсизлик билан қучогимга олдим.

— Трубани кўкрагинга тира,— деди уста.— Мана бундай... Мана...

Элеватор деб аталадиган қисқични пастда ҳам очиб кўрган эдим. Ҳозир устанинг ёрдамида қувурни қисқичдан чиқардиму каноп арқон билан тортиб, тахлайдиган жойга ўтказа бошладим.

— Секин! Эҳтиёт бўй!— деб турибди уста.

Пастга кўзим тушди: Ражаб ака илгакни майин ҳарачатлантиради ва менинг ишимни мумкин қадар енгилаштиришга тиришади. Унинг ёрдамчилари ҳам юқорига қараб-қараб, жуда эҳтиёт бўлиб ишлайпти.

Мен буни кўриб дадилландим.

Пётр Петрович палатида менинг бир ўзимни қолдириб, зинапояга қайтиб чиқди. Пастдан гувиллаб қувур кўтарилиб келди. Мен уни бир ўзим бўшатиб олишим керак эди. Лекин бу ваҳима эмас, алланечук қувончли эди. Гўё менинг бутун ваҳималарим, бутун ҳадикларим пастда эҳтиёт бўлиб ишлаётган Ражаб акага, зинапояда кўз-кулоқ бўлиб турган Пётр Петровичга ўтиб кетган эди. Ўзимда эса фақат ажиб бир ғайрат ва ишонч қолған эди.

Ашурга ўхшаб, элеваторга кўкрагим билан дадил ташландим.

— Э, секинроқ!— деган овоз келди орқадан. Бироқ, бу сўз айтилиб бўлгунча мен қувурни қисқичдан бўшатиб улгурдим, чаққонлик билан уни тахлайдиган жойга ўтказдим.

Пешанамдан кўзимга тер оқиб тушди. Кора терга ботиб кетганимни энди сездим. Орқамга ўгирилиб қарасам, Пётр Петрович суюниб кулимсираяпти.

— Қалай?— деди у Ашурга бош силтаб.— Одам қилган ишни одам қилса бўлар эканми?

Ашур мени писанд қилмагандек четга қараб илжайди.

— Биламиз бу педагогикани,— деди.

Яна шувиллаб қувур чиқиб келди. Мен иш билан бўлиб, устанинг нима деганини эшитолмадим. Лекин Ашурнинг истеҳзоси энди менга илгаригидай қаттиқ ботмас эди.

Негадир, мактабда бир ўқитувчимиз айтган гап эсимга тушар эди: «Табиат алпдай зўр бўлади, лекин техника одамни шу алпдан ҳам зўр қиласди». Мен бу гапнинг маъносини энди тушунмоқда эдим. Ҳозир биринчи марта техниканинг қудратини четдан эмас, ичдан ҳис қилдим. Гўё механизмларнинг кучи билан менинг мускуларимдаги куч бир-бирига кўшилиб кетди...

Бугунти тунни ҳеч унуполмасам керак. Илгари мени кўрқитган, мени қийнаган баҳайбат механизмлар бугундан бошлаб менинг куч манбаймга айланди. Зўр баландликда ишлар эдиму ўзимни қушдай енгил сезардим. Қанот чиқариб парвозда этгим келарди.

## 14

Даврон кўнглимни ғаш қилиб юрар эди. У мен билан ҳам, Зулайҳо билан ҳам салом-аликни бас қилган эди. Ашурнинг гап авзойига қараганда, у бизнинг кечаси бирга юрганимизни кўргандан бери рашк оловида ўртанаради. Гўё Зулайҳо унинг муҳаббатига оёқ кўйгану мен бунга сабаб бўлганман.

Зулайҳонинг Давронга муносабати ҳам совуқлашган эди. Икки йигит ўртасида талаш бўлиш хавфи унинг ўзига ҳам хунук қўринган бўлса керак, энди Даврондан ўзини узоқ олиб юрар эди.

Мен Даврон билан Ашурнинг ичишиб, ҳасратлашиб юрганини бир неча марта кўрдим. Ширақайф Ашур ётоққа келиб Давроннинг тантлигини, ботирлигини, ким билан қандай пичоқлашганларини айтиб адо қилолмас эди. У ҳақиқатан Давронга ихлос қўйган эди.

— Сен Давроннинг жинини қўзғама, пушаймон бўласан! — деярди у менга.

Кейин билсам, Давроннинг жинини мендан кўра Ашурнинг ўзи кўпроқ қўзғаган. Бир кун кечаси иккови ширақайф бўлиб ҳасратлашиб юрган пайтда:

— Ашур, сен айт,— дейди Даврон.— Ўша жўжахў-  
роздан менинг нимам кам?!

Даврон бўғилиб гапиради ва кўйлагининг ёқасини  
қаттиқ тортиб, белигача йиртиб юборади.

— Айтаман,— дейди Ашур.— Сен пошшо йигитсан.  
Шернинг юраги бор сенда. Лекин шу қизга келганда  
аммамнинг бузоги бўлдинг-қолдинг. Нуқул қовоғига  
қарадинг, тортиниб қўл теккизмадинг, озор бермайин  
деб қўрқдинг.

— Ҳа, ҳа, ҳа,— деб Даврон тасдиқлаб боради.

— Э, олифталикни жўжахўроздларга қўйиб бер!—  
дейди Ашур.— Нима, сен қизларни биринчи кўри-  
шингми?

Даврон ўзининг ўтмишини эслаб, бирдан ҳушёр  
тортади.

— Кўришга кўрганманку-я!— дейди қоронғиликка  
тиклиб.— Дудамани кўрсатсанг, «акажон» деб қўлингта  
қўнадиганлари бўлар эди, ўзим ҳам қизларни деб ўлгу-  
дай пичоқлашар эдим-да! Эҳ!..

Ашур унга берилиб қулоқ солади. У Даврондаги кўр-  
кўёна ботирликни мақтайди, аммо бу нарса илгари  
уни жиноят оламига судраб кетганини ўйламайди.

Давроннинг қамалган пайтларидағи туйғулари яна  
уйғонади. «Яхшиликни билмасанг, ёмонликни билар-  
сан», дейди у ичида Зулайҳога кек сақлаб.

\* \* \*

Зулайҳо баъзи кунлари идорада ўтириб ишлаб, баъ-  
зан пармалаш қурилмаларини бориб кўрар эди. Бир кун  
узоқ қурилмага боргандা иши чўзилиб кетиб, автобус-  
дан қолади. Даврон нариги вишкага юқ элтиб, қайтиб  
келаётган бўлади. Кун ботиб бораётган пайт экан. Қара-  
са, йўлда Зулайҳо машина кутиб турибди. Қўлида ўша  
дафтари. Бошида оқ рўмол.

Даврон машинасини унинг олдидаги тўхтатади. Зулайҳо  
кабинада Давроннинг ёлғиз ўтирганини кўриб иккила-  
нади. «Бошқа бирор машина келмаяптимикин?» деб йўлга  
қарайди. Йўқ, фақат уфқ қорайиб, туш босиб келяпти.

— Биздан қўрқадиган бўлиб қолибсиз-да? — дейди Даврон ўпка қилиб.— Майли бўлмаса.

У жўнаб кетмоқчи бўлади.

Зулайҳо уни хафа қилмаслик учун, ҳам қоронғига қолмаслик учун кабинага чиқади.

Иккови кабинанинг икки четида ўтиришиб бирпас жим боришади. Кун ботади.

— Тезроқ ҳайдайми?— дейди Даврон.

— Йўқ, майли, менга бари бир, — дейди Зулайҳо.

— Демак, бугун висол йўқ экан-да,— деб, Даврон «висол» сўзини масхаралаб гапиради.

Зулайҳо «ялт» этиб унга қарайди-ю, Давроннинг авзойи бежо эканини сезади.

— Э, ўшанда пойлаб борганингиз рост эдими?— дейди.— Мен ўйлабманки сиз бунақа ишни ўзингизга муносиб кўрмайсиз, дебман!

Даврон машинани йўлдан четга буради-да, зўр тезлик билан ҳайдайди. Зулайҳо аввал нима бўлганини тушунмайди. Ўнқир-чўнқирларда машина қаттиқ силкиниб, унинг боши кабина шифтига тегиб кетади.

— Нима бўлди? Тўхтант! — Зулайҳо баранкага ёпишади:— Йўлга буринг! Тўхтант дейман!

Машина бир барханинг панасига ўтганда Даврон кескин тормоз бериди уни тўхтатади ва Зулайҳонинг баранкадаги қўлидан ушлайди.

— Висол бугун шу ерда бўлади! — дейди.

Даврон Зулайҳо томонга бурилиб, уни қучоқлаб ўпмоқчи бўлади.

Зулайҳо чап бериди кабинанинг эшигини очади-ю, пастга сакраб тушади. Даврон унинг кетидан тушади. Яна зўрлик билан ўпмоқчи бўлади. Зулайҳо йигламсираб, унинг у юзига-бу юзига шапалоқ тортиб юборади. Сўнг бир силтаниб унинг қўлидан чиқади-да, пиёда кета бошлайди.

— Шундайми ҳали? — дейди Даврон. — Мен ўғил боладан чертки еганим йўғу, сен қиздан тарсаки еб кетавераманми?

У икки сакрашда Зулайҳога етади:

— Энди қочиб қутула олмайсан. Додла, бўкир, ҳеч ким эшигтмайди!

— Бекор айтибсан! — дейди Зулайҳо. — Сен мени енгсанг ҳам мардлик билан енгар эдинг! Номардлик билан енголмайсан!..

— Ким номард?!

— Мард бўлсанг шундай қиласмидинг?!

Давроннинг кўзига қон тўлиб, юзи ғазабдан қийшайиб кетади. У қўйнига қўл солади-ю:

— Ким номард?! — деб дудама чиқаради.

Зулайҳо буни кутмаган эди. Маст туядай ўкирган Давроннинг энди ҳеч нарсадан қайтмаслигини сезади. Ўлим хавфидан ўзини йўқотиб қўяди ва қўрқиб орқага тисарилади. Буни кўрган Даврон янада авжига чиқади.

— Ё ўлигинг меники бўлади, ё тиригинг!

Зулайҳо тисарилиб бораётиб бир тошга қоқиниб кетали. Шунинг устига Даврон уни итариб юборади. Зулайҳо кумга йиқилиб тушади. Йиқила туриб, бир қадам нарида ётган косадай тошга кўзи тушади.

Даврон уни бир силтаб юзтубан қиласди. Бир оёғи билан устидан босади-да, қўлинин боғламоқчи бўлиб, камарини еча бошлайди.

Зулайҳодаги қўрқув ўрнини энди чексиз бир ғазаб эгаллайди. Қизлик номуси олдида жони ҳам кўзига кўринмайди. У бор кучини тўплайди-да, ўша тошни мўлжаллаб, кескин кўтарилиб юмалайди. Даврон буни кутмаган ва оёқларида анча нокулай турган экан, чалқанчасига йиқилиб тушади. То у ўрнидан туриб, яна ҳужум қилгунча, Зулайҳо тошни икки қўллаб ердан кўтаради. Даврон унга пичноқ урмоқчи бўлиб ташланганида Зулайҳо тошни унга отади. Тош Давроннинг чаккасига қарсиллаб урилади. Унинг пичноқ ўқталган қўли жосизланиб пастга тушади, сўнг ўзи ҳам гандираклаб йиқилади. Зулайҳо унинг қулоқ-чаккасида қон кўриб қўрқиб кетади.

— А-а! — деб бақиради-ю, қочади.

Фира-шира қоронғилик тушиб боряпти. Зулайҳо ҳуши ўзида йўқ, анча жойга қочиб боради. Чарчаб, ҳолдан

тойиб, ўзини қумнинг устига ташлайди ва йиғлаб юборали. У «одам ўлдирдим», деб ўйлаган экан. Бирдан «Балки тирикдир?» деган умид пайдо бўлади. У ўрнидан туради. «Қон!.. Яраси боғланмаса қон кетиб ўлади!»

Зулайҳо орқасига қайтади. Бир неча қадам юради-ю, дудамани эслайди. «Пойлаб ётган бўлса-чи?» деб тўхтайди. Йўқ, охири, кўркувдан ҳам ҳамият баланд келади...

Зулайҳо чопиб келгунча қоронги тушиб қўлади. Даврон бояги жойида қимиirlамай ётибди. Зулайҳо яқин келишга ботина олмайди. Бориб машинанинг чироғини ёқади. Фаранинг ўткир ёруғи қия тушса ҳам, Зулайҳо Давроннинг ҳамон хушсиз ётганини, чаккасидан қон сирқиётганини кўради.

Унга секин яқинлашади. Қумда ётган дудамани олиб, қоронғиликка отиб юборади. Елкасига сирғалиб тушган учбурчак рўмолини олади. Давроннинг чаккасини танғиб боғлади.

Даврон кўзини очса, қаршисида Зулайҳо турибди. Даврон беихтиёр қумни чанглаб, пичоқни қидиради. Тополмайди. Зулайҳо икки қадам нарида индамай қараб турибди.

Даврон секин туриб ўтиради, боши беҳал оғирлашиб кетганини сезиб, ушлаб кўради. Чаккаси боғланган. Рўмолнинг бир уни кўзига тушиб турибди.

У воқеани энди тушунади. Сўнг Зулайҳонинг оёғи остида ётган тошга қарайди. Аянчли бир аҳволда илжайиб:

— Бало экансиз,— дейди.

Энди унинг тантилиги тутади. Зулайҳо ҳақ эканини ва голиб чиққанини тан олади. Йиқилганга кўл бериш маъносида Зулайҳо уни суяб ўрнидан тургизади ва кабинага чиқаради.

Лекин иккови ҳам жим. Даврон бир амаллаб машинасини ҳайдаб боради. Иккови кабинанинг икки четида ўтиради. Шаҳарча кўрингунча ҳеч кимдан садо чиқмайди. Охири Даврон:

— Милисага ҳайдайми?— дейди.

— Тўхтатинг,— дейди Зулайҳо.

Даврон машинани итоаткорона тўхтатади. Зулайҳо кабинани очиб ерга тушар экан:

— Истасангиз бориб арз қилаверинг,— дейди.— Калтакни сиз единギз. Менинг ишим йўқ милисада.

У кабина эшигини шарақлатиб ёпади-ю, пиёда кетади.

Даврон лол бўлиб қолади. Қиз бола уни енгиб, бошига дуррасини ўратиб кетганини ўйлади. Кейин машинасининг чироғини ўчиради. Қоронғида кўйлагинини этагидан йиртиб олиб рўмолнинг устидан боғлайди.

Гаражга боргандা «бошингга нима қилди?» деб сўрашса, «темирга уриб олдим» дейди.

Зулайҳо ҳам воқеани ҳеч кимга айтмайди. Мен бир куни унинг ҳаддан ортиқ ранги ўчиб юрганини кўрдим.

— Нима бўлди?— деб сўрадим.— Касалмисиз?

Зулайҳо менга тикилиб бир лаҳза жавоб бермай тури-ди-ю:

— Йўқ... кейин,— деди ва ўтиб кетди.

Мен бу воқеани ҳозир айтиб бердиму, лекин аслида анча кейин билдим. Қандай билганимнинг ўзи бир ҳикоя. Ўрни келганда буни ҳам айтиб бераман.

## 15

Яна тунги сменага ўтган кунларимиз эди. Вишканинг тепасидаги пишангнинг ўқи сал қийшайиб қолган экан. Слесарь иккаламиз чиқиб шуни тўғриламоқда эдик. Қирқ метр баландликдан одамлар чумолидай кичик кўринади. Катта бир болтга калит солиб бурав эдиму биринчи кун кечаси шу баландликда кўзим тиниб йиқилиб қолганимни эслардим. Одам ҳамма нарсага ўрганар экан.

Энди мен уйимизнинг томида турганга ўхшардим, пастга ҳам осойишта кўз ташлардим.

Ражаб аканинг ёрдамчилари асбоб-ускуналарга шлангдан сув қуйиб ювишмоқда. Ашур ҳам пастда, ўлчовчи қизнинг олдига. У нимадир деяпти, қиз дам-бадам куляпти.

Биз ишни битириб тушдик. Шу пайт вишканинг олдига бир «Газик» келиб тўхтади. Бошлиғимиз Фуло-

мов билан тўрт бурчак мўйлов қўйган, бурни узун бир киши машинадан тушди. Бу киши муҳандис Ҳусейн Мехтиев эди.

— Бир гап бўладиганга ўхшайди,— деди шеригим.

Мехтиев босимни текширар экан, Фуломов ўлчовчи қиз билан чақчақлашаётган Ашурнинг олдига ўтди.

— Иш жойингиз қаерда?— деди Ашурга.

— Э... ўртоқ Фуломов! Мен... бир минутга тушувдим.

Сув ичгани.

— Ё гап соттаними? Ҳозир қанақа қатламни пармалаяпсизлар?..

Ашур ерга қараб илжаяр эди.

— А?— деб қадалиб сўради Фуломов.

— Ҳа, энди Ражаб акам билсалар бўпти-да,— деди Ашур.

— Сиз-чи? Сиз фақат майнабозчиликни билсангиз бўптими?

Шундан маълум бўлдики, Ашурнинг қилиқларини бошлиқларга кимдир бориб айтган.

Ражаб ака ёрдамга етиб келди:

— Э, ҳаммасини билади, ўртоқ Фуломов! Камтарлик қилиб айтмаяпти-да!

Ўлчовчи қиз асблобларини лойқага ботирмоқда эди.

Фуломов унга яқинлашди:

— Охирги марта қачон ўлчаган эдингиз?

Қиз эслолмай, туриб-туриб:

— Бешга яқин эди,— деди.

Фуломов соатига қаради:

— Ҳозир олти. Сиз ҳар ўн беш минутда ўлчаб туришингиз керак эмасмиди?

Қиз гуноҳкорона кулимсираб жим қолди.

Орқадан Мехтиев келди. Ражаб акадан:

— Пётр Петрович қани?— деб сўради.

— Барит олиб келгани кетувди.

— Одамларингизни тўпланг,— деди Фуломов.

Одам йигилгунча бошлиқлар бутун қурилмани айланниб чиқишиди. Кейин олдимизга келиб, бир талай камчилик кўрсатишиди. Айниқса, Ражаб акага ёмон гап тегди:

— Сиз интизомни бўшаштириб юборгансиз. Планни ошириб бажаряпмиз, деб сифатини унугтансиз.

— Ўртоқ Фуломов, камчилигимиз йўқ эмас, бор, ҳаммасини тузатамиз,— деб гап бошлади Ражаб ака.

Лекин Фуломов уни гапиртирмади:

— Куруқ ваъда билан кутуламан деб ўйламанг. Ўртоқ Мехтиев шу ерда қолади, аҳволни ўрганади. Беш кундан кейин бригаданинг ҳисоботини эшитамиз. Гап шу.

Одамлар тарқалди. Фуломов кетди. Ражаб ака хийла ташвишланиб қолди.

Ашур илгаригидай бепарво.

— Нега серрайиб турибсан?— деб Ражаб ака уни уришиб берди.— Ол белкуракни!

Лойқага гилмоя аралаштирас эканмиз: «Тўғри қилади,— дердим мен ичимда.— Шу Ашур жиловланмагунча бизда интизом бўлмайди».

Лекин Ашур ҳам Ражаб аканинг заиф жойини билб олган экан. Қудуқнинг олдига қайтиб келаётганимизда Ражаб акага қараб:

— Биттаси бориб чақибди-да,— деди.— Бўлмаса катталар туш кўриб билармиди!

Мен Ражаб ака бўлсам, Ашурни боягидан ҳам қаттикроқ уришиб ташлардим. Лекин Ражаб ака индамади. Юзига қарасам, бошлиқларнинг танқидини бирордан кўргиси келиб турибди.

— Ким чақса ҳам тўғри чақсан!— дедим мен Ашурга.

Ашур чағир кўзларини ўйнатиб менга ҳезланиб келаётган эди, Мехтиев олдимиздан чиқди.

— Лойқанинг оғирлиги кўтарилемаяпти-ку,— деди Мехтиев. Унинг қўллари лой, афтидан, лойқани ўзи ўлчаб кўрган эди.— Баритдан кўпроқ солмадингизми?

— Барит тамом бўлган,— деди Ражаб ака.— Уста ҳозир олиб келиши керак.

Ражаб ака бошқарма пультига ўтди. Бугун мен унинг иккинчи ёрдамчиси бўлиб ишламоқда эдим. Насосларни ишга солиб, босимни юзга чиқардик. Парма яна бир соатча ишлади. Кейин унинг тишини алмаштириш учун бир минг тўрт юз метр узунликдаги қувурларни ер тагидан сугуриб ола бошладик.

Офтоб терак бўйи эди, найза бўйи қолди. Кувурларнинг салкам минг метри чиқарилди. Мехтиев ҳамманинг ишини кузатиб, керак бўлган жойда кўмаклашиб юрар эди.

Биз ишни чўзмаслик учун ҳар қувурни алоҳида эмас, икки-учтасини бир тизим қилиб бураб олар эдик. Ражаб ака менга ўргатган эдики, ҳар ўн тизимдан кейин бир марта лойқа юбориш керак, суғуриб олинган қувурларнинг ўрнини заммалаб туриш керак.

Мен санаб борар эдим. Аввал шу қоидага биноан ишладик. Кейин тезлашиб кетдик. Бир марта ўн тўрт тизимдан кейин ҳам лойқа юбормадик. Балки Ражаб ака санамаётгандир дедиму унга айтдим.

— Ўн бешинчи тизимни оляпмиз!

— Нима?

— Лойқа юбормаймизми, ахир?

— Об-бо, ройкорчининг кўплигидан куйдим-да!— деди у. Сўнг лебедкани тўхтатиб сув ичди. — Кун кеч бўляпти, биз бугун уч метр ҳам пармалаганимиз йўқ. Геологларнинг чизмасига қараганда, газли қатламга ҳали беш метр бор.

Ҳаммамиз терлаб, куйиб кетган эдик. Сув ича бошлидик. Юқоридан Ашур ҳам тушиб келди. Ражаб аканинг гали уни яна авжлантирди шекилли, негадир тиржайиб чиқиб кетди.

Яна ишни давом эттирап эканмиз, ўлчовчи қиз нарёқдан менинг орқамга қараб кулаётганини сездим. Қўлим билан орқамни пайласлаб кўрсам, қофоз илинди. «Ашур илиб кетган-ов!»— дедиму йиртиб олиб қарадим.

Қулогини динг қилиб турган Қўрқоқ қуённинг сурати. Тагида «Чақимчи» деган ёзув.

Ғазабим келди. Иккинчи ёрдамчига ўз ўрнимни бердим-да, юқорига қараб чопдим.

Лекин Ашурга етиб улгурмадим.

## 16

Тўсатдан бутун вишкага қаттиқ силкиниб кетди. Зинапоя қанотига маҳкам ёпишиб, пастга қарасам, ер

тагидан лойқа қайнаб чиқиб, ҳаммаёққа тошиб кетяпти. Оғир қувурлар ўз-ўзидан юқорига күтариляпти.

Ер остидан мислсиз бир зилзила чиқиб келмоқда эди. Жойимда тахта бўлиб қолдим.

Ражаб ака бор овози билан:

– Қоч! Станцияни тўхтат! – деб бақирди, айни вақтда пультнинг муртигардонларини бураб, механизмларни ўзи тўхтатди. Пастдан даҳшатли бир гувиллаш чиқиб келди-да, аллақандай афсонавий куч уч юз метрли пўлат қувурни хасдай учирив, вишкадан тепасидан ошириб осмонга ота бошлади.

Ўшандаги баҳайбат овознинг нимага ўхшашини аниқ эслолмайман. Юзлаб тонна шағални тунука устига тўқканда ҳам бунчалик гулдурамаса керак. Ўнлаб реактив самолётлар баравар ердан кўтарилаётганда ҳам бунчалик вағилламаса керак. Мислсиз бир босим билан отилиб чиқаётган газ вишкадан зинапоясининг юқори қисмини майдалаб кетди.

Ашур боши ёнидан қувурлар учидан ўтаётганидаёқ зинапояга сакраб чиққан экан. Ҳозир у турган палати ҳам чилпарчин бўлди. Ашур ваҳима билан пастга отилди.

Қочиши кераклигини шунда фаҳмлаган бўлсан керак. Ашур менга бир урилиб ёнимдан ўтиб кетгандан кейин, мен унинг кетидан чопдим.

Шундай пайтда киши ё бутунлай караҳт бўлиб, ҳамма нарсани унутиб қўяр экан (Ашур шундай бўлибди, мен кейин эшитдим) ёки бениҳоя сергакланиб, ҳар бир тафсилотни ғалати бир тезлик билан хотирасига жойлар экан.

Аниқ эсимда бор: тўполон, зилзилада Ашур билан орқама-орқа чопиб пастга қочяпмиз. Юқорида чилпарчин бўлаётган зинапоя тахталари оёғимизга, бошимизга келиб тушяпти. Ерга етти-саккиз метр қолганда, орқада бир нарса қасирлагандай бўлди. Ўгирилиб қарасам, газ оқими кучайиб, зинапояни менга яқин бир жойдан узиб олиб кетиди. Агар бир қадам орқада бўлганимда мени ҳам зинапояга қўшиб олиб кетар экан.

Янада қаттиқ чопдим. Ашур юқоридан тушган тахта майдаларига суриниб пастга юмалаб кетди. Мен унинг

даҳшат билан бақирганини катта очилган оғзидан билдим, шовқинда овоз эшитилмас эди.

Бу орада будкадан Мехтиев чопиб чиқди, бир нарса деб қичқириб, вишканинг тагига қараб югурди.

Үлчовчи қиз чопиб келиб Ашурни кўтарди. Ашурнинг усти боши лойга беланганди. Чунки ҳамма жойга лойқа тошган эди.

Шу пайт мен ҳам пастга сакрадим. Сакраётиб, Мехтиевни кўрдим. У превентор деб аталадиган асбобнинг штурвалини бурамоқда эди. Одатда бу асбоб газ йўлини бекитиши керак эди. Лекин превенторнинг нариги учи аллақачон ишдан чиққан экан. Мехтиев узилиб тушган узун темирни алам билан отиб юборди-да, кудуқ майдончасига қараб чопди.

Мен, аксинча, бу зилзиладан узокроқ қочмоқчи бўлдим. Ражаб ака фавворанинг яқингинасида туриб, зўр босимдан варракдай силкинаётган уч тоннали илгакни четга тортиб олмоқчи бўларди. Мен унинг нега бундай қилаётганини тушунмадим. Унинг ёнидан чопиб ўтаётган эдим:

— Қаёққа?— деб қўлимдан тутди.— Буни қара!

Мен энди тушундим: агар газ бу илгакни вишка темирига элтиб урса учқун чиқади-ю, газ ёниб кетади.

Ражаб ака косовга ўхашаётган темирга илгакни илинтириб олмоқчи бўлган эди, зўр газ оқими темирни бир «уриб», унинг қўлидан учириб юборди. Темир аждарҳодай вашиллаётган фавворанинг яқинига бориб тушди.

Шунда мен Ражаб акага қойил бўлдим. У эмаклаб бориб, темирни қайтиб олди. Буни кўриб мен ҳам дадилландим. Икковимиз темирни илгакка илинтириб, тўрт қўллаб торта бошлидик.

Қаршимизда юк машинаси кўринди. Машина тўхтамасданоқ кабинада ўтирган Пётр Петрович ерга сакраб тушди ва сим олиб бизга қараб чопди. Мехтиев ҳам ёрдамга етиб келди. Куплашиб, илгакни вишкага тортиб боғладик.

Ёнгин хавфи ҳозирча йўқотилди.

Газ ҳамон даҳшат солиб бўкирятти. Кудуқ атрофи тобора қаттиқ титрайди. Нафас олиш илгариғидан хийла оғир: ҳавода газ кўпайган. Лекин чўл кенг, шунинг учун у қадар билинмайди.

Агар фаввора бу даражада баҳайбат ва хатарли бўлмаганда, ҳамма дўпписини осмонга отиб суюнган бўларди. Ахир, кўпдан бери кутилган зўр кон очилган эди! Геологларнинг айтгани тасдиқланган эди. Шаҳарчамизни катта келажак кутмоқда эди.

Лекин, нима қиласайлик, газ тўғриликча эмас, исёнкорларча ҳаммаёқни бузиб чиқмоқда эди. Унинг тезлиги шунчалик зўр эдик, арзимаган нарсадан ёниб кетиши мумкин эди. Фавворани бекитиш учун эса маҳсус асбоблар ва жуда зўр механизмлар олиб келиш керак эди.

Мехтиев, уста ва Ражаб ака учови шоша-пиша маслаҳат қилишили. Мен фақат: «Рация... Трактор... Ёрдамга», деган сўзларни эшита олдим, холос.

Ражаб ака идорага хабар бериш учун будкадаги рашияга югурди. Мехтиев ҳалиги юқ машинасига миниб, яқин орада бор техникани бошлаб келгани кетди. Пётр Петрович қолганларимизни тўплади-да, бақириб буйруқ берди, овози шовқинда зўрға эшитилди:

— Насослар, дизеллар, ҳамма қимматли механизмлар демонтаж қилинсин! Зарур бўлса қутқарамиз!

Орамизда фақат Ашур билан ўлчовчи қиз йўқ эди. Боя Ашур йиқилиб тушганда, қиз уни суяб будкага олиб кетган эди.

Ҳаммамиз чопа-чопа дизеллар ёнига ўтдик. Бир моторист, мен ва Пётр Петрович учовимиз фавворага энг яқин турган дизелни демонтаж қилар эдик. Уста дамбадам газга қарап эди. Мен газнинг ҳидини сезмас эдим: тоза газ ҳидсиз бўлар экан. Фақат ҳаво илгариғидай эмас, алланечук оғир эди.

Фаввора тобора кучаймоқда, унинг бўйи вишкадан икки баравар баланд эди. Газ оқими вишканинг темирларига урилиб, улардан ошиб ўтиб осмоннинг аллақа-еригача чиқиб борар эди. Кун ботаётган пайт, кўкиш газ аниқ кўриняпти. Мен шовқиннинг бу қадар зўрли-

гини ҳам энди тушуна бошладим: вишканинг устунлари ичи ковак темирдан қилинган эди. Газ бориб урилганда беҳад қаттиқ увиллар ва фавворанинг гувиллаши устига бу ҳам кўшиларди.

Ражаб ака югуриб келди:

— Ёндош оқим! — деб қичқирди Пётр Петровичга, — жуда хавфли. Қаранг!

Янгидан отилиб чиқа бошлаган ёндош оқим фавворанинг ёни-верига ҳужум қилмоқда эди.

Вишканинг ярмидан пастроғида бир-бирига каноп билан боғлаб қўйилган иккита пўлат қувур турарди. Ёндош оқим ўша қувурларга яқинлашмоқда. Агар канопга етса, бирпастда уни қирқади. Қувур қулаб тушаётуб бирорта темирга урилади-да, учқун чиқади.

— Нима қилдик? — қичқирди Пётр Петрович қўлларини тушиб. — Қуласа ёнғин бўлиши муқаррар!

Юқорига чиқиб бўлмайди: ёғоч зинапоя синиб кетган, пастдан бир неча метргина қолган, холос.

Мен юқорига тикилиб қарайман. Бир марта ўлим хавфини кўрганимдан бери унча қўрқмайдиган бўлиб қолганман, тўғрироғи, ҳозир ўлим тўғрисида ўйламайман. Фикр-хаёлим бошқа нарса билан банд.

— Пётр Петрович! — деб бақираман. — Вишканинг нариги темири орқали чиқса бўлади. Мен симёғочга чиқиб кўрганман!

Пётр Петрович бош чайқади. Лекин вишканинг нариги четига ўтиб қаради. Мен унга эргашиб юрибман.

Уста менга ўгирилди:

— Югар! — деди. — Будкада чангакли арқон бор. Мен унинг ниятини фаҳмлаб югуриб кетдим.

## 17

Будкада Ашур ёнбошлаб ётган эди. Ўлчовчи қиз унинг бўйини боғлаётган экан. Мен бояги кекни аллақачон унуган эдим, ҳозир майда-чуйда хафачиликлар аҳамиятсиз бўлиб қолган эди.

Шоша-пиша арқонни қидирар эканман, Ашурга:

— Ёмон яраландингми? — дедим.

Ашур инқилади. Овоз бу ерда дурустроқ эшигилар эди.

— Йўқ, бўйни шилингган, холос,— деди қиз.

Мен Ашурга тикилиб қарадим. Шу қадар ўзгарган! Юзи қонсиз, кўзларида даҳшат, назаримда ўлим хавфи унинг иродасини букиб қўйган. Лекин сир бой бермай ўрнидан турди:

— Ёрдам керакми? Чиқайми? Нега менга бундай қарайсан?

— Юр!— дедим ва Ашурни олдимга солдим. Ташқарида ер шундай титраяпти! Ашур ерда эмас, ҳозир ёриладиган муз устида юргандай пайпасланиб боради. Мен уни шошираман.

— Тезроқ юр!

Фавворага яқинлашган сари зилзила кучлироқ сезилади.

Ашур кўзларининг пахтасини чиқариб қарайди.

Охири у кўлимдан маҳкам ушлаб:

— Тўхта!— деди.

— Нима?

— Искандар, мен туш кўрган эдим! Бир чол ер ёрилади деган эди! Бу ер ҳозир ёрилади, бизни ютиб кетади!

Мен бир силтаниб, кўлимни бўшатиб олдим:

— Нафасингни ўчир-е!— дедим, унинг қарғадай қағиллашидан чўчиб.

Бироқ Ашур бошига калтак тушиши муқаррарлигини сезган одамдай бўйини қисди. Шундай полвон одам аянч аҳволга тушса ёмон бўлар экан. Раҳмим келди.

— Бор будкага, ҳали ўзингга келмабсан шекилли,— дедиму устанинг олдига қараб югурдим.

Лекин энди менинг ҳам кўнглимда ҳаддан ортиқ бир хавотирлик пайдо бўлди. Мен тушга бир оз ишонар эдим. Ер ҳадеб бундай ларзага келаверса, охири ёрилиб кетиши ҳам мумкиндири?

\* \* \*

Бу орада трактор ва кўтаргич кран ортган зўр машиналар ёрдамга етиб келди. Фавворага яқин бориб қара-

сам, одамлар янада кўпайган, ҳамма қимматбаҳо асбоб-ускуналарни хавфсиз жойга чиқариш билан банд.

Кўпчилик орасида Фуломов ҳам юрибди. У бизга яқинлашиб:

— Алпдай зўр-е!— дейди газга қараб.— Ўз босими билан минглаб километрга оқиб борар!

— Ҳа, лекин ёмон бир фалокат бўлмаса денг!— деб, Пётр Петрович унга юқорини кўрсатди.

Фуломов ёнғин хавфи нақадар зўр эканини сезиб, тракторлар томон югурди.

Бунинг ҳаммаси далда бериб, мен Ашурнинг гапларини унутдим. «Шунча одам нима бўлса, мен ҳам шу», дедиму фикру зикрим яна иш билан банд бўлди. Чангакли арқондан фойдаланиб, вишканинг темирига тармасиб аста-секин юқорига чиқа бошладим. Бир метрча наридан ҳайқириб ўтаётган газнинг шамоли одамни дамига тортади. Зўр эҳтиёт билан уч метрча юқорига кўтарилиган эдим, бирдан хуштак товуши эшитилди. Пастга қарасам, Пётр Петрович: «Туш!» деб куйиб-пизиб ишора қиляпти. Нима бўлдикин деб юқорига кўз ташладим. Ёндош оқим зўрайиб, ҳалиги қувурларни тўсиб қўйибди. Энди менинг юқорига чиқишим фойдасиз эди.

Сирғаниб қайтиб тушганимни биламан. Бирдан нимадир «лоп» этиб кетди. Фира-шира қоронғи тушиб қолган эди. Чўл тўсатдан ёриши.

Ёндош оқим ёниб кетган экан, алнга дарҳол марказий фавворага ўтди. Оловнинг тафтига чидаб бўлмас эди.

Ҳаммамиз саросима бўлиб чўлга қараб қочдик.

Дизеллар билан насослар қутқарилган экану бир трактор электростанция уланган ҳолда олов яқинида қолиб кетган экан.

Олов вишканинг пўлат ускуналарини ялаб, эритиб, букиб, қулатиб тушираётган ва унинг тафтидан будканинг томи ҳам тутаётган бир пайтда Пётр Петрович уст-бошини шалаббо қилиб ҳўллади-ю, ҳалиги тракторга қараб чопди.

Биз юз эллик метрча наридан қараб турибмиз. Пётр Петрович тракторга сакраб чиқди. Уни чўлга қараб юргизди. Чамамда, трактор чидаб бўлмас даражада қизиб кетган. Уста юриб бораётган трактордан сакраб тушди-ю. бизга қараб чопди.

Трактор станцияни судраб, ўзича юриб кетяпти.

Пётр Петрович ундан олдин етиб келди. Қарасак, уст-боши қуриб бўлган, кепкасидан дуд кўтариляпти.

Ражаб ака бир челак сувни унинг бошидан қуйиб юборди.

Трактор оловдан уч юз қадамча узоқлашгандан ке-йин, эгаси ютуриб бориб, бир амаллаб устига чиқди-да, тўхтатиб олди.

Оловнинг тафти тобора зўрайиб, бизни янада на-рироқ чекинишга мажбур қилар эди.

Ўн терак бўйи келадиган олов қуюни сал ўтмай виш-кани еб, шовдиратиб йиқитди. Унинг тафтидан будка ҳам, сув ва лойқа солинган зўр цистерналар ҳам куйиб кетди. Назаримда, олов темирни ҳам ёндирап эди.

Ярим чақиримча нарига чекинганимиздан кейин, Фуломов қўли билан ишора қилиб, ҳаммамизни тўпла-ди. Унинг тили оғзида қийинлик билан айланади, лаби қимиirlайди-ю, овози эшитилмайди.

Мен унинг овози битиб қолибди, деб ёнимдагилар-га қарадим.

Ҳамма ҳайрон бўлиб бир-бирига қарайди: бошлиқ-нинг овози ҳеч кимга эшитилмаяпти. Шунда Мехтиев Фуломовга бир нарса деди. Энди унинг овози ҳам гўё ичига тушиб кетди-ю, фақат лаби қимиirlай бошлади.

Шундан билдики, Фуломонинг овози эмас, газ-нинг наърасидан бизнинг қулогимиз битиб қолган экан. Бирпасдан кейин яна ўша гувиллашни эшита бошила-дик. Фуломов шовқинда қаттиқ-қаттиқ гапириб, овози хириллаб қолибди.

— Ўртоқлар, ҳеч ким ваҳимага берилмаслиги керак,— деди у.— Ҳусейн Аждарович, сиз мана бу машинага миниб туманга хабар беринг. Ўт ўчирувчиларни чақи-ринг. Пётр Петрович, сиз бу ердаги одамларга бош бўла-

сиз. Мен шаҳарчадан ҳамма керакли нарсаларни юбортираман. Ўртоқлар, бардам бўлинглар. Мен Бухородан ёрдам сўрайман. Тошкентга хабар бераман. Ҳамма имкониятларни ишга соламиз.

Мехтиев бўш турган юк машинасига миниб, бир томонга қараб кетди. Гуломов «Газик»да иккинчи томонга қараб кетди.

Биз қолдик.

## 18

Тун ҳам тунга ўхшамас эди. Юз метрли аланга ўттиз-қирқ километр атрофни ёритиб ёняпти. Киши кундузгидай соя қидиради. Осмон очиқ бўлса ҳам, тепамизда юлдуз кўринмайди. Фақат осмоннинг узоқ четларига тикилиб қарасангиз, сийрак юлдузчалар элас-элас кўзга ташланади.

Чексиз чўлда фақат газнинг наъраси эшишилади. Кўк, қизғиш, сарғиш ранглардан бино бўлган улкан аланга баъзан шундай гўзал, шундай афсонавий кўринадики, тушим эмасмикин деб атрофимга қарайман.

Олов ёлқини аксланаётган жиддий юзлар, бу – ўнгим эканини айтиб турарди. Ҳозир кўнгилга гап сифмайди. Кутиш оғир, ҳамма жим.

Ашур кийимларига ёпишиб қуриб қолган лойни уқалаб туширмоқда. Орамиздан ўтган гапни у билади-ю, мен биламан. Ҳар замонда кўз-кўзга тушса, у бўшашиб ерга қарайди. Илгари мендан кулиб юргани учун хижолат тортаётганга ўхшайди. Мен унинг юзига қарамасликка тиришаман.

Ниҳоят, узоқда иккита ўт ўчирадиган машина қизарип кўринди. Уларни Мехтиев тумандан бошлаб келган эди. Кейин шаҳарча томондан ҳам водовозлар кела бошлади.

Ўт ўчирувчилар дарҳол насослари билан брандспойтларини ишга солиб, оловга ҳужум қилиб кўрдилар. Лекин аланганинг атрофидаги ер чўғдай қизиб кетган эди. Юз-юз эллик метр радиусида иссиқ саксон даражадан ортиқ эди. Сувни узоқдан туриб сочишга тўғри келарди.

Ўт ўчирувчилар кўп уриниб етказган сув ҳам, аланга тоғи олдида ўйинчоқдай кўринарди...

Менинг назаримда, бу келаётган техника, бу турган одамлар оловни ўчиришга қодир эмас эди. Яна фаввора соат сайин кучайиб борар эди. Уста билан Мехтиев ҳисоблаб чиқди: ҳар соатда олтмиш минг кубометр газ ёниб кетмоқда эди. Шунчалик катта бойлик исроф бўлмоқда. Тағин аланга тагида жангда ҳалок бўлганларнинг жасадларига ўхшаб, вишкамизнинг темирлари ўюлиб, чўғланиб ётарди.

Ким айбдор?

Бу савол айниқса бизнинг вахтамизни қийнарди. Биз бир-биримизга қарай олмас эдик. Охири Ражаб aka гап бошлади:

— Ҳамма бало геологларда. Ҳеч нарса йўқлигига ваҳима қилишибди. Бу сафар газ бор деган қатламларига беш метр қолгандা...

— Кўй энди,— деди Пётр Петрович.— Ҳеч бўлмаса энди айбни геологларга тўнкамайлик. Яхши биласанки, беш-олти метрли ноаниқликларга қоидада ҳам йўл қўйилган, шуни ҳисобга олиб иш қилиш бизнинг вафизамиз эди.

— Мен ҳисобга олмабманми? Мана, ўртоқ Мехтиев бор эди. Сўранг...

Мен Ражаб акага ҳайрон эдим, боя ўлим хавфидан қўрқмай фаввора билан олишган одам, энди бепарвонлик қилганини, ўн беш қувур олиб ҳам лойқа юбормаганини айтишдан кўрқарди. Яна пешгирилик қилиб, геологларни айбларди. Ё одам ўзини гуноҳкор ҳис қилган пайтда юраги тезроқ пўк берармикин?

Гуломов етиб келди ва одамларни тўплаб топшириқ бера бошлади:

— Пётр Петрович, сиз ўз бригадангиз билан ер текислайсиз. Тошкентдан самолёт келиши керак. Трест бошлиғи ўт ўчирувчи мутахассисларни бошлаб келмоқчи бўлди. Қўнадиган майдон икки соатда ҳозир бўлиши керак. Ҳусейн Аждарович, ҳозир автобусда одам келади, сиз шуларга бош бўлиб чодир тикдирасиз. Ўртоқ

капитан!— деб Ғуломов ўт ўчирувчиларнинг бошлиғини чақирди:— Сувни тежаб сарфлаш керак. Одамларингизга айтинг, ҳозирча тўхтаб туришсин.

Ишга киришиб кетганимиздан кейин, ҳар хил кўнгилсиз хаёллар ҳам камайди.

Бухородан ва атроф туманлардан йигирмага яқин ўт ўчирувчи машина келди. Сув ташиётган водовозларнинг орасида Давроннинг машинасини ҳам кўриб қолдим. Энди у сув олиб келган эди. Автобусда Баҳромлар ҳам етиб келишди ва бизга кўшилиб ер текислашга тушишди.

Фақат Зулайҳо кўринмас эди.

Ярим тунда қўш қанотли «АН» самолёти учиб келди, оловнинг ёруғидан фойдаланиб биз текислаган ерга кўнди.

Самолётдан тушган трест бошлиғи ва мутахассислар ёнмайдиган маҳсус кийимлар кийиб, алангага мумкин қадар яқин бориб қарай бошлашди.

Биз четда туриб уларнинг устига брандспойтдан сув сочмоқдамиз, шундай қилинмаса ўтнинг тафтига киши дош беролмайди.

Кейин улар чопа-чопа четга чиқишиди.

## 19

Яқинда тикилган чодирлар ёнига йигирма чоғли одам тўпландик. Бир четда мутахассислар С-100 тракторларига жиққа ҳўл нарсалар ёпиб ёнмайдиган қилишаёттир. Тракторчилар ҳам ёнмайдиган ҳўл кийим киймоқдалар. Ғуломов бизга вазифани тушунтиряпти:

— Ўртоқлар, ишимиз жуда мушкул. Ҳар бир кишидан мислсиз фидокорлик талаб қиласидиган иш. Биз энг аввал олов тагида чўғланиб ётган юзлаб тонна темирни чиқариб ташлашимиз керак. Бўлмаса газни ўчириб бўлмайди, ўчирган тақдирда ҳам темирнинг тафтидан яна ёниб кетади.

Мутахассисларнинг ўзлари ҳам ёнмайдиган, ҳўл кийим кийишидиган, тракторга чиқа бошлашди.

— Яхшилаб қараб туринглар,— деди Ғуломов бизга.— Булардан кейин сизлар кирасизлар.

Ашур менинг ёнимда эди, талвасага тушиб қолди.

Гуломов ишбоши эди. Ўт ўчирувчиларга кўк байроқча силкиб буйруқ берди. Улар брандспойтларни олов тагидаги чўғланган темирларга тўғрилашди. Тракторлар боргунча темирларга сув сочиб, совитиб туришди.

Тракторлар зўр тезлик билан оловга қараб борар, иккинчи томондаги ўт ўчирувчилар ўз брандспойтларидан уларнинг устига сув сочиб, оловдан ҳимоя қилиб турар эдилар.

Уч трактор оловга уч томондан яқинлашди. Мутахассислар ерга сакраб-сакраб тушишди ва қўлларига илмоқли симарқон олиб, олов тагидаги темир гўлаларга қараб чопишди. Тракторлар эса тез бурилиб, оловга орқа ўгириб турдилар.

Брандспойтлар ҳамон уларнинг ва одамларнинг устига сув сочар эди. Олов олдидан буғ аралаш чанг кўтириларди.

Мутахассислар нариги брандспойтлар сувидан қорайиб қолган темир гўлаларига симарқонларини улашди-ю, тракторчиларга ишора қилишди.

Кўп ўтмай ҳар уч трактор ўз юкини судраб чиқиб келди.

Мутахассислар бизга яқинлашар эканлар, юзларидан терми, сувми шаррос қуюларди. Ҳаммаси энтикар эди. Биринчи мутахассис плашини ечар экан, бизга қараб:

— Кўрдиларингизми? — деди. — Айниқса, бир нарсага эҳтиёт бўлинглар. Нафасларингиз қайтса олов яқинида қолмаслик керак. Қани, ким талабгор?

Пётр Петрович, Ражаб ака, Баҳром, кўйингки, ҳаммамиз талабгор эдик. Ашур ҳам қатордан қолишга журъят этолмади шекилли, бизга қўшилиб олдинга чиқди. Мутахассислардан бири унинг зўр гавдасига қараб:

— Келинг, сиздан бошлаймиз, — деди.

Бошқа икки мутахассис Пётр Петрович билан мени кийинтира бошлади.

Шу пайт ошхона анжомлари ортилган бир машинага кўзим тушди. Машина тўхтади-ю, кабинадан Зулайҳо сакраб тушди ва биз томонга қараб юрди.

Машиналарнинг орасидан чиққан Даврон у билан орқама-орқа келмоқда эди.

Ҳаяжонланиб кетдим. Кийиниб бўлиб тракторларга чиқаётганимизда филдирак занжирига оёғим илиниб, йиқилиб тушгудай бўлдим.

Кейин ўгирилиб Зулайҳога қарадим. У менинг суриниб кетганимни кўрган эди, бошлиқларга норози бўлиб қаради. «Искандарга нега жавоб бердингизлар? Ахир у бекорга ҳалок бўлиб кетиши мумкин!» демоқчига ўхшарди.

Даврон эса Зулайҳодан кўз узмай турарди.

Трактор қўзғалди. Мен газ ёнмасдан олдин вишкага тармасиб чиққан пайтимдаги ҳолатимга қайтгим келар эди. Ўша пайтдаги ишдан бошқа ҳеч нарсани ўйла- масам дер эдим.

Бирдан тракторнинг ичи жуда қизиб кетди. Нафас олиш оғирлашди. Тракторчининг ишораси билан мен пастга сакраб тушдим ва сим арқонни қўлимта олдим. Энди оловнинг даҳшати ҳамма нарсани унутишга мажбур қиласарди.

Бир томонимда Пётр Петрович, иккинчи томонимда Ашур югуриб борар эди. Брандспойтдан сочилаётган сув эса гоҳ мени қувиб етиб, соябон бўлиб борар, гоҳ сал олдинга ўтиб кетар, гоҳ хиёл четга чиқар эди. Зилзиладай титраётган ер ва кишини кабоб қилмоқчи бўлаётган олов орасидан шу сув бирдан-бир нажот бўлиб туюларди. Бу сув гўё Зулайҳонинг руҳий мададини ҳам, ўртоқларимнинг эътиборини ҳам менга етказиб, бошимга соябон қилиб турар эди.

Темир уюмига етай деганимда Ашур кўринмай қолди: у сим арқонни тушириб юбориб орқага қайтган экан. Мен кейин эшитдим. Ашур пайпасланиб сал илгари- лабди-ю, яна чекинибди.

Ҳаммамизнинг кийимимиз бир хил эмасми, Зулайҳо Ашурни менга ўхшатибди. Ёрдамга югурмоқчи бўлиб, ўн-ўн беш қадам олдинга чиқибди. Кейин Ашурни таниб тўхтабди. Ўт ўчирувчиларнинг ҳай-ҳайлашига эътибор бермай, ўша жойдан менинг ишимни кузата бошлабди.

Олов олдида сув буғланиб кишининг нафасини қайтарар эди. Не азоб билан қўлимдаги сим арқонни вишканинг куйиб тушган бир бўллагига уладим ва тракторчига ишора қилдим.

Ашур оловга яқинлаша олмагандан кейин, Фуломов унга: «Чиқ» деб ишора қиласди. Бир вақт қарасам, Ашур илгагини ерга ташлаб, йўргалаб қайтиб кетяпти.

Пётр Петрович ўз ишини мендан олдинроқ битирган экан. Ашур ташлаб кетган сим арқонни олиб, бошқа бир темирга улашга тушди. Мен бориб унга ёрдамлашдим.

Бу орада Ашур одамларнинг олдига чопиб борибди. Ҳансираф, тутилиб:

— Бўл... бўлмади,— дебди,— нафасим қайтди!

Унинг қалт-қалт титраётганини кўрган Ражаб aka ўшқириб берибди:

— Кўрққанингдан нафасинг ичингга тушиб кетибди-да! Э, еч-е, ўзим бораман. Пўк одам экансан-ку, ўзингни ботир кўрсатиб юрибсан-а! Э, ҳайф сенга шундай гавда!

Ашур ғазабланади:

— Мен ҳозир бораман,— дейди тракторга қараб интилиб,— бир гап бўлса сиз жавоб берасиз!

— Бас,— деб Фуломов уни қайтаради.

Бу орада биз ишни битириб чиқа бошладик. Ичим куйиб кетди. Елкамдан нафас оламан. Атроф кўзимга алланечук буғланиб тургандай хира кўринади.

Бир вақт шу буғнинг орасидан Зулайҳо кўринди. У ҳали ҳам кўпчиликдан олдинроқда турган эди. Атроф гўё бирдан ёришди. Зулайҳонинг юзи иссиқдан бугриқиб кетган, лекин лабларида қувончли табассум ўйнар, кўзларини мендан олмас эди. Оловга яқинроқ тургани учун бошидаги юпқа кигиз қалпоғига учқун тушиб тутай бошлабди. Буни ўт ўчирувчилардан бири кўриб қолиб, брандспойтини Зулайҳога тўғрилади. Зулайҳо куч билан урилган совуқ сувдан чўчиб тушди, кейин кулиб, орқага чекинди.

Даврон бунинг ҳаммасини кўриб турган бўлса керак.

Унинг важоҳати рашқ билан тўлиб турар эди. У одамлар қаторини ёриб олдинга чиқди:

— Ўртоқ бошлиқ, менга ҳам ижозат беринг!

Даврон асабий ҳаракатлар билан мен ечган плашни кия бошлади. Афтидан, у ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўймоқчи эди.

Зулайҳо бир четда мени кутиб турар эди. Ўт ўчириш кийимларини ечиб бўлиб, унинг олдига келдим. Лекин гапирай десам, тилим оғзимда айланмайди, лабимни яласам, нам йўқ.

— Чанқадингизми?— деди Зулайҳо.— Юринг, биз сув олиб келганимиз.

Чодирлардан бирига қараб кетдик.

— Ростимни айтсан, мен кутмаган эдим,— дейди Зулайҳо.

— Менинг уддалай олишимними?

Зулайҳо шундай демоқчи эди, аммо кулиб гапни бошқа ёқقا бурди.

— Йўқ... Ашурни айтяпман.

Мен учун бу жуда жиддий гап эди. Сув ичиб сал ўзимга келганимдан кейин Зулайҳога фикримни айтдим:

— Дунёда ҳар ким ҳам битта-иккита нарсадан кўпроқ қўрқса керак. Ҳар бир кишининг қўрқмайдиган нарсалари ҳам бўлса керак.

Зулайҳо кулимсираб эътиroz қилди:

— Бу оловдан қўрқунча қорақуртдан қўрқкан дуруст.

Ўшандаги воқеаларни эслаб, мен ҳам кулдим.

Бир яшик минерал сув олдигу одамлар тўпланиб турган жойга қайтдик.

## 20

Даврон, Баҳром ва Ражаб aka учови уч тракторга миниб оловга қараб кетди. Мен Зулайҳонинг ёнида турган эдим. Даврон кетаётib менга ўқрайиб қаради.

Назаримда, у ҳали ҳам Зулайҳодан умидвор эди. Эҳтимол, Зулайҳо ўшандаги воқеани ҳеч кимга айтмай

юргани учун ҳам Даврон умидвордир ва ҳозир ўзининг устулигини кўрсатиб қўйишга интилар?

Лекин даҳшат солиб ўкираётган газ ва хатарга тўла ёнгин қаршисида майда-чуйда адоватлар, рашклар менга алланечук эриш туюларди. Мен бу тўғрида ўйламасликка тиришардим.

Сув шалоласи тагида Даврон биринчи бўлиб трактордан сакраб тушди ва темирларга ҳамла қилди. Мен ўзим кириб чиққаним учун биламан, оловга яқин турган ўлаларни кўзғатиш осон эмас. Бироқ Даврон хавфхатарни писанд қилмас эди.

Ён-веримиздан:

— Кўрқмайди-я,— деган сўзлар эшитила бошлади.

Фақат Фуломов хавотирланар эди.

— Қалтис ишляяпти! Нима керак бу таваккалчиллик?

Зулайҳо Давроннинг нега бунчалик қалтис ишлар қилаётганини энди тушунди шекилли, хавотирланиб ва ранжиб, лабини асабий тишлай бошлади.

Даврон ўз ишини эсон-омон битказди. Мен ичимда унга тан бердим.

Бироқ Даврондан сал нарида Ражаб aka ҳамон ишини битиролмай қийналмоқда эди... Унга ўша ўн саккиз тоннали лебедканинг қолдиқлари тўғри келган эди, сим арқонни унинг ўқига қўл билан боғлаш керак эди.

Даврон Ражаб акага ёрдамга югурди. Бизни яна бир қойил қилгиси келгандай аввалгидан ҳам қалтис ишлар қила бошлади. Бирдан чўғланган темир гўлени ағанаб тушиб, унинг бир қўлинини елкасигача қисиб қолди. Даврон бор кучи билан қўлинни тортади, аммо бўшатиб ололмайди.

То Баҳром билан Ражаб aka келиб, ҳалиги темирни олиб ташлагунча Давроннинг билаги қисилган жой тутаб кетади. Баҳром кейин айтди: ўша пайт куйган латта ва гўшт ҳиди димоқقا урилади.

Даврон хавфсиз жойга олиб чиқилганда қарасак, чап қўли кифтигача куйиб гўшт бўлибди.

— Нега бундай қилдингиз ахир!— дерди Фуломов Давронга.— Биз ботирлик мусобақаси ўтказаётганимиз йўқ эди-ку!

Даврон индамай тишларини қисар, дўхтири ярасига дори суртаётгандан оғриқдан интраб юбормасликка тиришиб кучанар эди.

Зулайҳо ёнимда эди, чопиб тўпдан чиқиб кетди. Мен унинг кетидан чиқдим, лекин ёнига боришга юзим бўлмади. Давроннинг шундай қийналишига биз ҳам сабаб бўлганимиз кишининг виждонини азобларди.

Қийин савдо экан-да, бу муҳаббат...

## 21

Газ ҳамон бўкириб ёнар, куйган темирларни чиқариш давом этарди. Биз фаввора тагига иккинчи марта кирмоқчи бўлиб турган эдик, ўт ўчирувчиларнинг капитани югуриб қелди.

— Ўртоқ Фуломов энди одам киргизманг, сув тамом бўлди.

— Шунча сув-а? Ҳали бу темирларнинг ярми ҳам чиқарилгани йўқ. Қанча машина ишлайти.

— Машина у ёқда турсин,— деди мутахассислардан бири,— поезд билан ҳам сув ташиб етказиб бўлмайди. Мен сизга айтган эдим, бизга оқин сув керак, катта ҳовуз куриш керак.

— Бу саҳрова оқин сув нима қилсин?— деди Фуломов.— Энг яқин ариқ қирқ километр нарида.

— Бўлмаса бу ёнғинни бир ойда ҳам ўчиролмаймиз,— деди мутахассис.— Қаранг, ер ҳам тандирдай қизиб ётиби. Ўт кечиб ишлаётган шунча одам ҳам сувнинг тагида жон сақлаяпти. Фавворанинг атрофини тоғалаб совутишга қанча сув керак. Кейин портлатув шоҳобчаси қуриш керак. Фавворага қаратиб қисқа бир темирйўл солишимиз керак. Сув, сув! Ҳар соатда юзлаб кубометр сув керак бизга!

Бир яшик минерал сув кўтариб Зулайҳо келди.

Фуломов иложсизланиб бизга қаради:

— Энди нима қилдик?

Ҳамма жим. Купимиз ерга қараймиз.

Бирдан Зулайҳо жимликни бузди:

— Биз геологик карта тузганда кўрган эдик. Шу атрофда эски ариқнинг ўзани бор.

— Хўш, бўлса-чи.— деди Ғуломов унинг мақсадини тушунолмай.

— Тўгри, мен ҳам кўрганман,— деди Ражаб ака.—  
Бундан етти-саккиз километр нарида.

Ғуломов воқеани тушунди:

— Агар сувни шу ариқдан олиб келсак буёғи оз қолади, ўзимиз қазисак бўлади.

Ғуломов Зулайҳога қараб қулимсиради:

— Яшант, қизим!..

— Лекин ҳозир ғўзалар ҳам чанқаб ётган бўлса керак,— деди Ражаб ака.

— Юринг, ҳозир бориб раисдан илтимос қиласмиш,—  
деди Ғуломов.

Улар «Газик»ка миниб, воҳага қараб кетишли.

Кейин кун ёйилган пайтда хушхабар келди.

Мен эски ариқни ўзимча тасаввур қилдим: сувга зор бўлиб қуриб ётган ўзан тагини ҳозир нимадир хиёл чангитиб, хасларни силжитиб бизга қараб келмоқда.

Сув!

Энди ўзандан буёқقا ариқ чиқариш ва ҳовуз қазиш керак эди. Экскаваторлар ва кановокопателлар ишга тушди. Биз улардан қолган ишларни қиласмиш. Кечаси билан ухламаганимиз учун тушга бориб жуда чарчаб қолдик. Кейин Ғуломов келиб:

— Боринглар, дам олинглар,— деди.— Кечаси ҳали мушкул ишлар бўлади. Ухлаб олмасак, яна бир корҳол бўлиши мумкин.

Чодирлардан бирига кириб, йиғма каравотларга ўзимизни ташладик.

## 22

Мен ечинмай ухлаб қолган эканман, бир вақт терга ботиб уйғондим. Ёнгиннинг тафтига куннинг иссиғи ҳам кўшилиб чодирнинг ичи ўтхонага айланиб кетибди.

Бироқ майкачан Ашур бу иссиқни гүё сезмас эди, бошини чангллаб гапирап эди:

— Шу чол тушимга кирди-ю, мени жин урди. Сен биласан, Баҳром, мен унақа Қўрқоқ эмас эдим. Шу чол мени шарманда қилди!

Қарасам, нариги томонда Баҳром ёнбошлаб ётибди. Назаримда, Ашур ўз ғами билан бўлиб ухлай олмагану охири Баҳромни ҳам уйғотган.

— Чолми ё ўзингнинг бераҳмлигингми?— деди Баҳром.— Қўрқоқлик — бераҳмликнинг онасидир, деган экан бир киши. Билдинг? Ўша бераҳмликларингнинг онаси кеча сенга ўзини кўрсатган бўлмасин?

— Айтиш осон-да!— деди Ашур.

Ражаб aka ҳам уйғонган экан. Ашурни жеркиб солди:

— Сен ўзинг касофат бола экансан. Нукул майна-бозлиқ қилдинг. Мени ҳам ғафлатда қолдирдинг.

— Э, боринг сиз! — деб Ашур шарт-шурт кийинди-ю, чодирдан чиқиб кетди.

— Ражаб,— деди Пётр Петрович ўрнидан туриб.— Сен ғафлатда қолган бўлсанг, бунинг учун аввало биз икковимиз айбормиз. Аввал-ку, «Ашур ботир, Ашур полвон», деб ўзимиз уни томга чиқариб қўйган эдик. Энди томдан итариб ташлаб, майиб қилмок-чимизми?

\* \* \*

Тун. Ҳовуз битиб сувга тўлмоқда. Унинг атрофига дизеллар ва дизель кучи билан ишлайдиган зўр насослар келтириб қўйилган. Булар сувни исталган узоқликка отиб етказиб беряпти. Бир чеккада оловнинг дамидан олиб чиқарилган темирлар қалашиб ётибди. Аланганинг олди бир оз очилган. Лекин ҳали оловга яқин турган ва олиб чиқиш жуда хатарли бўлган темир-терсак анча бор.

Мутахассислар бизни тўплаб, вазифани тушунтиро-моқда эди... Орамизда уста билан Ашур йўқ эди. Кейин уста Ашурни бошлаб келди. Ашур менинг ёнимда турибди. Юзи руҳий азобдан ўзгариб кетган.

Мен унга қарап әдиму ўзимнинг бошимдан кечтан воқеаларни эслардим. Назаримда, Ашурни шарманда қилган нарса фақат қўрқоқлик эмас. Бунинг нималигини аниқ қилиб айтолмайман. Лекин бошимдан ўтгани учун биламанки, кишига ишонч етишмаган лайтда вахима енгади. Гап одамнинг фақат ўз билак кучига ёки ўз юрак кучига ишонипида эмас. Бундай ишонч Ашурда керагидан ҳам ортиқ эди. Лекин ёлғиз одам бу баҳайбат ёнғин қаршисида нима ҳам қила олади? Киши кўлчиликка ўзига ишонгандай ишонса унда бутун одамларнинг кучини ҳам, бор техниканинг қудратини ҳам ўз билагида, ўз юрагида сезар экану ўзига ишонч ҳам бошқача бўлар экан. Ботирлигу қўрқоқлик тўғрисида ўйламай ҳам қўяр экан. Мен шуни Ашурга қандай тушунтирусам экан?..

Мутахассиснинг гапи хаёлимни бўлди:

— Қаранглар,— дерди у оловни кўрсатиб.— Газ бутун ҳавони сўриб олиб ёняпти. Яқин борган одамни аланга шу ҳавога қўшиб аждаҳодай дамига тортади. У ерда кишига ҳаво етишмайди, бунинг устига агар қўрқиб ҳовлиқсангиз, нафасингиз қайтади-ю, ҳалокатга учрайсиз. Шунинг учун биз бу ишни энг синалган одамларга топширишимиз керак.

Ашур безовта эди. Мутахассис унга қараб деди:

— Кечирасиз, йигит, сизга бошқа иш беришар...  
— Менга бошқа иш керак эмас!— деди Ашур кескинлик билан. Бошлиқлар ҳайрон бўлишди.  
— Сиз тушунинг, йигит,— деди Фуломов.— Агар сизга бир гап бўлса суд олдида биз жавоб беришимиз керак!  
— Мумкин бўлса,— деб Пётр Петрович бир қадам олдинга чиқди,— Ашурнинг масъулиятини биз устимизга олсак.

— Бутун бригадамиз олади!— деди Баҳром.

Мен Ашурга қарадим: унинг чағир кўзларида ёш ҳалқаланди. Бошлиқлар ҳам рухсат беришди.Faқат жуфтжуфт бўлиб бориш керак, дейишиди.

Биз Ашур икковимиз бир тракторга миниб, оловга томон борар эканмиз, мен унга бақириб гапирадим:

— Ҳаммасини унут! Тушундингми?.. Ишдан бошқа ҳаммасини унут!..

У бош иргар эди-ю, лекин назаримда мен айтмоқчи бўлган нарсани тушунмасди.

Сакраб тушиб, фаввора тагидаги темирларга яқинлашганимизда мен унга бир қарадим. Юзида яна ўша даҳшат, оғзини очиб ютиниб-ютиниб нафас олади, лекин ортда қолмай чопиб боради. Симарқонни темир гўласига боғлаётганимизда яна бир қарадим, буғ ва чанг орасида юзи яхши кўринмади, лекин у кўлларини саросимали ҳаракатлантириб тинмай ишларди.

Фақат қайтиб чиқаётганимизда Ашурнинг юзини аниқ кўрдим. У оғир курашдан омон чиққанига суюнгандай кулимсиради.

Энди мен ҳам кулдим. Бирга қулиш икковимиз учун ҳам ёқимли эди.

## 23

Аланга атрофи темир-терсаклардан тозалангандан кейин, фаввора туви аниқ кўринди. Ажаб қизиқ табиат ҳодисалари бўлар экан.

Газ жуда тез отилиб чиқаётгани ва ҳаво етишмаётгани учун фаввора икки метрча ёнмай борар эди-ю, кейин бўлиниб-бўлиниб ёнарди. Аланганинг бўлиниб ёнганига сабаб – газ чиқаётган қувурнинг уни ёрилиб кетгани эди.

Мутахассисларнинг айтишича, бу фавворани фақат портлатиб ўчириш мумкин эди. Лекин ёндош оқимлар йўқотилмагунча ва аланга яхлит бўлмагунча портлатиш мумкин эмас эди. Энди ҳаммамиз қувурнинг ёрилиб кетган учини кесиб ташлаш йўлини ўйлай бошладик.

Қандай қилиб кесиш мумкин? Қўлда қилиб бўлмайди...

Бошлиқлар ҳарбий қисмдан ёрдам сўрашга кетишиди...

Бир вақт, ўрта оғирликдаги танқ, яшил сирти аланга ёруғида ялтираб, фавворага қараб кетди. Қулай бир позиция топиб тўхтаган танқ аланга тубига бронтешардан ўқ уза бошлади.

Бир четдан қараб турибмиз. Газнинг наъраси ҳар қанча зўр бўлса ҳам, тўп овози «пўп» этиб эшитиларди.

Бир... икки... уч... тўрт. Ёндош оқимлар йўқолиб бораётир. Мана, еттинчи ўқ билан қувурнинг учи бутунлай кесилди. Фақат ён томондаги задвижка<sup>1</sup> қийшайиброқ қолди.

Танк кетар экан, биз экипажга қўл силтаб миннатдорчилик билдирардик.

— Тинчлик бўлса, танк ҳам меҳнат қиласар экан,— деган сўзлар эшитиларди.

Зўр бериб ишляяпмиз. Портлатув шоҳобчаси ҳам битай деб қолди. Аланга томонга эллик метр чамасидаги энсиз темир йўл қурмоқдамиз.

Лекин газ ҳам тинч турмас эди. Танк ўқ отганда қийшайиброқ қолган задвижкадан аввал газ чиққани билинмас эди. Энди задвижка ёрилиб кетдими, ишқилиб, ундан чиққан газ оқими бирдан кучайиб, аввалидан ҳам ёмонроқ ёндош аланга пайдо бўлди ва ер бағирлаб ёна бошлади.

Мутахассислар иложсизланиб қолишли.

— Тоза расво бўлди-ку,— деди Ғуломов.— Буни ўқ ҳам олмайди.

\* \* \*

Энди ўқнинг ўрнига одам бормоқда. Бу одам — менман. Бошқа талабгорлар ҳам бор эди, лекин бошлиқлар мени юборишли.

Юз метрли аланга қаршисида чумолидек кичик кўринсан керак. Қатор брандспойтлар оёғим остида сув сочиб, ерни совутади, бошимда соябон бўлиб кузатиб боради...

Шу сув салқинида мен яна кўпчиликнинг эътиорини ва ишончини ҳис қилиб бораман.

Қанча одам нафасини ичига олиб, менга қараб турганини, Зулайҳо ҳаммадан ортиқ ҳавотирланаётганини ўзимча тасаввур этаман.

<sup>1</sup> Қувурни бекитадиган асбоб.

Кўпчиликнинг орасида Давронни ҳам кўрган эдим. Унинг куйган қўли қават-қават бинт билан боғланган ва бўйнига осиб қўйилган эди. Дўхтири уни касалхонага юбормоқчи бўлган, Даврон унамай чодирда ётган эди. Энди чодирда ҳам ётолмай Зулайҳони қидириб келган бўлса керак. Бироқ Зулайҳо мендан кўз узмасди. Давроннинг эса ғаши келарди. Ҳозир у нима қилаётган экан?

Фавворага яқинлашган сарим бу ўйларнинг бир қисми гўё газнинг шамолидан учиб кетди, қолганлари кўнглимнинг тубига чўкиб йўқолди.

Мен ҳали газ чиқаётган жойга бунчалик яқин келганим йўқ эди. Қувур олдида ер шу қадар ларза қиласди, фавворанинг даҳшати шу қадар зўрки, гўё ердан газ эмас, бомбалар оқими узлуксиз портлаб чиқаётганга ўхшайди. Нафас олиш қийин. Энгашиб қўйнимдан очқични олдим ва задвижкага яқинлашдим. Задвижканинг болтларини мўлжалга олиб бораётган эдим, бирдан юзимга салқинлик урди. Айни вақтда, нафасим қайта бошлади.

Мутахассислар айтган эди: фавворанинг тагида ҳаво бениҳоя сийраклашиб қолган, бу маълум даражада салқинлик беради, аммо кишини бўғади.

Бўғилсан ҳам секин илгарилаб бораётган эдим. Ҳавони сўриб олиб ёнаётган алангага бир вақт мени зўр бериб дамига тортса бўладими! Ердан кўтарилаётганимни сезиб, юрагим орқамга тортиб кетди. Аланганинг дамидан четланиш учун қаттиқ силтандим. Саросимада қолиб, ёндош оқимни унутиб қўйган эканман. Силтанниб бориб газга тегиб кетибман. Қаттиқ бир нарса – газ ҳам тез отилганда тошдай қаттиқ бўлар экан – мени хасдай учириб олиб кета бошлади...

\* \* \*

Кейин Баҳромдан эшитдим, Зулайҳо буни кўриб қичқириб юборган. Даврон энди унинг дардига ҳам шерик бўлиб қўлидаги бинтни тишлаган...

\* \* \*

Одам ердан узилса ёмон бўлар экан. Нима қилганимни яхши билмайман. Жон аччиғида яна бир силтанган бўлсам керак. Салъто қилгандай ҳавода дўмбалоқ ошиб қум устига йиқилиб тушибман. Устимга сув сочиб турганлари учун тез ўзимга келибман. Қарасам, икки киши замбил олиб менга қараб югуриб келяпти.

Уларга «қайтинг» ишорасини қилдиму, яна задвижкага қараб кетдим. Очқич ерда ётган экан, уни олдим. Бояги хатарли жойдан эмаклаб ўтдим.

\* \* \*

Қараб турган одамлар энди аввалгидан ҳам ортиқ хавотирланганлар, Баҳром кейин айтиб берди: Зулайҳо титроғини ҳеч босолмаган, Даврон ҳам ҳамма нарсани унутиб, Зулайҳога тасалли бера бошлатан:

— Ҳеч гап эмас. Эсон-омон чиқади.

\* \* \*

Мен буни кўрмайтган бўлсам ҳам, кишининг қалбига қувват берадиган алланарсани ҳис қиласр эдим. Кўнгли яқин кишилар узоқдан туриб ҳам бир-бирла-рига ўз юрак тўлқинларини радио тўлқинлари каби юбориб турадиларми дейман?

Ўша пайтда мен буни ўйлаб кўрадиган аҳволда эмас эдим, фақат нимадир четдан мадад бераётганини се-зардим, холос. Бир томондан ҳаво етишмай бўғилсам, иккинчи томондан аланга мени дамига тортар эди. Бунинг устига зўр бериб ишлашим керак эди. Задвижканинг болтларига очқични солиб, бор кучим билан буарар эдим.

Болт маҳкам экан, ёнбошга ётиб бир-икки урнаб кўрдим, бўлмади. Охири ўзимга номуносиб катта панжаларим иш берди.

Биринчи болт ерга тушди.

Яна бештаси бор.

Задвижканинг юқори четини бояги танкнинг ўқи қувурнинг учига қўшиб хиёл кесиб ўтган экан. Болтларга илиниб қийшайиб қолтан задвижка ёндош оқим чиқишига сабаб бўлибди. Шу болтларнинг ҳаммасини бураб олишим керак. Нафас олиш тобора оғирлашади.

Бир қарич нари-веримдан ўтаётган ўлим ҳавфи билан тинмай олишишга тўғри келди. Баъзан кучларим тамом бўлаётгандай, ҳозир ҳушимдан кетадигандай бўламан... Лекин онгимда ўча бошлаган чироқнинг пилигини гўё кимдир кўтариб қўяди. Яна ишлаб кетаман.

Болтлар битта-битта ерга тушяпти. Охирги болтга қўрқа-писа очқич солдим. Чунки газ оқими болтдан бўшаётган задвижка қолдигини менга олиб келиб уриши мумкин. Шундай босим билан урилган газ ҳам тошдай тегади. Бу-ку, оғир пўлат!

Дармоним кетиб қолган бўлса ҳам, икки кўзим задвихкада.

Бирдан газ оқими очқични ҳам болтга ва ҳалиги пўлатга қўшиб қўлимдан юлиб олди-ю. қаёққадир олиб чиқиб кетди.

Ёндош оқим марказий фавворатга қўшилиб йўқ бўлди.  
Топшириқ бажарилди!..

Мен мадорсиз бир аҳволда ҳавфсиз жойга чиқа бошладим. Кейин тўсатдан алнга ерга, ер осмонга қўшилиб гир-гир айланиб кетди.

Ҳавфсиз жойга чиқиб, «пружиналарим» бўшашибди шекилли, ҳушимдан кетиб қолибман. Бир вақт кўзими очсан, чодирларнинг олдида ётибман. Тепамда – Зулайҳо! Киприкларига икки томчи ёш илиниб қолибди. Лабларида эса табассум...

Икковимиз чодирлар орасидан чиқдик.

\* \* \*

Энди ёнгинни портлатиш қолган эди. Портлатувчи модда Махсус контейнерга жойланди ва вагончага солинди. Саҳар салқинида алнга атрофи яхшилаб совитилди-ю, вагонча темир йўлдан алнга тубига томон фиддиратилди.

Контейнер ўша ёнмай чиқаётган икки метрли қўкиш газга бориб қадалган заҳоти портлаб кетди.

Зўр чанг-тўзон булутдай кўтарилар экан, портлаш тўлқини гўё алангани кесиб ташлади.

Чўл бирдан қоронғилашди. Тонг отаётган бўлса ҳам, кучли ёруғликка ўрганган кўзларимиз ҳеч нарсанни кўрмас эди. Лекин қоронғида бир-биримизни табриклиб, қуchoқлаб, ўпар эдик.

Кундуз куни газнинг йўли ҳам бекилди. Қечга бориб чўл гўё жимиб қолди.

Ўша ҳовуз, ўша куйган темирлар, ўша темирйўл – ҳаммаси бор. Фақат даҳшатли наъра эшитилмайди. Афсонавий дев яна ўз кўзасига қамалгандай!..

Бир четда машиналар гувиллар, тракторлар тариларди. Сўнгги кунларда пайдо бўлган ўт ўчирувчилар шаҳарчаси кўчиб кетмоқда эди.

Пётр Петрович, Баҳром ва мен учовимиз чодирлардан бирини йигиштироқда эдик.

– Шунинг қозиқларини белги қилиб қолдирсак-чи, – деди Баҳром. – Ҳадемай бу ерга газопроводчилар келади.

– Майли.

– Қизиқ, шу қудукнинг гази бир шаҳарни таъминлармикин? – дедим.

– Бир шаҳар нима бўлибди! – деди Баҳром, – Бухородай шаҳарнинг тўртласини таъминлайди!

– Маҳоватдир?

– Йўқ, чин, – деди Пётр Петрович, – Ҳаммаси хисоблаб чиқилган.

– Билдинг? – деди Баҳром тантана қилиб ва қандайдир маршни хиргойи қила бошлади.

Энди, газнинг хуружи енгилгандан кейин, унинг нафлари тўғрисида ўйлаш чиндан ҳам жуда ёқимли эди..,

## 24

Даврон қўли тузалгунча кўринмай юрди-ю, бир кун кечки пайт бизнинг ётоқхонага кириб келди.

– Гапим бор, – деди-да, мен билан Баҳромни чўлга бошлаб кетди.

У бизни муштлашувга олиб бораётганга ўхшарди ва устма-уст папирос чекар эди.

Шаҳарча четидаги дўнгликдан ўтганимиздан кейин Даврон менга қаради ва энтикиб суради:

— Зулайҳо сенга айтганмиди?

— Нимани?

Даврон чаккасида қолган яра изини кўрсатди.

Лекин мен ҳали бу яранинг тарихини билмас эдим.

— Бўлмаса қулоқ сол.

Даврон шу дўнгликда бизни қандай пойлаганидан тортиб, чўлда Зулайҳога қандай ҳужум қилганигача ва ундан қандай зарба еганигача ҳаммасини айтиб берди.

Мен ҳангуд манг бўлиб қолдим. Даврон ҳикоясини тамомлаб:

— Қиз боланинг бунчалик мард бўлишини мен энди кўришим,— деди.— Мендай чапанини енгиб, дуррасини бошимга ўратиб кетиб, яна ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб юрибди-я!

Мен ҳам унга қўшилишиб қойил бўлгим келди. Лекин кўнглимнинг бир чеккасида қандайдир бир губор пайдо бўлди. Бунинг нималигини ҳали билмайман.

Бахромга қарадим. У ҳам жуда таъсирланиб кетган эди.

— Давр қизи дегани шу экан-да!— дерди.— Бўлмаса илгари шунаقا пичоқлардан қанча опаларимиз ҳалок бўлиб кетган. Агар дейман, шуларнинг ҳаммаси Зулайҳодек дадил олишганда ҳозир кўпи тирик юрармиди?

Мен кўнглимдаги губорнинг нималигини энди билдим: Зулайҳо шу вақтгача буни мендан яшириб юрган. Нега? Ҳали ҳам ишончи йўқми?

— Қизиқ,— дедим димоғим куйиб.— Мен билганим йўқ.

— Бу ҳам Зулайҳонинг мардлигидан,— деди Даврон.— Мен тушуниб турибману сен тушунмайсанми? Мард бўлгандан кейин ёмонни ҳам яхшилик билан енгар экан!

Мен Давроннинг кўзларига қарадим. Бу кўзларда адоват эмас, дўстона бир илиқлиқ бор эди. Зулайҳо ўз яхшилиги билан уни менга эл қилган эди, орамизда пайдо бўлган хунук тугунни ечган эди.

Даврон папиросини оғзига келтирад экан, қўли ҳам ҳаяжондан титрарди. Мен негадир унинг билагидаги илон ва ханжарнинг татуировкасини эсладим. Лекин ҳозир бу нарсалар кўринмас эди.

— Шошма,— деб қўлидан олдим.

Куюк излари бор, бироқ қора расм йўқ.

— Ханжарни қидирияпсанми?— деди Даврон ўз билагига мамнун тикилиб.— Ўшанда ҳаммаси куйиб кетибди! Ёнғиннинг бир фойдаси шу бўлди чамамда.

Бирпас жим бордик.

Уфқда каттакон қёш қизариб ботмоқда эди.

Баҳром чўнтағидан ҳарбий билетини олди. Билетдаги қизнинг суратига бир қаради-ю, кейин уни шошимасдан, осойишта йирта бошлади.

— Бу нима қилганинг?!

Баҳром расмни майдалаб шамолга учирди:

— Зулайҳодай қиз бор жойда бу энди ёрқин хотира бўлолмайди.

Даврон тушунолмай:

— Нима?— деб сўради.

— Бу ҳам сенинг татуировкангдай бир нарса эди.

Орқамизга қайтдик. Шаҳарча ҳам, ҳалиги дўнглик ҳам анча узоқда қолган эди.

— Искандар, сенинг ишинг йирик,— деди Даврон менга,— бир зиёфат қилиб бералигансан.

— Э, қара, қара,— деб Баҳром дўнгликни кўрсатди.

Дўнглик устида атлас кўйлак кийган Зулайҳо турар ва бизга қўл сермаб, кимнидир чақирав эди.

— Сени,— деди Даврон менга.

Тўхтаб қулоқ солдик. Шамол Зулайҳонинг овозини олиб келди:

— ... кандар!

Даврон менга шиддат қилиб деди:

— Бор тезроқ. Билиб кўй, бугундан бошлаб биринг дўстимсан, биринг — синглим!

Жадаллаб юриб кетдим. Нарироқча бориб орқамга ўғирилдим. Баҳромлар бошқа ёқса бурилиб кетишаётган экан.

— Бўлти, Даврон, зиёфат менга тан, — дедим. Ҳаммасини ўзим пишираман. Ошпазлик ҳунаримни бир ишга солай!..

Кулишдик. Яна юриб кетдим.

Зулайҳо дўнгликдан секин тушиб менга қараб келар эди.

Ҳаяжон, завқ, қувонч бир-бирига қўшилиб, этим жимиirlаб кетди, хаёлимга ғалати фикрлар қуюлиб кела бошлади.

Дам чўлга қарайман: илгари менга жонсиз ва қашшоқ туюлган бу ерларнинг бутун бойлиги ташида эмас, ичида экан.

Бир газ дарёсининг тошқинини кўрдик. Энди одамлар унинг оловидан баҳраманд бўлганда баъзан бизни ҳам эсларлар. «Зангори оловда шуларнинг юрак ҳарорати бор» дерлар.

Дам яқинлашиб келаётган Зулайҳога қарайман: Мен бу ерларга шу довюрак қизнинг меҳрини излаб келмаганимидим? Энди шу меҳр билан бирга ўзимнинг инсоний қадр-қимматимни ҳам топмадимми? Зулайҳога етиб шунинг ҳаммасини айтиб бергим келди. Лекин у менинг кўнглимда борини сўzsиз тушуниб турганга ўхшарди.

Индамай белидан қучдим. Зулайҳо эркаланиб юзи ни менга яқин келтирди. Ўпишиб кўришдик ва келгуси ойда бўладиган тўйимизнинг маслаҳатини қила бошладик.

1961, 2006 йиллар.

# ҲИКОЯЛАР

---

## ОЛОВ

### АКАЛАР ЁДИ

Ҳаёт билан адабиётнинг бир-бирига нечоғлиқ киришиб кетганлиги кишини баъзан ҳайратта солади. «Мерос» қисса-сида Ёлқин Отажоновнинг ўз укаси Турсунга олижаноб таъсир кўрсаттган пайтларини қаламга олганимда, ўзимнинг катта акам кўп марта ёдимга тушган эди. Ёлқин укаси Турсунни боши устига кўтариб: «Ташаворайми, а, ташаворайми!» деб ҳазиллашганларини мен ўзим ҳам бошдан кечирганман. Кичиклигимда Ҳайдар акам мени боши узра баланд кўтаргандা ер узоқларда қолиб кетгандек ваҳмим келгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўсмирликда мен ҳам катта акамизга кўп тақлид қиласдим. Адабий асарларга қизиқиш, китобга меҳр қўйиш илк бор менга Ҳайдар акамдан ўтган эди.

«Мерос»ни ёзган кезларимда Ҳайдар акам ҳали ҳаёт эди, иккинчи жаҳон урушида қандай жанг қилганлари, қандай ярадор бўлганларини ҳаяжон билан сўзлаб берарди.

Урушдан омон қайтган фахрийларнинг ҳаётлари ғанимат, уларнинг сафлари йил сайин сийраклашиб боряпти. Шуни ўйлаб, Ҳайдар акам бошдан кечирган жанговар воқеалардан бирини «Олов» деган сарлавҳа билан ёзиб чиқсан эдим. Мен акамнинг фашист танклари билан жанг қилаётib кўкрагидан ярадор бўлганини тасвирлар эканман, ўқ изи, унинг асорати абадий битиб кетган деб ўйлар эдим. Лекин ўпкани тешиб ўтган ўқнинг хавф-хатари қирқ йилда ҳам йўқолмас экан. Эски яралар асорати қанчалик бераҳм бўлишини мен бу йил Ҳайдар акам оламдан бевақт кўз юмганида кўрдим.

Энди мен ҳам қаҳрамоним Турсунга ўхшаб, суюкли аками фақат тушларимда кўраман. Унинг улкан ҳаёти ва эллик

Йилдан ортиқ бирга кечган умримиз эртаю кеч күз ўнгимдан ўтиб туради.

Акам ҳаётининг ёрқин саҳифаларидан бирини акс эттирган «Олов» ҳам менга бутун аввалгидан азизроқ туюлади. Мен энди уни Ҳайдар акамнинг хотирасига бағишлайман.

1983 йил, 21 сентябрь.

Фира-шира қоронгилик тушганда дарахтлар орасидан тўпларнинг гумбурлаб отилгани эшитилди. Ҳайдар ака невараси Отабек билан дарахтзорлардан сал народа келаётган эди. Уларнинг тепаларида алланарса патир-путур ёрилди-ю, бирдан кўк, сариқ, қизил мушаклар осмонга отилиб кетди, сўнг гажак бўлиб айланниб туша бошлади.

Узоқда болаларнинг қий-чув кўтариб:

— Ур-ро-о!— деганлари эшитилди.

Ҳайдар ака тўхтади ва тўп отилган томонга тикилиб қаради. Ора узоқ эмас эди. Иккинчи марта ўқ отилганда тўп қувурларининг учидан қип-қизил олов пуркалиб чиққани унга кўриниб кетди.

Кичкина Отабекнинг кўзи осмонда эди. У оловли гулдастага ўхшаган мушакларни иккинчи марта қўрганда узоқда қий-чув қилаётган болаларга жўр бўлиб:

— О-о-о-о!— деб юборди ва қувониб чапак чалди.

Урушда тўпчи бўлган Ҳайдар ака қувурлари осмонга қараб турган тўплардан кўзини ололмас эди. Нимадир уни ўша томонга тортарди. У Отабекни қўлидан олди.

— Тўп отаётган аскарларни кўрсатайми сенга?— деди.

— Қани, қани?

— Ҳў ана, юр!

Бола бобоси бошлаган томонга шошилди. Бироқ дарахтзорларнинг четида милтиқли соқчи турган экан. Уларни нарёққа ўтгани қўймади. Бу орада тўплар яна бир неча марта салют берди.

Ҳайдар ака Отабекни дарахтзор ёнидаги тепаликка бошлиб чиқди. Қатор турган олтита тўп ва уларни ўқлаёт-

ган аскар йигитлар болага энди кўринди. Шамол порох тутунининг ўткир ҳидини олиб келди. Командирнинг:

— Пли!— дегани ҳам эшитилди.

Қатор тўплар бирваракайига шундай қаттиқ гумбурладики, ер силкиниб кетгандай бўлди. Отабек чўчиб тушди. Тўпларнинг оғзидан пуркалиб чиқсан қонталаш олов болага жуда ваҳимали кўринди. У бобосининг тиззасидан қучоқлаб, юзини унинг плашига босди.

Ҳайдар ака неварасининг мурғак бадани титраб кетганини сезди-да, уни дарров кўтариб олди.

— Ҳа, қўрқдингми? Ие, бу салют-ку! Ана, осмонга қара! Мушакларни бирор ҳовучлаб сочаётганга ўхшайди.

Отабек бобосининг кўксига бошини қўйиб, осмонга жимгина тикилди. Кўзлари жавдираиди. Бояги қувончлари энди йўқ. Тўплар яна бир гумбурлаганда киприклиари пирпираб, кўзини юмаб олди.

Ҳайдар ака болани бу ерга олиб келиб тўғри қилмаганини энди сезди. Уни бағрига босиб, тепаликдан тушди-да, жадаллаб нари кета бошлади.

Орқадан эсган шамол яна порох тутунининг унга таниш ҳидини олиб келди. У беш ёшлик тўлагина болани кўтариб тез бораётгани учунми, икки курагининг орасидаги ўқ тешиб ўтган жой зирқираб кетди.

Кейин бундан ўттиз йил олдин бўлған ҳаёт-мамот жанги эсига тушди. Ҳужум қилиб келаётган фашист танклари ва ўзининг уларга қараб тўп отганлари хаёлидан сурон солиб ўта бошлади.

... Осмонни қуюқ тутун аралаш чанг-тўзон қоплаган. Дон дарёсидан беридаги адирлар бомбалар ва замбарак ўқларидан чўтири бўлиб кетган. Душман танклари шу адирдан қулай бир жой танлаб ёриб ўтишга интилади. Лекин уларнинг йўлида бронтешар ўқлар отадиган тўртта зўр тўп турипти. Йигирма ёшли сержант Ҳайдар Носиров шу тўплардан бирининг командири эди.

Атроф яланглик. Адирни чангитиб келаётган йигирмадан ортиқ танк тўпчиларимизга аниқ кўриниб турибди. Батарея командирининг буйруғи билан Ҳайдар ака ўнг қанотда келаётган танкни мўлжалга олиб тўпдан

икки марта ўқ отди. Оралиқ саккиз юз метрча бор эди. Ҳар икки ўқ ҳам тегмади шекилли, четки танк жадаллаб келаверди. Лекин бошқа тўплардан отилган ўқлар ўртада келаётган танкка тегиб, уни ёндириб юборди. Ҳайдар ака ўша четки танкни яхшироқ мўлжалга олиб, яна бир туп отди. Бирдан четки танк унг томонга қийшайиб бурилди-ю, тўхтади. Ўқ мўлжалга теккан эди: танкнинг олд томонидан буруқсаб тутун кўтарилиди. Кўп ўтмай яна иккита танк сафдан чиқди. Фашистлар адирдан ёриб ўтолмасликларини сездилар чамаси, бутун қолган танклар орқага бурилиб қоча бошлади.

Биринчи муваффақиятдан руҳланган тўпчилар фашист танкларининг кетидан ҳам ўқ отардилар. Шунда тўсатдан душман миномётлари уларнинг ўзларини ўққа тутиб қолди.

Тўпчиларимиз танклар ҳужумини қайтариш билан банд бўлган пайтда душман миномётчилари бир тепалик ортидан пусиб чиқиб, бизниkilарни яхшилаб мўлжалга олган экан. Миномётлар адир панасига ўрнашган, уларнинг ўқи эса тепадан ошиб ўтиб, тўғри тўплар турган жойга тушар эди. Тўпчиларимиз олдиндан кавлаб қўйилган хандақларга тушиб бекингунча бўлмай ён-верларида уч-тўртта мина портлади. Бир неча кишига ос-колка тегиб ярадор қилди. Осмонга тўзғитиб отилган тупроқ чангидан ва портловчи модданинг аччиқ дудидан атроф кўринмай қолди. Фашистлар устма-уст мина ёғдиарди. Тўплар тупроқ уюми билан пана қилинган бўлса ҳам, юқоридан тушиб портлаган миналар икки тўпнинг асбоб-ускуна ўрнатилган жойини ишдан чиқарди. Яна бир мина тўғри хандақнинг ичига — наводчи йигит паналаб ётган жойга тушиб, уни ҳалок қилди...

Ҳар бири бир йилдан узун туюлган ўн-ўн беш минутлардан кейин фашист миномётлари жим бўлди. Душман, «бутун батареяни ер билан яксон қилдик», деб ўйлаган бўлса керак.

Лекин батарея командири ва кўпчилик тўпчилар соғ қолган эди. Фақат ҳаммалари тупроққа белангтан, юзларига қалин чанг ўтирган, кўзлари зўрга кўринарди.

Командир жангчиларни тўплаб, аввало, ярадорларга ёрдам кўрсатишни буюрди. Ҳайдар ака сафар халтасини тупроқ тагидан тортиб олди-да, бинт топиб, осколка теккан бир тўпчининг ярасини боғлашга тушди. Шу пайт командирнинг:

— Танклар!— деган хитоби эши билди.— Сержант Нодиров, тупга!

Тўпларнинг иккитаси ҳали отишга яроқли эди. Шулардан бири Ҳайдар аканинг тўпи эди. У тўпнинг олдига чопиб бораётиб, душман танкларини кўзлари билан қидириб топди.

Танклар боягидан сийракроқ, лекин ҳали ҳам ўн бештacha бор. Энди улар рўпарадан эмас, қаршидаги адирнинг чап томонидан айланиб ўтиб келмоқда. Барибир улар тўп турган жойдан жуда яққол кўринади. Ҳайдар ака энг олдинда келаётган танкни мўлжалга олди.

Фашистлар кутмаган бир пайтда бронтешар тўплар яна кетма-кет отила бошлади. Олдинда келаётган танк ёнишга тушди. Кейин яна биттаси ишдан чиқиб тўхтади. Учинчисининг гумбазига ўқ тегиб, қийшайиб қолди. Душманлар бу гал ҳам ёриб ўтолмасликларини сезиб, яна орқага чекиндилар. Шу заҳоти фашист миномётлари аввалгидан бир неча баробар ортиқ ғазаб ва шиддат билан батареямизни ўққа тутди. Ҳайдар ака ҳам хандаққа тушиб, ерга қапишиб ётган эди. Битта мина ундан салгина баландда — хандақнинг лабида портлади. Хандақ чети ўпирилиб, Ҳайдар аканинг устига тупроқ уюми босиб тушди. Шу заҳоти эриган пўлат парчалари — осколкалар унинг устидаги тупроққа келиб парт-пурт урилди. Қалин тупроқ уни ҳимоя қилмаганда, бу осколкалар баданини илма-тешик қилиб ташлаши мумкин эди. Лекин зилдай оғир тупроқ уюми тагида унинг нафаси қайта бошлади. У бир силтаниб тупроқ тагидан чиқди.

Фашистлар ҳамон мина ёғдирмоқда эди. Батарея командири бекиниб ётган жойида елкасидан яраланди. Қолган икки тўпга ҳам мина тегиб, отиб бўлмайдиган аҳволга келди. Душман ярим соатлар давомида тинимсиз мина ота-ота, ахири сукутга кетди.

Шундан кейин душман танклари учинчи марта хужумга ўtdи. Улар тўпларнинг ишдан чиққанини пайкашиб, тўғри батарея устига бостириб келмоқда эди. Ярадор командир ўрнидан туролмади.

— Сержант Нодиров! Батарея командирлигини сизга топшираман! — деди. — Танкка қарши қуролларни ўқланглар!

Ҳайдар ака бу қуроллардан бирини ўзи олди. Учтасини бошқа жангчиларга берди. Қувури узун милтиқсимон қуролнинг айри оёгини хандақнинг четига маҳкам ўрнатишди. Ўртага бир кути бронтешар ўқ келтириб қўйилди.

Фашист танклари таҳдид солиб яқинлашмоқда эди. Танкка қарши қуроллар тилга кирди. Жангчилар ҳар ўқ отганда милтиқсимон қуролнинг қўндоғи орқага кетиб, елкага қаттиқ уриларди. Фашист танкларидан яна иккитаси шикастланиб тўхтаб қолди. Лекин бошқалари тобора жадаллаб келмоқда эди.

Бир пайт орқа томонда ҳам танк моторининг гуриллаши эшитилди. Ҳайдар ака ўгирилиб қараса, орқадан икки баробар кўп танк бостириб келяпти. У «куршовда қолдикми?» деб ўйлаб вужуди музлаб кетди. Лекин жангчилардан бири орқадаги танкларнинг минорасидаги белгини кўрсатиб:

— Бизникилар! — деб қичқирди.

Ҳайдар ака умрида бунчалик қувонган эмас эди.

Душман танклари орқага бурилиб, қочишга тушди.

Танкларимиз кетидан автоматчилар ҳам атакага бормоқда эдилар. Ҳайдар ака хандақдан сакраб чиқди-да, четки тўп олдида турган автоматни қўлига олди.

У ҳозир шунчалик қизишиб кетган эдики, кўзига хавф-хатар кўринмас, чарчаганини ҳам сезмасди. У миналардан ҳалок бўлган ва яраланган жанговар ўртоқлари учун ўч олишни истарди. Шунинг учун учта тўпчи ни ёнига олди-да, фашист миномётлари жойлашган томонга югурди. Танкларимиз ҳам ўша томонга бормоқда эди. Адир ортида паналаб ўтирган фашистлар миномётларини ташлаб қоча бошладилар. Ҳайдар ака автоматини уларга тўғрилаб, икки фашистни отиб қулатди.

Лекин тўсатдан ўнг кўкрагига бир нарса шундай қаттиқ урилдики, кўзларидан «лоп» этиб олов чиқиб кетгандай бўлди. Даҳшатли оғриқ бутун вужудига тарқаб, елкаси аралаш кўкрагини гўё ёндириб юборди. Гандираклаб йиқилаётганда еру осмон бир-бирига қўшилиб ота-онаси, уйда қолган ёшгина хотини яшин тезлиги билан кўз олдидан ўтди...

Ҳайдар аканинг кўкрагига портловчи ўқ теккан, ўпкани тешиб ўтиб икки куракнинг ўртасидан муштдай этни ўпириб чиқиб кетган эди. У ҳар нафас олганда ўпканинг ўқ тешиб ўтган жойидан вишиллаб ҳаво чиқарди. Медсанбатда хушига келди. Қараса, тепасида елкаси қалин бинт билан боғланган батарея командири турибди ва оқ ҳалатли ҳарбий врачга қараб:

— Наҳотки кутқариб бўлмаса?— деялти.— Биласизми, сержант Нодиров бугун тўртта фашист танкини сафдан чиқарди. Мен уни мукофотга тақдим этмоқчи эдим!

— Сержантнинг ҳаётини қутқариб қололсак, энг зўр мукофот ана шу бўларди. Лекин...

— Нима, умид йўқми?!

— Бу ерда имкони йўқ. Кавказ узоқ эмас. Самолётда жўнатиш керак...

Ҳайдар ака яна ҳушидан кетди. Кейин бир вақт учиб бораётган самолётда ўзига келди.

Ўша пайтларда ҳамма курортлар жангчиларни даволашга хизмат қиларди. Ҳайдар акани Кисловодскка олиб келиб, уч ой даволадилар...

Ҳайдар ака шифокорларнинг муолажасига ҳам, Кисловодскнинг суви билан ҳавосига ҳам ҳалигача қойил бўлиб юради. Чунки у ўшанда соғайиб чиққандан кейин яна кўп жангларга қатнашди. Урушдан кейин, мана, ўттиз йилдан бери ўқитувчилик қиляпти. Бир неча бўғин ёшларни тўртинчи синфдан ўнинчини битиргунча ўқитиб, учирма қилди. Лекин ўша оғир яра бирор марта қайта очилгани йўқ. Фақат аҳён-аҳёнда яра изи ҳозиргида зирқираф кўяди-ю, ўтиб кетади.

Бугун шу зирқираш таъсирида ва «уруш худоси» деб аталадиган тўплар яқинида жанговар кунларини бир

эсига олган Ҳайдар ака Аңдор бўйига келганда неварасини секин ерга қўйди.

Бу орада салют тугаган, осмонда мушаклардан қолган оқиши турун сузиб юрарди.

Ҳайдар ака Отабекнинг устига энганиб, кулимсиради:

– Бўпти, сени энди тўпларга яқин олиб бормайман. Яна салют бўлганда узоқдан томоша қиласан. Осмонга рант-баранг олов отилиб чиққанини кўрсанг, бас. Ҳўпми?

– Отабек жиддий бош иргаб, «хўп» деган бўлди. Ҳайдар ака унинг алланечук ўзгариб қолганини кўрди-ю, уруш оловини кечиб ўтган болаларга қанчалик қийин бўлганини ўйлади. Сўнг бу қийинчиликлар узоқларда қолиб кетганини ич-ичидан қувониб ҳис қилди.

Отабек анча жойгача жим борди. Ҳайдар ака: «Болани салютдан бутунлай совутиб қўймадиммикин?» – деб хавотирланди.

Лекин орадан бир неча ой ўтиб, ракета қўшинлари шарафига салют берилган куни оқшом Ҳадар ака неврасини ҳовлида:

– Ур-ро-о-о-о! – дебчувиллашаётган болаларнинг орасида кўрди.

Осмонда ҳар гал оловли гулдаста пайдо бўлганда Отабек унга қўлини чўзиб, завқ-шавқ билан:

– О-о-о-о-о! – дерди. Ҳайдар ака ичида: «Ҳайрият, – деб суюниб қўйди. – Ишқилиб, «уруш худоси»нинг мана шунаقا оловли гулдастларидан завқланиб юргин-у, лекин унинг биз кўрган бошқа оловларини сен сирам кўрмагин, болам!»

1975 йил

## ИЛИНЖ

Менинг икки опам уруш даврида Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган эрларига салоқат сақлаб, бошқа турмуш қуришмади. Бири икки ўғилни, бири уч фарзандни отасиз ўстириб одам қилишди. Бундай оналар ҳар бир қишлоқда, ҳар бир шаҳарда бор. Мен шу ҳикоя орқали уларнинг ҳаммасига чек-сиз эҳтиромимни изҳор қўлмоқчиман.

Муаллиф

Кечаси соат иккиларда дарвоза тақиллади. Айвонда ётган Алишер қаттиқ ухлаб қолган экан, тезда уйғонмади. Дарвоза қаттиқроқ тақиллагандан кейин ички уйнинг эшиги фийқиллаб очилди-ю, Иқбол опа айвонга чиқди. Алишер энди уйғонди ва сапчиб ўрнидан турди. У қоронгиде апил-тапил кийинар экан, дарвоза томонга:

— Ҳозир!— деб кўйди.

Иқбол опа ички бир титроқни босишга тиришиб:

— Тезроқ қара-чи, даданг эмасмикан?— деди.

Алишер уйқули товуш билан қайтариб сўради:

— Ким дейсиз?

— Даданг!

Алишер таажжуб билан:

— Қизиқсиз-а, ойи!— деди-да, айвондан тез тушиб, дарвозахонага қараб кетди.

Алишернинг дадаси Умаржон ака урушда бедарак йўқолиб кетганига ўттиз йилдан ошиб боряпти.

Иқбол опанинг энг кўрқсан нарсаси — «қораҳат». Бедарак йўқолиш, ҳар қалай, ундан берироқдай туюлали. У эрининг тўсатдан кириб келиб қолишини кутади, кечалари дарвоза тақиллаб қолса, юраги ҳаприкиб, болаларига «даданглар эмасмикан?» дейишини қўймайди.

Алишер ҳам кичиклигига ойисига ўхшаб, доим дадасининг йўлига кўз тикиб юрар эди. Лекин ёши улғайгандан кейин отасининг тирик қолганига шубҳа қила бошлади. Агар у тирик бўлса, ўттиз йилдан бери суюкли хотинини, гулдай фарзандларини қидириб толиб келмасмиди?! Ёки дунёнинг нариги четида бўлса ҳам биронта дарак, бирон энлик хат юбормасмиди?!

— Бу урушда нималар бўлмаган!— дерди Иқбол опа ўғлига.— Даданглар ярадор пайтида асир тушган бўлса, чет мамлакатларга олиб кетиб қолишганми? Бошига бирон кўргилик тушган бўлса, «болаларим иснодга қолмасин», деб атайдан жим юрганмикин? Бирор кун ўзини оқлайдиган яхши иш қилса, йўли очилиб, келиб қолармикин?

Бу тахминлар Алишерда мураккаб, чигал уй-хаёллар уйғотар эди. Алишер бу чигалликлардан безгандан дадасининг жанг майдонида ҳалок бўлганини исботлашга интиларди. У Москвада бедарак йўқолган жангчиларни қидириш билан шуғулланадиган маҳсус идора борлигини эшишиб, ўша ерга бир неча марта хат ёзди. Отасининг сўнгги суратлари, хатлари, адресларидан нусхалар кўчиртириб юборди. Қидирув гоҳ юришиб, гоҳ тўхтаб, бир неча йилга чўзилди. Ниҳоят, бултур кузда Москвадан келган жавобда Умаржон Раҳимов хизмат қилган ўқчи ротанинг кўпчилик жангчилари Farbий Украина-нинг Тернополь шаҳри учун олиб борилган оғир жангларда ҳалок бўлганлиги айтилган эди. Умаржон Раҳимов ҳам шулар қаторида ҳалок бўлгани тахмин этилган, лекин бунинг аниқ ҳужжатлари топилмаган эди. Чунки Тернополь бир марта озод қилингандан кейин яширин босмачи – бендерачиларнинг хиёнати туфайли шаҳар яна вақтинча душман қўлига ўтган, ўшанда жуда кўп ҳужжатлар нес-нобуд бўлиб кетган эди.

Ҳужжатлар бўлмаса, балки тирик одамлар бордир? Алишер энди шу савол билан Тернополь шаҳар идораларига, ҳатто ёшлар ташкилотларига – ёш изтопарларнинг отрядларига хатлар ёзди. Натижа чиқмади. Келган жавобларнинг бирида бу чигал муаммони хат орқали ҳал қилиш қийинлиги, бедарак йўқолган жангчиларнинг белгиларини яхши биладиган одам ўзи келса бирон дарагини топиши мумкинлиги айтилган эди.

Ким боради? Иқбол опа ўттиз йил фабрикада ишлаб, яқинда пенсияга чиқсан. Лекин унинг соғлиғи ёмон. Қанд қасали дармонини кетказиб қўйган. Қон босими ошиб кетган. Шу аҳволда борса-ю, тўсатдан эрининг қабрини топса, сўнгги илинжидан ҳам айрилиб, адойи тамом бўлмайдими?

– Мен ўзим бораман, – деди Алишер.

Бунга опаси Маҳфузा кўнмади:

– Сен дадамни эслолмайсан. Чақалоқ эдинг. Одамлар бирон белгисини сўраса нима дейсан! Мен дадами кўрганман. Мен бора қолай...

Маҳфуза жўнаб кетганига, мана, бугун саккиз кун бўлди. Шунинг учун дарвоза тақиллаганда Алишернинг хәёли дарров оиласига кетди.

Дарвозахона йўлагини оқиш «Запороже» банд қилиб туради. Алишер машинанинг чап ёнига ўтиб, қоронғида электр чироқнинг тұгмасини пайпаслаб топди. Йўлакда чироқ ёнгандан кейин ташқаридан кекса бир одамнинг:

— Телеграмма!— деган хирқироқ товуши эшишилди.

Алишер дарвозанинг бир табақасини очди-да, чироқ ёруғида телеграмманинг квитанциясига қўл қўйиб берди.

Бу орада Иқбол опа ҳам рўмолини бошита солиб, айвондан дарвозахона олдига тушиб келди.

Алишер қатлаб бекитилган телеграммани чироқ ёруғига солиб, сабрсизланиб очди.

«Қидирганим топилди. Киевдан кечки рейс билан учаман. Тошкент вақти билан соат учда кутиб ол. Маҳфузса».

«Топилди» деган сўз Алишерни энтиклириб юборди. У ойисига томон ўтирилиб, кўзлари ялтираб:

— Опам!..— деди.

— Нима депти? Дадангнинг дарагини топибдими?

— Топганга ўштайди!

— Вой худоим-эй! Қаерда юрган эканлар? Нега шу вақтгача келмас эканлар?!

Иқбол опа эрининг тирик топилганига ишониб гапирмоқда эди. Алишер буни сезиб бирдан хавотирланди. Балки Маҳфуза оталарининг ... қабрини топгандир. Опа-ука сўнгги пайтда оталарининг ҳалок бўлганига шубҳа қилмай қўйишган эди-ку. Ахир тирик одам шунча йилдан бери Тернополда жим ўтиралими? Лекин ойиси буни ўйламайди. Агар у «тирик топилибди» деб астойдил ишониб қолса-ю, кейин бунинг акси бўлиб чиқса, касали баттар оғирлашади.

— Ойижон, сиз дарров ишонаверманг!

— Ҳа, нега энди?

— Сал ўйлаб кўринг ахир... Опам келсин, анигини айтади.

— Қачон келаркан?

— Тунги учда. Ҳозир неча бўлдийкин?.. О, қирқ минут қолипти!.. Мен тезроқ чиқишим керак!

Алишернинг ёшгина хотини ҳам уйғонди ва шоша-пиша кийинди. «Запорожец» вағиллаб, дарвозахонадан кўчага орқаси билан юриб чиқди. Иқбол опа ўғли билан келинини аэропортга кузатди-ю, айвонга қайтиб келди.

Бир-биридан кичик уч бола айвонда пишиллаб ух-лаб ётибди. Осмонда кемтик ой сузиб юрибди.

Иқбол опа ўзи турадиган ичкари уйга кирди-ю, тўрдаги эски сандиқнинг олдига борди. Сандиқнинг устида қатланиб турган баҳмал кўрпаларни пастга олиб кўйди. Сўнг токчадаги михга осиғлиқ қалитни олиб, сандиқнинг қулфига солди.

Сандиқ майин оҳанг чиқариб, жиринглаб очилдида, унинг ичидан қалампирмунчоқнинг ҳиди келди. Умаржон ака қалампирмунчоқни яхши кўрарди. Баъзида унинг бир-икки донасини оғзига солиб, тишларининг орасида айлантириб юрар, гапиргандга нафасидан ҳам қалампирмунчоқнинг ҳиди келарди. Шу эсида турган Иқбол опа унинг кийимларини, хатларини қалампирмунчоқ билан бирга сақлар эди.

Мана, Умаржон ака бундан ўттиз икки йил олдин кийган сариқ жужунча кителъ-шим, ёқаси билан енгига ироқи кашта тикилган кўйлак, хиром этик... Умаржон ака фронтдан ёзган хатларида: «Икки ёш болани боқиши сенга осон эмас, уйдаги буюмларни аяма, керак бўлса, менинг кийимларимни ҳам сотиб, егулик ол, омон бўлсан нарса топилади, ўзингни, болаларни эҳтиёт қил!» деб тайинлар эди. Иқбол опа ўзининг сепларини, тақинчоқларини сотганда ҳам, эрининг ҳамма кийимларини асраб юрар, ҳар йили бир-икки мартадан шамоллатиб, яна тахлаб қўярди. Алишер бўй етиб катта йигит бўлгунича жужунча кителлар, ёқаси кашталик кўйлаклар модадан қолди. Ҳозир меъмор бўлиб, лойиҳалар чизиб юрадиган Алишер отасининг хиром этигини ҳам киймади. Таъба, ҳозирги зиёлилар нега этик кийишмай-

ди? Умаржон aka ҳам ўқитувчи эди-ку. Мактабда ботаникадан дарс берар эди, лекин этик кийиб юрар эди.

Майли, сандиқдаги кийимлар расмдан чиққан бўлса ҳам, агар Умаржон aka келса, Иқбол опа буларни эрига албатта кийдиради.

Сандиқда чиройли бир най ҳам турибди. Қашқар гаровидан ишланган бу найнинг нафис кумуш ҳалқалари ўзига ниҳоятда ярашган. Найнинг бир учидаги кумуш қуббачаси майдада кўкиш феруза билан безатилган.

Умаржон aka шу найда баъзан «Наво»ни, баъзан «Дугоҳ»ни, баъзан Иқбол опа отини билмайдиган ғалати куйларни чаларди. Шунда бутун борлиқ завққа тўлиб, эриб кетгандай бўларди. Ҳозир ҳам гўё най бирдан тилга кирди-ю, уни чалаётган эри Иқбол опанинг кўзи олдида гавдаланди. Умаржон aka найнинг тешигига лабини тўғрилаб, оғзини хиёл очиб, куй чалганда унинг оппоқ тишларида аксланган нурнинг шуъласи кумуш ҳалқачаларда билинар-билинмас жилваланарди. Ҳозир мана шу жило найда яна кўриниб кетгандай бўлди. Умаржон aka найда чалган қуйлар энди гўё Иқбол опанинг қалбидан эшитила бошлади. Унинг кўнглида ҳам мана шу най пардаларига ўхшаш нафис, гўзал торлар бор эди-ю, буни фақат Умаржон aka чала оларди.

Эри урушга кетгандан бери Иқбол опа бу найни ҳеч кимга берган эмас. Най ўттиз икки йилдан бери сукут сақлайди. Иқбол опанинг қалбидаги муҳаббат туйғуси ҳам ҳамон Умаржон акага мунтазир...

Умаржон aka шу кийимларини кийиб, най чалиб юрган пайтларида йигирма уч яшар йигит эди. Иқбол опа эса энди йигирмага кирган келинчак эди.

Ўша масъуд дамлари мана шу кийимларнинг қатида, қалампирмунҷоқнинг ҳидига қўшилиб, найнинг сиртида жилваланган шуълаларга айланиб, ҳамон тирик турибди. Рост, Иқбол опа ҳозир пенсияга чиққан, невара кўрган кайвони. Лекин унинг қалбida ўттиз икки йиллик ҳижроннинг ҳаққи турибди, шунча йилларнинг сарфланмаган нафис туйғулари қатланиб ётибди. У бирлаҳзага бўлса ҳам яна йигирма ёшга қайтишни хоҳдай-

ди, суюкли эри билан бирга ўттиз-қирқлардан такрор ўтишни истайди.

Фақат бу истакнинг амалга ошиши учун Умаржон aka қайтиб келиши керак. Зора ҳозир болалари билан бошлишиб кириб келса!

Маҳфузада телеграммада «топдим» депти-ку. Дадасини топмаса шундай дермиди?

Иқбол опанинг қалбидаги шунчак йилдан бери яшаб келган илинж бирдан ишончга айланди. У электр дазмолни қўйди. Сўнг Умаржон aka келса киядиган нарсаларини сандиқдан олиб, дазмоллай бошлади...

\* \* \*

Саҳар паллада кўчада «Запорожец»нинг мотори валиллагани эши билди. Иқбол опа шоша-пиша ҳовлига чиққан эди, дарвозадан Маҳфузада кириб келди. Она-бона қучоқлашиб кетдилар. Иқбол опа қизининг юзига юзи ни босди. Шунда Маҳфузанинг юзи куз ёшидан нам эканини сезди-ю, юраги «шиғ» этди.

— Қалай бориб келдинг? Дадангни топдингми, йўқми?

— Дараклари топилди, ойи...

Алишер машинасини дарвозахонага киргизиб, ундан тушди-да:

— Юринглар, уйга кириб гаплашайлик,— деди.

Унинг кўриниши ҳам алланечук маъюс эди. Опаси самолётдан тушгандан бери айтиб берган ҳодисалар, ўттиз йил олдинги шафқатсиз урушининг тафсилотлари уни даҳшатта келтирган эди...

Тернополь шаҳри бендерачилар ёрдамида иккинчи марта фашистларнинг қулига утган куни кечаси Умаржон aka олти хонали бир уйга ўз бўлинмаси билан бекиниб олиб, охирги нафаси қолгунча жанг қилган экан. Бўлмаса, улар ҳам битта қолмай ҳалок бўлар экан. У бу уйда турадиган аёллар билан болаларни орқа томондаги деразадан тушириб, қочиртириб юборган экан. Бўлмаса, улар ҳам битта қолмай ҳалок бўлар экан. Чунки фашистлар Умаржон акалар бекинган уйни оғир танк билан қулатиб, устидан босиб ўтган экан...

Тернополь душмандан иккинчи марта озод қилингандан харобалар остида жон берган жангчилар жасади кавлаб олиниб, биродарлар мозорига дафн этилган, аммо уларнинг кўпларини таниб бўлмаган, номлари аниқланмай қолган экан...

Фақат Умаржон ака орқа деразадан қочириб қутқарған болалардан бири уни яхши эслаб қолган экан. Шу уйда бир неча вақт бирга турганларида Умаржон ака ўзининг ўзбекистонлик эканини, Тошкентда бир ўғил, бир қизи борлигини айтган, бу гап боланинг ёдида қолган. Ҳозир бу бола – қирқ ёшдан ошган ўқитувчи экан. Тернополлик изтопарлар Тошкентдаги Алишер-нинг хатини олиб, унинг отасига оид хужжатларни қидириб юрганларини шу мактабда ишлайдиган ҳалиги ўқитувчи эшитиб қолади.

Қорамагиздан келган, қошлари ингичка, қийиқ кўз Маҳфузга отасига жуда ўхшаш эди. У отасини қидириб боргандан кейин, ҳалиги ўқитувчи бир қараашдаёқ Умаржон акани эслайди. Ҳатто уни жангчилар «Умар» деб атагани ҳам энди ёдига тушади. Умаржон ака деразадан қочириб, қутқариб қолган аёллардан яна бири шу шаҳарда яшар экан. Кейин ҳаммалари ҳарбий комиссариатга бориб, Умаржон Раҳимовнинг қандай ҳалок бўлгани, ўлими олдидан қандай жасорат кўрсатгани ва қаерда дафн этилгани ҳақида гувоҳлик берадилар. Умаржон ака шаҳар марказига – улуғвор мармар обида қўйилган саксон кишилик биродарлик қабрига дафн этилган экан. Лекин унинг кимлиги, қандай ҳалок бўлгани ҳалигача аниқланмагани учун мармарга ёзилган номлар орасида унинг номи йўқ эди. Маҳфузга шаҳар ташкилотларига учрашиб, мармар обидага отасининг номини ёздириб қайтди...

Ҳозир аэропортдан келаётиб, у бунинг ҳаммасини укаси Алишерга айтиб берар экан, кўзига қайта-қайта ёш олди. Алишер унга:

– Ўзингизни босинг, опа, ойимга ёмон таъсир қилали, – деб бир неча марта айтди.

– Қандоқ қилас? Тернополда юрганимда ҳам ҳеч кўз ёшимни тўхтатолмадим. Кўчадаги одамлардан уял-

ганимдан қора кўзойнак тақиб юрдим. Баъзида кўзой-накнинг тагидан ҳам ёш оқиб тушаётганини сезиб, рўмолча билан артиб оламан.

— Лекин... ҳалиги... — Алишернинг ҳам ўпкаси тўлиб, зўрға гапирди:— ҳалиги... харобалар остида қолиб кетганинни ойимга айтманг.

— Жинни бўлмани?..

Ҳозир Маҳфузга ойиси билан ичкари уйга кирганда сандиқ яна очилганини, дадасининг ёқаси кашталик кўйлаги силлиқ қилиб дазмоллаб қўйилганини кўрди-ю, телеграммада «топдим» деб ёзганидан пушаймон бўлди. Иқбол опа ундан хушхабар кутиб, кўзлари жавдираб турибди. Маҳфузга ойисини қучоқлаб, йиғи аралаш:

— Ойижон, сизга қувват берсин, мард бўлинг!— деди.

Иқбол опанинг ранги оппоқ бўлиб кетди. Қизининг кучогидан сирғалиб чиқди-да, бўшашган, синиқ товуш билан:

— Нима... Даданг... энди йўқми?..— деди.

— Нега?.. Дадамнинг руҳлари ҳамиша тирик! Дадам охиригача мардона туриб берган эканлар. Қанча болаларни оналари билан кутқариб қолган эканлар.

Иқбол опа инграгандек бир товуш билан:

— Мен-чи?— деди. Мени бу беваликдан энди ким кутқаради?

Иқбол опанинг оғзи бирдан қуруқшаб, боши гир-гир айланса бошлади. Ойисининг касалини яхши биладиган Маҳфузга:

— Ойижон, мунча қаттиқ олманг, ўзингизни босинг! — деб уни секин диванга ўтқазди.

Иқбол опа дазмоллаб қўйилган ёқаси кашталик кўйлакка қаради. Энди буни ҳеч ким киймайди! Шунча йилдан бери сандиқда асралган этик ҳам ҳеч кимга кепрак эмас! Кумуш ҳалқали найни Умаржон ака энди ҳеч қачон чалмайди... Бу даҳшатли ўйдан Иқбол опа йигла-моқчи бўлди, лекин кўзига ёш келмади. Томоғидан бир нарса бўғиб олган, ҳаво етишмаётгандек қийналар эди.

Алишер тез ошхонага чиқиб, бир пиёла сув олиб кирди. Маҳфузга ойисига сув ичирди. Кейин уни каравотга ётқизди.

Келинлари шифокор эди, дарров шпризни қайна-тишга кўйди. У қайнанасига укол қилиб ўрганиб қолган эди. Аввал қон босимини туширадиган, юракни тинчтадиган укол қилди. Кейин нонуштага яқин инсулин укол қилди.

Иқбол опа уч-тўрт кун ўтгандан кейин хиёл ўзиға келди-ю, Маҳфуздан сўради:

- Дадангнинг сурат-пуратлари йўқ эканми?
- Суратларини тополмадим.

Узоқ жимлиқдан сўнг Иқбол опа яна сўради:

- Ўз қўли билан қабрга қўйган одам бор эканми?..
- Билмадим... Мен унақа одамни кўрганим йўқ.

Алишер ойисининг бу саволлари тагида қандайдир маъно борлигини сезди. У эрининг ўлганига яна шубҳа қилмоқда эди. Тўғрироғи, «Умаржон акам бир кун эмас, бир кун келиб қолади», деган ўттиз йиллик илинж Иқбол опанинг қалбida яна уйғонмоқда эди. Бу илинжнинг тагида қанчалик катта меҳр, қанчалик чексиз садоқат борлигини Алишер энди сезмоқда эди. Бунинг ҳаммаси – ҳаёт-мамот урушида бизга ғалаба келтирган улуғ туйғулардан эканига ҳам унинг энди ақли етмоқда эди. Шунинг учун онасининг қалбидаги илинжни энди асраб-авайлагиси келди.

– Ким билади, ойи, «ўлди» деб қораҳат келганларнинг қанчаси тирик қолган-ку. Балки дадам ҳам тўсатдан келиб қоларлар...

Бу гаплар Иқбол опага ёқиб, ёстиқдан бошини кўтарди, заифгина кулимсираб:

– Тавба! – деб қўйди. – Фабрикада... аскарларга кийим тикиб юрганимда бир жувон билан ўртоқ бўлиб қолган эдик. Икковимиз ҳам илғор эдик. Газеталарда расмимиз чиққан эди. Шу дугонамга бир кун қораҳат келди... Бечора эридан айрилиб роса йиглади, аза тутди. Боласи йўқ эди... Урушдан кейин бошқа эрга тегди... Бир кун эшитсан, урушга кетган эри тирик экан, тўсатдан кириб келибди... Дугонам пушаймон, армон қилиб йиғлайди...

Шу-шу Маҳфуз ҳам, Алишер ҳам оталарининг ўлимини оналарининг олдида тилга олмайдиган бўлдилар.

Иқбол опа бир ҳафта кўрпа-тўшак қилиб ётди. Келини унга ҳар куни керакли уколларни қилиб, иссиқ-совуғига қараб турди. Кейин у ўрнидан туриб кетди.

Бир кун ярим кечада яна дарвоза тақиллади. Иқбол опа буни яна ўғлидан олдин эшилди-ю, Алишерни уйғотиб:

— Қара-чи, даданглар эмасмикан?— деди.

Дарвозани қўшнилардан бири тақиллатган экан. Алишер қайтиб келиб, пиджагини елкасига ташлади-да:

— Акбарнинг хотинини тўлғоқ тутиб қолибди, туркуҳонага олиб боришим керак экан,— деди.

Иқбол опа секин бир «ух» тортди, лекин ўзини бардам кўрсатиб:

— Майли, болам, тезроқ олиб бора қол,— деди.

Алишер дарвозани очиб, машинасини кўчага олиб чиқар экан, кўнглида ёруғ бир туйғу пайдо бўлганини сезди. Ҳозир унга ҳам гўё отаси урушда ўлмагандек, эрта-индин дарвозани тақиллатиб келиб қоладигандек туюларди...

1975 йил

## ЖОН ШИРИН

Қиши кунлари эди. Юмшоқ вагонда одам кам. Поезд Тошкентдан чиққанда бир купеда икки киши эдик. Нотаниш ҳамроҳим пастки ўринлардан бирини эгаллади. Мен юқориги сўрига чиқиб чўзилдим. Ҳаво жуда майин, деразадан офтоб тушиб турар, далалар сукутга чўмиб ётар эди. Фиддиракларнинг бир қиёмда тарақлаб, тебратишидан кўзим илинибди. Бир вақт девор қатига кириб кетадиган ойнали эшик фириллаб очилди. Тирноқлари кўмир юқидан қорайган вагон оғасининг кўли кўринди, аллакимга:

— Киринг!— детан товуш эшилди.

Қизил кўйлак, қора баҳмал тўн, амиркон маҳси кийган, оқ тивит рўмолини юзига бостириб ўраган бир аёл уч-тўрт ёшлардаги болачани етаклаб секин кириб

келди. Пастки ўринда чалқанча ётиб газета ўқиётган ҳамроҳим одоб билан ўрнидан турди.

Жувоннинг кетидан габардин макинтош, қоракўл телпак кийган барваста бир киши келмоқда эди. У осто надан ўтар-ўтмас, мен билан ҳамроҳимни кўрди-ю, чўчиб тўхтади.

— Иҳ! — деб вагон оғасига ўгирилди: — Одам бор-ку!  
Бу ер бизга бўлмайди.

— Нега? Иккита ўрин бўш! — деди вагон оғаси тааж-  
жуб билан.

— Йўқ, — деди барваста киши ва хотинига қараб «бу  
ёққа чиқ!» ишорасини қилди.

Хотини индамай боласини етаклаб чиқиб кетди.  
Мен, хотинини қизғанадиган тоифадан экан, деб ўйла-  
дим. Уларни бошқа купега жойлаб келган вагон оғаси  
ҳам эшикдан бош суқиб:

— Энди хафа бўлмайсизлар, меҳмонлар, — деди.—  
Ҳалиги акамга рашқдан худо берган экан.

Мен пастга тушдим.

— Нима, хотини жуда чиройли эканми?

— Э, унақа ҳурлиқолардан эмас. Эрига қараганда ўн  
беш-йигирма ёш кичик кўринади. Акам шунга чўчили-  
ларми, билмадим.

Ҳамроҳим қўлларини шимининг чўнтакларига ти-  
қиб, деразадан ташқарига қараб турган эди, бирдан  
биз томонга кескин ўгирилди. Шунда унинг юзи алла-  
нечук қизариб, кўзи қаҳр билан қисилгандай кўринди.  
У вагон оғасига тикилиб:

— Ўша одамни чўчитган бошқа сабаблар ҳам бор!—  
деди.

— Ие, а... сиз уни билармидингиз?

— Ҳа, у ҳам мени таниди. Ҳе, бу Мамадали Болта-  
боев бир вақтлар бизда туман раҳбари эди. Ўша пайт-  
ларда бу одам мени йўқ қилиб юбормоқчи бўлган эди.  
Бугун қарасаки, мен ҳали борман...

Ҳамроҳимнинг сўzlари мени жуда қизиқтириб қўйди.  
Ёши энди ўттизларга борган бўлса ҳам, боши бир оз  
тепакал бўлиб қолган, аммо юз-кўзида болаларча бир

соддалик ва беғуборлик сезилиб турган бу йигитнинг оти Музаффар экан. Ўзи ҳозир туман қасалхонасида бош шифокор бўлиб ишлар экан. Мен ундан бояги гапнинг тарихини сўрадим.

Поезд силкиниб қўзғалди-ю, майин юриб кетди. Музаффар номаълум нуқтага тикилиб, хаёл суриб қолди.

— Ўйлаб қарасам, орадан анча йил ўтиби,— деб Музаффар ўзича бир қулимсираб, бошини хиёл силкитиб қўйди.— Ўша йили биз институтни битириб, узоқ туманга ишга борган эдик... Ўқишдан кейинги биринчи ойларда одам анча нозик бўлади. Бунинг устига ўша пайтларда мен бошқа нозик ҳисларнинг гирдобига тушиб қолган эдим. Биз билан бирга битирган Малоҳат исмли бир қиз бор эди. Малоҳатнинг ойиси — катта олима, депутат, йўлинни қилиб, қизини Тошкентда олиб қолса бўлар эди. Аммо она-бала айланма йўл излашмади. Давлат тақсимотига биноан Малоҳат ҳам биронта туманга бориши керак эди. Мен уни кўпдан бери ўзимизнинг туманга таклиф қилиб юрар эдим. Охири Малоҳат мен билан бирга келди. Ўшанда мен катта бир ғалаба қозонган одамдай мағурланиб юрар эдим. Баъзida бу ғалабани Малоҳатдан қарз олгандай ийманар эдим. Унга муносиб бўлиш учун катта-катта ишларни дўндириб ташлашни орзу қиласр эдим. Лекин, аксига олиб, майда-чуйда ишқалликларни ечиш ҳам қўлимдан келмай қолди. Биз икковимиз бир жойда ишлаймиз деб келишиб қўйган эдик. Лекин Малоҳатни поликлиникага ишга юбориб қўйишибди. Мен уни ўзим ишга кирган қасалхонага ўтказаман деб кўп уриндим, натижада чиқмади. Туарар-жой масаласида бундан баттар ишқаллик чиқди. Мен ўзим асли ўша тумандан эдим-у, лекин бизнинг қишлоғимиз қасалхонадан йигирма беш чақирим нарида эди. Ҳар куни бориб келиб бўлмайди. Ижара олдим. Малоҳат аёллар ётоқхонасининг тўрт кишилик хонасига битта каравот қўйиб олибди... Биз кузда тўй қилмоқчи эдик. Соғлиқни сақлаш бўлимида бир ҳамқишлоғим ишлар эди. Ўшанга дардимни айтиб, икковимизга битта уй тўғрилаб беришларини сўрадим.

— Буни яхши айтдинг,— деди ҳамқишлоғим.— Ҳозир вилоятга ишга кўтарилиган бир кишининг уйи бўшаяпти. Лекин талабгорлар кўп. Тезроқ ҳаракатингни қил, бўлмаса қуруқ қоласан.

Унинг айтганини қилиб, аризаларни ёздиқ, керакли қоғозларни тўғриладик. Биздан олдин югуриб юрган кишилар бор экан. Булардан бири молия бўлимининг масъул ходими экан. Ҳалиги уй талаш бўладиган кўринди. Охири масала юқорига чиқди. «Энди буни ўртоқ Болтабоевнинг ўзлари ҳал қиласидар», дейишди. Малоҳат иккаламиз унинг олдига арзга кирмоқчи бўлиб бордик. Аммо киролмадик — кенгаш бўлаётган экан... Мана шунинг устига бир воқеа юз берди-ю, уй ҳам кўзга кўринмай қолди.

Вагон бирдан гувиллаб кетгандай бўлди. Поезд пўлат панжарали улкан кўприкдан ўтгунча Музаффарнинг товуши эшитилмай қолди. Ниҳоят кўприк орта қолди, гувиллаш тинди. Купе деразасидан кўринаётган Сирдарё суви кечки қуёшда қизғиш тусга кириб товланиб ўтди.

Музаффар сўзида давом этди:

— Саратон пайти эди. Fўзага ҳашарот тушган, бунга қарши самолётлардан «дори» сепилган. У пайтларда бу ишлар ҳозиргидай тартибга солинмаган эди. Эҳтиёт чораларига ҳам унча яхши риоя қилинмас эди. Қоидага биноан «дори» сепилгандан кейин уч-тўрт кун пайкалага одам кирмаслиги керак. Биз санитар докторларга ёрдамга чиқиб, буни ҳамма раисларга, ҳамма бригадирларга тушунтириб келган эдик. Лекин ўртоқ Болтабоев гўзасини ўт босган бир хўжалик раисини буровга олиб: «Далангда одам кўринмайди!» деб сиқишириби. Раис бригадирларни сиқишириби. Хуллас, Тошмат ака деган бир бригадир эртаси куни аzonлаб одамларни ўтоқча олиб чиқади. Пайкалдан кўнгилни айнитадиган ҳид келади. «Докторлар айтган эди», деб бригада аъзоларининг бир қисми пайкалга йўламайди. Аммо Тошмат ака: «Докторлар ваҳимачи бўлади, уларнинг гапига кирсак, гўзани ўт босиб, ҳосилдан айриламиз, кираверинглар,

ҳеч нима қилмайди», дейди-ю, ўзи биринчи бўлиб киради. Беш-олти киши унга эргашади. Бригадир пайкарга киради-ю, чиқади, унга ҳеч нима қилмайди. Бошқалар энгашиб гўза ўтайди. Орадан икки-уч соат ўтар-ўтмас бир қанчасининг кўзи тиниб, кўнгли айниб, ҳолдан кетиб қолишиади. Мен нариги хўжаликдан қайтиб келаётуб, худди шу ҳодисанинг устидан чиқдим. Тошмат ака турибди: мўйлови осилган, кўзлари жавдираиди. «Мен бунчалик бўлишини билмабман», дейди. Мен ўзимни тутолмай, уни роса сўқдим: «Аблаҳ, ахир, одамларни ўйламайсанми!» дедим. Пайкалдагиларни четта олиб чиқиб, қўлимдан келган дори-дармонни қилдим... Бу нарсанинг таъсири ҳар кимга ҳар хил бўлади. Бир неча киши даладаёқ ўзига келди. Аҳволи оғирроқ уч кишини машинага солиб, касалхонага олиб бордим. Бор дўхтирлар ҳаммаси оёққа турғизилди. Бир кечаю бир кундуз ўлим билан олишиб, икки кишини кутқариб қолдик. Учинчиси – ўн беш ёшли йигитча эди. Оти ҳам эсимдан чиқмайди: Зиёдулла. Ўзи аввал ҳам камқон бўлиб, дармони кетиброқ юрган экан...

Музаффарнинг овози бўғилди. Галстугуни бўшатиб, кўйлагининг тұгмасини ечди.

- Деразани сал очиб қўяйми? – дедим.
- Ҳозир, ўзим очаман...

Музаффар пастки девор қатига кириб кетадиган күпе деразасини тўрт энликкина очди-да, юзини совуқ шамолга тутди. Поезд шитоб билан бормоқда эди.

– Зиёдулланинг ота-оналари ҳам етиб келишган. «Жон доктор, бир давосини топинг!» деб илтижо қилишади. Отаси соддароқ дехқон экан. «Битта сигирим бор, шуни сотиб, бутун пулинни сарфлайман, ҳеч нарсамни аямайман, боламиз тирик қолса бўлди!» дейди. Онаси боласининг тепасида юм-юм йиғлаганини кўрсангиз юрак-бағрингиз эзилиб кетади. Улар айтмаса ҳам биз бор илму амалимизни ишга солиб кўрдик. Боланинг томирлари орқали қонни тозалайдиган суюқликлар юбордик, неча хил уколлар қилдик. Тоза қон ҳам қўйдик... Бўлмади... Зиёдулла тоҳ отасига, тоҳ онасига қараб

талваса қиласи. «Обкетинг мени! Обкетинг!» дейди. Онаси: «Боламни уйга олиб кетаман!» деб бир чирқираб ёпиши. Лекин отаси орага тушди. Муолажа тўхтатилса бола уйга етиб боролмай тамом бўлиши аниқ эди. Бир вақт Зиёдулла алаҳсираб «ака!» деб кимнидир чақира бошлади. «Сайфулла ака! Мени обкетинг! Ака! Акажон! Обкетинг!» Унинг «обкетинг!» дегани «кутқаринг!» дегани эди. Отасидан сўрасам, катта уғли Сайфулла шаҳарда, заводда ишлар экан, Зиёдулла уни яхши кўрар экан. Дарҳол битта машинали қариндошларини шаҳарга – боланинг акасига жўнатдик. Лекин машина эллик чақирим жойга бориб келгунча Зиёдулла узилди. Тун ярмидан ошган бўлса ҳам, Тошмат бригадир шу ерда эди. У ҳамма ишни «бости-бости» қилиш учун болани тонг отмасдан қишлоққа олиб кетмоқчи экан. Раис ҳам тезроқ дағн маросимини ўтказиб, ҳаммаёқни тинчитмоқчи. Зиёдулланинг отасига насиҳат қилиш учун раисга яқинроқ мўйсафидлардан бир-иккитаси кечаси бўлишига қарамай касалхонага келишибди. Ичкарида ҳали Зиёдулланинг жасади совумасдан улар боланинг отасини ташқарига чақириб олиб: «Энди тақдирида бори шу, куни битган экан, буни бирордан кўрманг, худодан кўринг, нима харажати бўлса раис билан бригадир кўтаради, бир қўй, тўрт қоп ун, бир қоп гуруч эрталаб аравада уйингизга боради», дейишади. Ота ҳўнг-хўнг йиғлайди-ю, бости-бости қилишга рози бўлади... Шунинг устига шаҳарга кетган машина боланинг акаси Сайфуллани етказиб келди. Йигирма уч ёшлардаги қоп-қора ёвқур йигит экан. Воқеани машинада эшитган бўлса керак. Касалхонага кирган заҳоти ота-онасининг ўртаниб йиғлаётганини кўрди-ю, бор овози билан қичқириб юборди:

– Зиёдулла! Укажон! Қанисан?! – деб палатага чопиб кирди. Укасининг жасадини чойшаб билан бирга кўлига кўтариб олиб, юзини юзига босди:

– Зиёджон! Укажон! – деб юмуқ кўзларидан, пешаналаридан суйиб ўпганини кўрганимда менинг ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетди. Зиёдулла гавдаликина йи-

гитча эди, бунинг устига ўлган одамнинг танаси зилдай оғир бўлади. Лекин Сайфулла унинг вазнини сезмас эди, худди қушни кўтаргандай бағрига босиб қасалхона ҳовлисига олиб чиқди.

— Зиёдуллани нега эҳтиёт қўймадингиз, дада?!— деб жиқقا ёш кўзларини отасига тикди.— Ахир бу бўладиган бола эди-ку! Мактабида «энг зеҳни ўткир бола шу» деб ўқитувчилар сизга неча марта айтган эди? Нега бой бериб қўйдингиз буни?! Ўқиб катта одам бўладиган ўғлингиз шу эди-ку! Мен буни шаҳарга олиб кетаман десам нега бермадингиз? Нима қилиб қўйдиларинг Зиёдни?! А... нима қилиб қўйдиларинг??

— Мен билмай қолдим-да, Сайфуллажон! Уйинг куйгур Тошмат бригадир буни заҳарнинг ичига ташлашини билсан, ўша далага ўзим бормасмидим? Зиёдга келган ажални ўзимга олмасмидим, ўғлим?! Вой болам! Болажоним!!

Қариндошлардан бир-иккитаси ҳамширалар билан бирга Сайфулланинг олдига келишди, укасининг жасадини бир амаллаб унинг қўлидан олишди-да, палатага қайтиб олиб кириб кетишли.

Сайфулла ҳансирараб, қуруқшаган лабларини яладида, бир четда пусиб турган Тошмат бригадирга қараб интилди:

— Топиб беринг менга укамни!

Тошмат бригадир қўча эшигига қараб тисарилиб борар экан, бидирлаб ўзини оқлашга тушди:

— Менга раис буюрган эди!.. Фўзани ўт босгани учун у ҳам ўртоқ Болтабоевдан қаттиқ гап эшигтан экан!

— Э, сиз учун фўза одамнинг жонидан ҳам азиз бўлиб кетдими? Ундей бўлса нега аввал ўзингизнинг жонингизни бермайсиз?! Зиёдуллани нима қилиб қўйдингиз, ноинсоф?! Кечагина чопиб ўйнаб юрган йигитча қани?! Фўзани ўт босса нега нукул норасида ўсмирларга ёпишасиз?!

— Ота-оналар ҳам сабабчи-да, Сайфуллажон! Бири бозорига кетади, бири уй ишидан бўшамайди. Ўрнига ёш-ёш болаларни чиқаришади!

— Ҳа, рост, ота-оналаримизнинг анқовлиги ҳам сизга жуда қўл келади! Ўзини ўтга-сувга урадиган болалик шўхлиги ҳам сизга ёрдам беради! «Бола ўлганини билмайди!» деб аямай юк қўясиз, ноинсоф!.. Мана, оқибати! Энди сиз ё менга укамни тирилтириб берасиз! Ё бу жиноятингизнинг жазосини тортасиз!

Тошмат бригадир кўча эшигидан «лип» этиб чиқиб қочди. Сайфулла атрофидаги одамларга кўз югуртириб:

— Докторлар қани?— деди.— Менга укамнинг нимадан ўлганига ҳужжат беришсин! Мен ҳозир тегишли жойларга бораман!

Мен Сайфуллага яқин бориб, ўзимни танитдим.

— Юринг, ҳаммасини ёзиб бераман,— дедим.— Фақат бош шифокоримиз ҳам қўл кўйиб, муҳрини босса бўлди.

Бош шифокор Мирвоҳид ака:

— Сиз шошманг,— деди менга.— Ҳали масаланинг аниқланадиган томонлари бор.

— Ҳаммаси аниқ-ку,— дедим.— Кеча биз ўзимиз далаарга чиқиб, баҳтсиз ҳодисага мана шу Тошмат бригадир сабабчи бўлганини кўриб, акт тузиб келган эдик. Техника хавфсизлигини бузганига ҳужжат бор!

— Гап фақат бригадирда эмас,— деди Мирвоҳид ака ерга қараб.

— Ҳа, гап кимда бўлмаса, ака?— сўради Сайфулла.— Мен ўзимни танитиб қўйя: кимё заводида ишчиман. Бизда техника хавфсизлигига жуда қаттиқ риоя қилинади. Ахир кимё кўчада юрган машиналардан ҳам зўроқ нарса-ку. Машина ҳайдаган одам кўча қоидасини бузиб, бирорвни босиб кетса, жавобгар бўладими. Йўқми? Кимё соҳасида техника хавфсизлигини бузиб, баҳтсиз ҳодисага сабаб бўладиган одам ҳам жавобгарликка тортилади!

— Биламиз,— деди Мирвоҳид ака,— раҳбарият «кимёвий дорилар ишлатишда эҳтиёт чораларига қаттиқ риоя қилинсин» деб бизга ҳам қаттиқ тайинлаб қўйган.

— Ундай бўлса, нега сиз?..

Шу пайт Зиёдулла ётган палатада йиғи-сиги қучайиб кетди. Сайфулланинг онаси кўнгли озиб йиқилиб

қолипти. Мирвоҳид ака буни ҳамширадан эшитгач, Сайфуллага қараб:

— Кейин яна гаплашамиз!— деди.— Сиз ҳозир ота-онангизга қарашинг, ука, уларни сал тинчтинг. Яна бирон кори ҳол бўлмасин!..

Сайфулла онасининг олдига қараб чопди. Дори-дармон билан уни ҳушига келтирдик. Кейин улар Зиёдулланинг жасадини уйларига олиб кетишиди. Касалхона-миз сал тинчигандан сўнг мени бош шифокорнинг ҳузурига чақиришиди. Унгача мен касаллик тарихини ёзиб, Сайфулла учун алоҳида бир справка ҳам тайёрлаб қўйган эдим. Ҳаммасини индамай Мирвоҳид аканинг столи устига қўйдим.

Мирвоҳид ака жуда мушкул аҳволга тушиб, аввал роса «үҳ» тортиди, юзини, пешанасини ишқади, ниҳоят, қийналган бир алфозда:

— Музаффар,— деди,— бунинг ташхисини ўзгартириш керак.

— Нега? Мен нотўғри ташхис қўйибманми?

— Йўқ, сиз қўйган ташхис тўғри. Лекин бунақа ташхис жуда катта жанжалларга сабаб бўлади-да. Бояги... акасининг гапларини эшитдингиз-ку. Агар бу ташхис юқорига маълум бўлса, ўртоқ Болтабоевга ҳам гап тегади, қанча одам жавобгарликка тортилади. Биз ҳам балога қоламиз... Ҳозир ўртоқ Болтабоев телефон қилди. Зиёдулланинг акасию ота-онасини улар раис билан бирга ўзлари тинчтишишмоқчи.

— Бояги... Сайфуллани-я?

— Ҳа, ахир, ўртоқ Болтабоев катта одам-ку. Унинг айтгани бўлмай қолмайди. Энди буёғини сиз... «ёмон овқат еб заҳарланган» деб ташхис қўя қолинг. Мен тасдиқдан ўтказаман.

— Ахир бу жиноят-ку! Мен ҳам ўшаларга қўшилиб жиноят йўлига кирайми энди?

— Музаффар, ваҳима қилманг, биз учун бу шунчаки бир мажбурият. Ҳозир шароит шуни талаб қиляпти. Биз ҳам фаришта эмасмиз. Шароит билан ҳисоблашишга мажбурмиз.

Мен боя укасини бағрига босиб йиғлаб гапирган Сайфуллани кўз олдимга келтирдим-у:

— «Шароит» деб одамларга хиёнат қилишим керакми?— дедим.— Агар мен бу жиноятни яшириб, ёлғон ташхис қўйсам, эртага бундан ёмонроқ баҳтсизликлар юз бермайдими? Шу билан мен бунақа баҳтсиз ҳодисаларга йўл очиб берган бўлмайманми? Шифокор учун бундан ортиқ жиноят борми дунёда!?

— Мен ҳам нима қилай?!— деб Мирвоҳид ака столни бир уриб ўрнидан туриб кетди.— Менинг ҳам виждоним азобланди! Мен ҳам ҳозир ўзимдан нафрата ман! Аблаҳлар, қиласиганларини қилиб қўйиб, энди бизни ҳам булгашяпти!..

Мирвоҳид ака баҳтсизликка сабаб бўлган бригадирни, раисни роса сўкли, шу билан сал ичини бўшатди-ю, яна ҳовуридан тушди.

— Илож қанча!— деди.— Мен ҳам қарам одамман. Агар ўртоқ Болтабоевнинг айтганини қилмасам, бутун айбни ўзимга тўнкайди: «Сен бош врачсан, одамларнинг соғлигини сақлашни сенга топширган эдик, энди жавобини ҳам ўзинг берасан!» дейди-ю, уриб ер билан яксон қиласи. Қандай қиласи! Жон ширин экан... Итоат қилишга мажбурман...

Шу пайт Мирвоҳид аканинг ериа қараб, эзилиб ўтирганини кўрсангиз раҳмингиз келар эди. Мен бир лаҳза иккиландим. Унинг мушкулини осон қилсаммикан? Ёмон овқат еб заҳарланган... Бу ташхисни исботлаш учун касаллик тарихини бутунлай бошқатдан ёзишим керак, қанча ёлғонларни ичимдан тўқиб чиқаришим керак. Шу пайт Малоҳат эсимга тушди. Негадир мен уни — дунёдаги энг севимли кишимни!— жон бергиси келмай: «Обкетинг мени!» деяётган Зиёдулланинг ўрнига қўйиб тасаввур қилдим-у, қўрқиб кетдим... Мирвоҳид аканинг латталиги энди ғазабимни келтирди. Ўзининг ҳақлигини била туриб, курашмасдан таслим бўладиган, ўзидан зўр одамга бўйсуниб ўрганган қўрқоқ шахс! Мен унинг столидан касаллик тарихини шартта олдим-у, кетмоқчи бўлиб эшикни очдим.

— Сизнинг жонингизга ҳеч ким қасд қылгани йўқ, — дедим. Жувонмарг бўлиб кетган Зиёдулла «жон ширин» деса бўлар эди. Сизга амал курсиси ширин!

Мирвоҳид ака мендан бундай гап чиқишини кутмаган экан, бир сакраб тушди. Мен чиқиб кетаётган эдим:

— Тўхта! — деб сен-сенлаб бақирди. — Карточкани топшириб кет!

— Карточкани сизга топширолмайман,— дедим.— Сиз буни йўқ қилиб, ташхисни ўзгартиришдан тоймайдиган одам экансиз, мен сизга ишонмайман!

Мирвоҳид ака жигибийрони чиқиб, мени сўкканича қолли. Нариги хонага кирсам, кекса бир шифокоримиз ўтирган экан. Нима гап бўлганини унга айтиб бердим.

— Мушкул вазифани бўйнингизга олибсиз,— деди кекса ҳамкасбим.— Энди маҳкам бўлинг. Чекинсангиз баттар бўлади. Сўзингиздан қайтман! Бош шифокор талаб қилса, касаллик тарихини беришга мажбурсиз... Шунинг учун битта нусха кўчириб қўйинг!

Мен унинг айтганини қилиб, касаллик тарихидан бир нусха кўчиридим-у, асл нусхасини портфелимга солиб, қулфлаб қўйдим. Ҳадемай мени яна бош шифокорнинг ҳузурига чақиришди. Мен касаллик тарихининг кўчирилган нусхасини олиб бордим.

— Мана, олинг,— деб столнинг устига ташладим,— лекин билиб қўйинг: бир нусхаси менда яшириғлиқ турибди!

— Сиз ҳозир мен билан бирга юқорига борасиз,— деди Мирвоҳид ака карточкани папкасига солиб.— Ботирлигингизни ўртоқ Болтабоевга ҳам бир кўрсатиб қўйинг!..

\* \* \*

Музаффарнинг ҳикоясига қизиқиб, поездда кетаётганимиз ҳам эсимдан чиққан экан. Бир вақт вагон оғаси купе эшигидан бош суқиб:

— Чойга қалайсизлар, меҳмонлар? — деб қолди.

Унинг катта патнисида маъдан тутқичли стаканларга солинган қора чой буғланиб турар эди. Бир стакандан

чой, ҳар бўлаги алоҳида қоғозга ўроғлиқ қанд олдик. Менда лимон бор эди, биттасини олиб кесдим. Чой ичиб бўлганимиздан кейин ҳамроҳимнинг эсига солдим:

— Демак, Мирвоҳид акангиз сизни қалқон қилиб, Болтабоевнинг қиличига тутмоқчи эканми?

— Ҳа, шунақа қилиб, у одам мени Болтабоевнинг ҳузурига бошлаб келди. Эсимда, қабулхонада котиба қиз бизга: «Мамадали Болтабоевич бандлар!» — деди. Биз анча вақт кутиб қолдик. Кейин кирсак, кабинетдан зира солинган паловнинг ҳиди келади. Котиба қиз ўроғлиқ дастурхонни секин олиб чиқиб кетди. Сезишмича, ўртоқ Болтабоевга аллақаердан ош келган экан, у киши шуни еб бўлиб, энди кўк чойга ўтган экан. Бизни кўрди-ю, қовоғидан қор ёғиб, саломимизга алик ҳам олмади. Тикка турғизиб қўйиб:

— Сенларга докторлик дипломи ҳайф! — деб дўқни бошлади. Мен юзига қараб-қараб қўяман. Лаблари ҳозиргина еган паловидан йилтирайди. Бетлари бугун курортдан келгандай таранг. Лекин кўз қарashi тиканли, гаплари одамга ўқдай тегади... — Сенлар инсон соғлиғининг посбонларисан! Агар посбон хазинани ўғрига олдирса, бундай посбонга шафқат қилинмайди! Бизнинг энг зўр хазинамиз — одамларимиз! Сенлар бугун бир ажойиб йигитни бой бериб ўтирибсанлар! Бунинг учун сенларни қаматиб юбориш ҳам оз!..

Мирвоҳид ака ерга қараб жим турибди. Бунақа пайтда ким биринчи бўлиб гап қайтарса таёқ ўшанинг бошида синишини яхши билади. Мен ҳам буни сездим, лекин ҳақиқии айборлар қолиб, Болтабоев бутун айбни бизга тўнкаётганига чидай олмадим.

— Мамадали Болтабоевич,— дедим. — Сизга қандай ахборот беришганини билмайман. Лекин мен бутун воқеани ўз кўзим билан кўрганман, ҳамма тафсилотларини...

— Тафсилотингиз керак эмас менга! — деб Болтабоев қайириб ташлади. — Ўлган одам учун жавоб беришингиз керак!

— Тўғри, Зиёдулланинг ўлимига сабаб бўлгандарни албатта жавобгарликка тортиш керак,— дедим мен. Бол-

табоев мени ён бераётибди деб ўйлаб, энди сал қулоқ солди. Мен атайлаб гапни узоқдан олиб келдим.— Мен дўхтирилик амалиётини катта бир заводда ўтказганман. Ҳаёт бор жойда ўлим ҳам бўлар экан... Заводда бирда ярим бахтсиз ҳодиса юз берса, буни ҳеч ким яширмас эди, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ҳодисанинг сабабларини аниқлар эди, техника хавфсизлигини бузганлар тегишли жазосини олар эди. Бу ҳамма учун зўр бир ибрат бўлар, иккинчи марта такрорланмайдиган аччиқ сабоққа айланар эди. Менингча, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдаги энг тўғри йўл мана шу. Биз бундай қилиш ўрнига...

— Бас! — деб Болтабоев мени яна гапиртирмай қўйди. Мирвоҳид акага қараб: — Бу болани менга ақл ўргатиш учун олиб келганмидинг? — деб ўшқирди. — Буни сен ишга олганмидинг? Кўзинг қаерда эди?!

Мирвоҳид ака қаддини эгиб, қўл қовуштириб:

— Биздан ўтган бўлса кечиринг, Мамадали Болтабоевич! — деди. — Музаффар асли муомалали йигит эди. Бунга ўлган боланинг акаси Сайфулла пишанг бердида! Заводдаги закончилигини бу ерга келиб ҳам қилди!

— Қайси акаси? Бир вақтлар раис билан уришиб шаҳарга кетиб қолган Сайфулласими?

— Ҳа, бугун ҳам ўшаниси касалхонада тўполон кўтарди. Қишлоққа бориб, яна раис билан жанжаллашганмиш. Раис ўлган боланинг жанозасига ун, гуруч, гўшт-ёғ юборган экан, Сайфулла ҳаммасини кўчага отипти. Қоп ёрилиб, гуручлар сочилиб кетибди. «Укамнинг жанозасига пул керак бўлса, мана!» деб чўнтағидан бир даста пул чиқариб отасига берганмиш.

— Шунчалик қутуриб кетган бўлса чорасини кўрамиз! — Болтабоев қаҳр билан телефон тўшагини кўтарди. Милиция идорасидаги ишонган одамига қўнғироқ қилиб:

— Бу — мен! — деди. — «Оқ олтин» хўжалигига бир жаноза бор. Ўлган боланинг Сайфулла деган акаси безорилик қилаётган эмиш... Ҳа, раисдан ҳам сигнал тушдими? Бўлмаса дарҳол етиб боринг. Яна ҳаддидан ошиб

жанжал кўтарса ўн беш суткага қамант! Масала нозик. аяманг!

Касалхонада Сайфулла менга далда бергани рост эди. Бир чеккаси ўша йигитга орқа қилиб, Мирвоҳид ака билан тиккама-тикка олишган эдим. Ҳозир Болтабоев мени исканжага олган пайтда ҳам Сайфулла ёнимда мадал бериб турғандай бўлаган эди. Наҳотки булар мени шу мададдан ҳам маҳрум қилишса? Рангим хавотирликдан ўзгариб кетганини Болтабоев сезди шекилли, Мирвоҳид акага қараб дўқ қилиб сўради:

— Хўш, бу маҳмадона ходимингни нима қилмоқчисан?

Агар Мирвоҳид ака, «бунинг ҳам жазосини беринг» деса, Болтабоев мени дарҳол бир ёқли қилишга тайёр туар эди. Лекин айёр Мирвоҳид ака бошқача йўлини излай бошлади:

— Мамадали Болтабоевич, Музаффарнинг ҳали тажрибаси йўқ. Яқинда институтни битириб келган. Ўзингиз айтар эдингиз, ёшларга ёрдам бериш керак деб... Бунга бир квартира сўраб мурожаат қилган эдик. Музаффар уй-жойсиз юриб, асаби ҳам анча бузилган. Шунга ҳали ҳам бўлса шароит яратсак, Мамадали Болтабоевич, бўшаётган квартирани Музаффарга берсангиз. Буни қаллифи ҳам шифокор. Тўйни ўтказар эдик.

Кутилмаганда гапнинг буёқقا бурилиб кетгани мени жуда таажжублантириди. Болтабоев ҳам Мирвоҳид аканинг сўзини бўлмай, охиригача эшифтгани, ниҳоят, бизга: «Ўтиринглар», деб жой кўрсатгани янада ғалати туюлди. Биз кўк мовут ёпилган узун столнинг икки четига ўтирганимиздан кейин орага бир лаҳза жимлик тушди. Афтидан, Болтабоев менинг ҳам уй тўғрисида илтимос қилишимни кутар эди. Мирвоҳид ака бояги аччиқ гапларни унутиб, менга «гапирсанг-чи!» дегандай имо қилди.

— Очигини айтсам,— дедим мен Болтабоевга, — шу ҳодиса туфайли квартира ҳам ёдимдан кўтарилибди. Бўлмаса қаллигим билан бирга сизга ариза кўтариб кирмоқчи эдим.

— Ўзингиз-ку, инингизга сифмай юрган экансиз,— деди Болтабоев менга,— яна думингизга бунақа ғалвир боғлаганингиз нимаси?!

— Ёшлигини ҳисобга олиб энди бир марта кечи-ринг, Мамадали Болтабоевич,— деб Мирвоҳид ака ялинишга тушди.— Шу ишни бости-бости қилиб қўя қолайлик. Таҳхисни ўзгартирамиз.

Мен Болтабоевнинг юзига қарадим-у, унинг ҳам асл мақсади мана шу эканлигини сездим. Зиёдулланинг ўлимида мен гуноҳкор эмаслигимни у албатта билар эди. Аслида мен Болтабоевнинг измига юрмаётганим сабабли айбланмоқда эдим. Аммо буни менга очиқ айттолмасдан, нуқул Тошмат бригадирнинг айбини менга тўнкамоқда эди.

— Биз қачонгача сенларнинг айбларингни яширамиз! — деб Болтабоев яна бир пўписа қилди. Мирвоҳид ака яна кечирим сўраб ялинди. Шундан кейин Болтабоев: — Аммо бу ишлар иккинчи тақрорланмасин! — деди. — Агар тақрорланса, мендан яхшилик кутмайсанлар!

— Раҳмат, Мамадали Болтабоевич, раҳмат!— деб Мирвоҳид ака қўлини кўксига қўйиб ўрнидан турди. Болтабоев менга қараб:

— Боринг!— деди.— Квартира масаласида қаллиғингиз билан алоҳида келасиз, тўғрилаймиз.

Аммо мен бўшашиб ўрнимдан туролмай қолдим. Нима бўляпти ўзи? Нега Мирвоҳид ака мен қилмаган гуноҳ учун Болтабоевдан кечирим сўрайди? Нега мен индамай ўтирибман? Сукут розилик аломати эди-ку! Мен энди ташхисни ўзгартиришга рози бўлганим учун квартира оламанми? Ҳа, ҳозир бориб ҳаммасини «бости-бости» қиласиз-у, кейин мен Малоҳатни эргаштириб келиб, Болтабоевдан квартира оламан. «Тўғрилаймиз!»— деди-ку... Кейин мен виждонимни сотиб олган квартирамда тўй қиласман, Малоҳат билан яшайман... Кейин мен шу уйда эҳтимол фарзанд кўрарман... Ҳали туғилмаган ўша фарзандим бирдан кўзимга Зиёдулла бўлиб кўринди, ўлим олдидан талваса қилиб: «Обкетинг мени!» деяётгандай туюлди.

— Шошманг!— дедим мен Болтабоевга.— Агар мен Зиёдулланинг ташхисини ўзgartириб, ўлимининг сабини яширсам умрбод юзи қора бўлиб қоламан! Чунки шу билан бундай ҳодисанинг яна такрорланишига мен ҳам йўл очиб бераман!

— Сиз яна бошидан тушдингиз-ку!— деди Болтабоев.— Бу ҳодисадан тегишли холоса чиқариб, одамларга сабоқ берадиган сиз эмас, мана, биз! Агар сиз гапни кўпайтираверсангиз, бутун айб бўйнингизга тушиб қолади!..

— Айбдор кимлигини билиб туриб, нега бундай дейсиз?!

— Айбдор сизсиз!— деди Болтабоев.— Сиз яхши доктор бўлганингизда у йигитни албатта қутқариб қолар эдингиз!

— Мен яхши доктор тугул, авлиё бўлганимда ҳам қутқариб қололмас эдим! Лозим бўлса буни барча ҳужжатлар, барча анализлар билан исбот қилиб бераман!

— Мунча чиранманг! Кавлаштиrsa хато ҳаммадан ҳам топилади!..

— Мен хато қилмайдиган одамман, деёлмайман. Лекин хизматга тұхмат бўлаётгани мени ҳайрон қолди-ряпти, ўртоқ Болтабоев! Мақтандай бўлсам ҳам, сизга айтишга мажбурман: агар мен ўша бригаданинг даласига бориб қолмаганимда, дарҳол дори-дармон қилиб, ахволи оғирларни касалхонага етказиб келмаганимда, бундан бешбаттар баҳтсизликлар бўлиши мумкин эди. Инсоф юзасидан айтганда, мен қутқариш мумкин бўлган бир қанча кишининг ҳәётини қутқариб қолдим, буни бутун жамоа билади! Бу баҳтсиз ҳодисанинг бош сабабчиси — ўша Тошмат бригадир билан унга нотўғри буйруқ берган раис! Нега улар қолиб, мени айбдор қиляпсизлар?

— Улар ҳам тегишли жазосини олади,— деди Болтабоев.— Аммо улар пахта деб жонбозлик кўрсатяпти. Инсоннинг соғлигини сақлаш сизларга топширилган. Ҳар ким ўз соҳасига жавобгар! Ҳозир бизнинг далаларимизда юқори ҳосил учун жанг кетяпти. Биз пахта

фронтининг жангчиларимиз! Фронт эса қурбонсиз бўлмайди! Сиз мана шуни қулоғингизга қўйиб олинг!

— Пахта— умумхалқ иши, мен буни биламан, бироқ сиз ҳамма нарсани чалкаштириб юборяпсиз, ўртоқ Болтабоев!— дедим.— Авваламбор, ҳеч қайси командир урушда қўрган ўринсиз талафотини докторга тўнкамайди. Энг муҳими, даладаги тинч меҳнатни урушга қиёс қилиш мутлақо нотўғри! Бутун одамзод урушдан бе-зиб, эртаю кеч «тинчлик бўлсин!» деяпти, бизнинг давлатимиз жаҳондаги ҳамма тинчликсеварларнинг тарафдори бўлиб боряпти. Шундай пайтда сиз далада ҳам гўё фронт очиб, қурбон берсангиз-у, «жанг қурбонсиз бўлмайди» деб, яна айбдорларни оқласангиз!..

Болтабоев чинакам аччиғланса сўз тополмай қолар эди. Унинг индамаётгани бўрон олдидан бўладиган ҳатарли сукунат эканлигини Мирвоҳид aka билар экан, дамини ичига олиб, менга:

— Бас қил,— деб шивирлади.

Аммо мен ҳам энди ўзимни босолмас эдим. Болтабоевга қараб:

— Агар,— дедим,— Зиёдулла жангда қурбон бўлган бўлса, мен нега унинг ташхисини ўзгартиришим керак? Нега сиз унинг жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлганини яширмоқчисиз? Чунки унинг ҳалокати учун сиз ҳам жавобгарсиз! Сиз жавобгарликдан кўркиб шундай қиляпсиз!

Болтабоев ўрнидан сапчиб туриб, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўқинди-ю, шартта телефон гўшагини олди, тергов идорасидаги ўзига энг яқин одамни чақириб, топшириқ берди:

— Аҳмоқ бир доктор ўн беш яшар йигитчани нотўғри даволаб ўлимига сабаб бўлиби, шу ҳақда бизда сигнал бор, дарҳол тергов бошланг! — деди. Мирвоҳид aka япроқдай титраб, унинг қаршисида қўл қовуштириб турган эди. Болтабоев унга: — Эшитдингизми? — деди. — Терговчини сиз ҳамма керакли материаллар билан таъминлашингиз керак! Бунақа дўхтири, — Болтабоев нафратга тўлиб мени кўрсатди, — бунақа тухматчи шахс бу ерлардан йўқ бўлиб кетиши шарт!..

\* \* \*

Музаффар ҳикоясини шу ерда тўхтатиб, ўрнидан турди. Эти жунжигандай бўлиб қунишиб, деразанинг олдига борди. Қоронғи туша бошлаган, деразанинг очиқ жойидан кираётган кечки изгирин купени совитиб юборган эди. Музаффар купе деразасини ёпди. Мен чироқни ёқдим. Поезд Мирзачўл далаларини оралаб бораар, вагон деразаларидан тушган ёруғлик гоҳо шўрдан оқарган ерларни сийпалаб ўтар эди.

— Ўша дақиқалар эсимга тушса, ҳозир ҳам этим жунжикиб кетади,— деди Музаффар жойига қайтиб ўтирапкан.— Чунки Болтабоев айтган ишини қиладиган тоифадан, у танк бўлиб мени янчиб ўтмоқчи эди! Менинг суюнадиган кимим бор? Менинг тақдирим шундай одамларнинг қўлига топширилдики, булар Болтабоев буюрган ишни сўzsиз бажаради. Шифокор ҳам мушкул касб. Мен яқиндагина мустақил иш бошлаган одамман. Эҳтимол мендан ҳам бирор хато ўтгандир? Буни балки ўзим ҳам сезмагандирман? Болтабоев: «Кавлаштиrsa ҳаммадан ҳам хато топилади», деб бежиз айтмагандир... Булар энди роса кавлаштиради. Биронта илмоқ топиб олишса бас. Кейин Зиёдулланинг ўлими учун мени айбор қилишади... Жиноятчи бўлиб қамалишни кўз олдимга келтирдим-у, аъзойи баданимга титроқ кирди—ҳеч босолмайман. Ўша пайтда менга ҳам жон ширин туялган бўлса керак, ваҳимага тушиб, узокроқ жойга кетгим келди. Касалхонага боришдан юрагим безиллади. Малоҳат ишлайдиган жойга йўл олдим... Малоҳат менинг аҳволимни кўриб кайфи учиб кетди. Икковимиз ёлғиз қолганда мен ҳаммасини унга айтиб бердим.

— Эҳтимол, мен кучим етмайдиган юкни елкамга олгандирман?— дедим.— Эҳтимол бу юк мени майиб қилас? Биз уйли бўлишимиз мумкин эди, Малоҳат! Бунинг ўрнига мен, мана, қотилликда айбланяпман...

— Унаقا виждонсизлик билан олинадиган уйнинг менга ҳам кераги йўқ! — деди Малоҳат. — Сиз елкангизга оғир юк олган бўлсангиз, буни бир ўзингиз кўтармассиз... Мен ҳам... бу ерга сизни деб келганман-ку, ахир!

**Боя кекса бир ҳамкасбингиз телефон қилган эди. Ўлган боланинг акаси Сайфулла сизни суроқлаб юрганмиш.**

— Э, мен уни топишим керак! Эҳтиёт бўлмаса, уни ҳам бир бало қилиб қўйишади!

— Аввал Тошкентга телефон қилиб, ойим билан бир маслаҳатлашайлик,— деди Малоҳат.— У киши депутат, йўл-йўригини биздан яхшироқ билсалар керак!

Тошкентда бизни суядиган нуфузли одам борлиги энди эсимга тушди. Малоҳат мен кўтарган оғир юкка астойдил елкасини тутаётганини юрак-юракдан сездим-у, совуқ титрорим босила бошлади... Мана, орадан саккиз йил ўтди. Биз Малоҳат билан бир ўғил, бир қиз кўрдик. Рўзгор-тирикчиликнинг ҳар хил аччиқ-чуҷулари бўлар экан... Лекин Малоҳатнинг ўшандаги яхшилиги ёдимга тушади-ю, уни доим кафтимда олиб юргим келади-да...

— Бўлмаса, сиз ойингиз билан кечаси гаплашар-сиз,— дедим Малоҳатга.— Мен керакли қоғозларни олиб, тўғри вилоят раҳбарига бораман!

Шу ният билан автобус бекатига қараб кетаётган эдик, Болтабоев телефон қилган терговчи қаршимиздан чиқиб қолди.

— Бүёққа юринг!— деб, мени идорасига бошлаб кирди-да, тергов тугагунча ҳеч қаёққа кетмаслик ҳақида тилхат олди. Энди менинг вилоятга борадиган йўлим ҳам бекилди. Аҳвол жуда жиддийлашиб кетди! Малоҳат дарҳол ишхонасидан икки кунга жавоб олди, кечки поезд билан Тошкентга, ойисидан ёрдам сўрагани жўнаб кетди. Уни кузатиб, ижара турган жойимга қайтсан, ҳовлида «касаллик тарихидан бир нусха кўчириб, бекитиб қўйинг», деган кекса ҳамкасбим билан Сайфулла иккаласи мени кутиб ўтиришипти.

— Бу Мирвоҳид ҳамма айбни сизга тўнкаб, Сайфуллани шунга ишонтиromoқчи бўлаётган экан,— деди кекса ҳамкасбим.— Нима бўляпти ўзи, Музаффар?

Мен уларга Мирвоҳид aka ва Болтабоев билан орамиздан ўтган ҳамма гапни бирма-бир айтиб бердим. Сайфулла таъсирланиб кетиб:

— Ўғил болачасига туриб берибсиз-да, э раҳмат, ака! — деди-ю, қўлимни олди:— Мен сиздан жонимни ҳам аямайман! Айтинг, қаерга борай, нима қиласай?

— Лекин сиз ҳам эҳтиёт бўлишингиз керак. «Безорилик қилди» деб, ўн беш суткага қамаб қўйишлари мумкин. Болтабоев айтди!

— Болтабоев чучварани хом санабди! Милицияда менинг ҳам қариндошим бор! Кулогимга секин шипшишиб қўйди. Раис билан машмашани бас қилдим. Эрталаб аzonда вилоят марказига бормоқчиман. Аввал қайси идорага кирай? Шуни менга айтинглар!

Фронтда бўлган ва кўпни кўрган кекса ҳамкасбим ўйланиб турди-ю:

— Идорама-идора юришга вақт кўп кетади,— деди.— Фурсат фанимат. Сайфулла, сиз тўғри вилоят марказидаги меҳмонхонага боринг. Тошкентда заҳарланиш қасалликларини даволайдиган токсиколог шифокорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши бўлган эди. Шу кенгашга қатнашган москвалик, тошкентлик токсикологларнинг учтўрттаси масалани ўрганиш учун, ҳам жойларда керакли ёрдамлар уюштириш учун ўтган куни бизнинг вилоятимизга келишди. Уларни кутиб олишга мен ҳам чиққан эдим, меҳмонхонага жойлашишганини ўзим кўрганман.

— Бўлмаса, мен тўғри ўшаларнинг олдига бораман!— деди Сайфулла.— Тошкентдан ёрдам беришга келишган бўлса, додимизга стишар, ахир!

Бу фикр менга ҳам маъқул тушди. Касаллик тарихининг папкамдаги нусхаси ёнига бир бетлик изоҳ ёздим, бош шифокор ташхисни ўзгартиришни талаб қилганидан тортиб, терговчи мендан қанақа тилхат олганнигача ҳаммасини қисқача баён қилдим, қўл қўйиб, Сайфуллага тутқаздим. Сайфулла тонг отишини кутмай, таксида кечаси жўнаб кетди... Эртаси куни эрталабдан менга қарши иш очилиб, тергов бошланди. Туман соғлиқни сақлаш бўлимида ҳам Болтабоевнинг ўз одами бор эди. Уни ҳам терговчига ёрдамга юборди. Касалхонада Болтабоев ўл деса ўлиб, тирил деса тириладиган Мирвоҳид акамиз мутасадди. Ҳаммалари бир

бўлиб, мендан айб қидиришга тушиши. «Фалон уколни вақтида қилдирмаган, фалон дорининг дозасини катта буюрган» дейишиб, терговчи хоҳлаган «хужжат»ни ясаб беришяпти. Ўшанда мен «энди тамом бўлдим!» деб ўйлаған эдим. Малоҳат билан Сайфулла мени кутқариб қолишига кўзим етмаган эди. Чунки Болтабоевнинг одами кўп эди. Агар ишим чаппасидан келганда, менинг қамалиб кетишим ҳам ҳеч гап эмас эди... Унда мен бугун Болтабоевни... Қамоқдан чиқиб келаётib учратармидим? Йўқ, хайрият... Ишимизнинг бир ўнгидан келгани – Сайфулланинг туғри Тошкентдан юборилган токсиколог шифокорларга бориб учрагани бўлди. Ўзи ҳам тутган еридан узадиган зўр йигит экан. Бунинг устига, укасининг догида ёниб, лахча ўт бўлиб кетган пайти эди. Токсикологларни ҳамма гапига ишонтириб, эртаси куниёқ туманимизга бошлаб келди-да! Бири москвалик, бири тошкентлик икки катта ҳукуқлар. Уларга ҳукумат томонидан катта ҳукуқлар берилган экан: «Кимёвий лориларни ишлатишда хавфсизлик қоидасини бузгандарга қаттиқ чора кўринглар!» деб тайинланган экан. Далиллар, гувоҳлар етарли эди, мен далага бориб, кутқариб қолган одамларнинг қонидан олинган анализ ҳам ҳақиқат мен томонда эканини тасдиқлади. Болтабоев сири астойдил фош бўлишини сезиб, бутун айбни бошқаларга тўнкашга уриниб кўрди. «Бош шифокор менга воқеани бошқача тушунтирган эди!» деб Мирвоҳид акани айбдор қўймоқчи бўлди. Лекин Мирвоҳид ака ҳам Болтабоевнинг тагига сув кетаётганини сезиб, унинг узини фош қилингига тушиб кетди. Нарёқда раис ҳам: «Ўртоқ Болтабоевнинг бўйруғи билан ўша далага одам солғанман!» деб айбни Болтабоевга тўнкади. Туманда Болтабоевдан безор бўлиб юрган одам кўп эди. Унинг қўша-қўша ҳовлиси борлиги, аввалги хотини билан ажрашмай туриб, бошқа бир ёш хотин олгани ҳам очилиб қолди. Назаримда, бугун купега кириб чиқсан ёш хотини-ўша иккинчиси бўлса керак. Кейин катта хотини қўйиб, буни ЗАГСдан ўтказган, деб эшигтан эдик... Хуллас, Болтабоевнинг ҳамма кирдикорлари очилиб, туманимизда ҳавони тозалайдиган бир момақалдироқ

бўлдики, шунинг таъсирида ҳалигача нафас олиш енгил туюлади... Болтабоев ўшанда жуфтакни ростлаб қолганича бизга қорасини кўрсатмайдиган бўлиб кетди.

— Ҳозир қаерда бўлсайкин?

— Аллақайси давлат хўжалигида бўлим бошлиғи деб эшигидан эдим. Бугунги кўринишига қараганда шу гап ростга ўхшайди. Бизда ишлаганде доим «Волга»да юрар эди. Бошида шляпа, бўйнида галстук. Хотинига ҳам шаҳарча кофталар, пошнаси баланд туфлилар кийдирар эди. Энди билсам, мавқеи ундан шуни талаб қиласр экан. Ҳозирги ишни бунақа фасонларсиз ҳам бўлаверса керак, ўзи этик кийиб, хотинига ҳам маҳси-калиш кийдирадиган бўлиб қолибди. Бўш шишага қимиз солсангиз — оқ, сув солсангиз кўк кўринади. Болтабоев тоифасидаги киппиларнинг кийиниши ҳам, юриш-туриши ҳам мавқеига қараб жуда тез ўзгаради. Баланд курсидан тушгандан кейин қарасангиз илгари унинг шундай катта ишда ишлаганига ишонолмай қоласиз.

Музаффар ҳикоясини тутатганда поезд Ховосда тўхтаб турар эди. Ташқариде шамол увиллар, залварли ҳаво тўлқинлари вагонга қаттиқ бир нарсадай урилар, темир томнинг аллақаери «Қирс-Қирс» этиб қўярди.

Купе эшигига яна хушмуомала вагон оғаси кўринди:

— Зерикмадиларингизми, меҳмонлар? Мен сизларга энди қочмайдиган ҳамроҳлар топиб келяпман!

Йўлакда чамадон кўтарган бир йигит билан кўзойнак таққан кампир турар эди.

— Марҳамат, жойлашингизлар,— деб Музаффар билан купедан чиқдик.

Мен тор, узун йўлакка, қатор кетган купе эшиклирига кўз югуртирдим. Ҳозир шу эшикларнинг биридан Болтабоев чиқиб қолиши мумкин... Музаффарнинг ҳикоясидан кейин мен унга яхшироқ разм солмоқчи эдим. Аммо Болтабоев бошқа вагонга ўтиб кетган экан.

— Балки тushiб қолгандир?— дедим вагон оғасига.

— Э, тushiб қаёқقا тушади? Билети охиригача эди... Демак, у ҳам шу поездда кетяпти.

1967, 1973 йиллар

## УСТОЗ ОЙБЕК ВА МИЛЛИЙ РУҲ

Бундан олтмиш беш йил муқаддам еттинчи синфи битираётган пайтларимда «Қутлуғ қон» романини қанчалик таъсирланиб ўқиганим ҳалигача ёдимдан чиқмайди. Китобдан олган ёрқин таассуротларим уни ўқиган жойимнинг манзаралари билан бирга ҳамон кўз ўнгимда турибди.

Биз бир боғот жойининг кўргончасида турардик. Май ойининг охирлари, боғдаги токлар қийғос гуллаган пайт. Кўргончада сигир ва эчкилар бор, уларга ўт ўриш, анча узоқдаги ариқдан челяқда сув ташиб келиш биз каби дастёrlарнинг зиммасида эди.

Лекин ўша куни «Қутлуғ қон» воқеалари ичига шўнғиб кетганим учун бошқа ҳамма нарсани унуган дим. Китоб ўқишимга халақит бермасликлари учун токзорнинг нариги четидаги пана бир жойга яшириниб олган эдим. Онам бир неча марта кўргончадан чиқиб мени чақирди, лекин ўзимни эшитмаганга солиб, китоб ўқишида давом этдим.

Бундан олдин ўзбекчага бошқа тиллардан таржима қилинган романларни ҳам қизиқиб ўқиган эдим. Лекин «Қутлуғ қон» менда фақат оддий қизиқиш эмас, балки янги бир руҳ, янгича туйғу уйғотмоқда эди. Бу – миллий руҳ ва миллий туйғу эканини анча йиллар ўтгандан кейин фаҳмладим.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби халқимизда миллий ғурур туйғусини уйғотган ёзувчилар ноҳақ қораланганини ва бегуноҳ қатл этилганини биз ёшлардан яширган эканлар. Ёшлик йилларимизда уларнинг асар-

ларини ўқишдан бутунлай маҳрум этилган эдик. Мабодо баъзи ихлосмандлар «Ўтган кунлар» ёки «Кеча ва кундуз» романларини яширинча ўқиётган пайтда қўлга тушса, қатағонга учрарди.

Мустабид тузум айниқса ўсмиirlарда миллий руҳни бутунлай сўндиришга ҳаракат қилганини, «Пўлат қандай тобланди» каби романлар, «Широка страна моя родная» («Менинг бағрикент жонажон мамлакатим») каби шеър ва қўшиқлар бизни катта миллатга қўшиб юборишга ва миллий ўзлигимииздан бегона қилишга қаратилганини вақти келиб тушундик.

1937—1938-йилларнинг қатағонларида руҳан эзилган, севикили ёзувчиларидан жудо бўлган ўзбек китобхонлари учун орадан кўп ўтмай 1939—1940-йилларда миллий руҳдаги «Кутлуг қон» романининг чоп этилгани тақдирнинг инъомидай қувончли ҳодиса бўлганини мен анча кейин, ўзим ҳам адабий машқлар қила бошлаганимда фаҳмладим.

Мустабид мафкура Абдулла Қодирий романларида Отабек ва Кумуш, Анвар ва Ръяно каби юқори табакага яқин турган зиёли қаҳрамонлар орқали миллий руҳ ифода этилганини синфий душманлик ва миллатчилик деб қоралар эди. Устоз Ойбек миллий руҳни Йўлчи ва Гулнор каби шўролар маъқул кўрадиган оддий меҳнаткашларнинг ёрқин образлари орқали ифода этгани ўзбек романчилигига янги бир бадиий кашфиёт бўлди. Мустабид мафкура бу кашфиётга қарши чора тополмай қолди.

Айниқса, биз ёшлар ўз миллатдошларимизни «Кутлуг қон»нинг жозибали қаҳрамонлари қиёфасида кўриб, уларда ўзимизни топгандай бўлардик, руҳан уларнинг ёнида туриб, гўзал муҳаббатларидан завқ олардик, қувонч ва ташвишларига шерик бўлардик.

Шахсан мен Йўлчининг тупроғи тўпиққа чиқадиган кўчалардан яланг оёқ юриб, қишлоқдан шаҳарга келишини ҳам айнан ўз ҳаётимга ўҳшатардим. Чунки болалик пайтимизда отамиз бой бўлгани учун бор мол-мулкимизни шўролар тортиб олган, қиши кунида бизни иссиқ уйимиздан қувиб чиқариб бадарға қилганди. Бой-

ларни синф сифатида тугатган большевиклар бизни ҳам кўп қатори камбағалга айлантирган эди. «Кутлуғ қон»ни ўқиган кезларимда мен ҳам тупроғи тўпиққа чиқадиган кўчаларда яланг оёқ юрардим.

Мана шу оддий тафсилот туфайли ҳам Йўлчи дилимга беҳад яқин туюларди. Паҳлавонлиги, ўз қадрини биладиган ботир ва мағрур йигит эканлиги ҳавасимни келтирарди. Унинг Гулнор билан учрашган висол онларидан менинг ҳам дилим яйрарди. Йўлчи ва Гулнор ўзбек адабиётида менинг биринчи муҳаббатимни қозонганд қаҳрамонлар эди. Салимбойвачча ва бузуқи Нурининг ёвузликлари туфайли Гулнор йўқолиб қолганда мен ҳам Йўлчи каби изтироб чеккандим. Ниҳоят, Йўлчи Гулнорнинг изини топганда ва уни ўғирлаб кетган қора кучлар билан мардона олишиб севгилисими қутқарганда, менинг унга меҳрим бир неча баробар ошган эди.

Лекин барибир замона зўрлари мақсадларига эришадилар, Гулнорни ноинсоф чол Мирзакаримбой никоҳига олади. Аммо Гулнор унинг даргоҳида ҳам Йўлчининг ёди билан яшайди. Йўлчи истиқомат қилган хонага кириб, унинг эски дўпписини топиб олади. Севикилисими беҳад соғинган Гулнор шу дўппини бағрига босиб юм-юм йифлади. Романинг ушбу саҳифаларини ўқиганимда мен ҳам Гулнорга қўшилиб кўзёш тўkkаним ҳамон ёдимда.

Ўсиб келаётган вужуд дармондориларга қанчалик эҳтиёж сезса, ўзлигини энди таниётган ёш авлод ҳам миллатдошлари билан уни руҳан бирлаштирадиган адабий асарларга шунчалик ташна бўлади. «Кутлуғ қон» биздати ана шу ташналикни қондирадиган асар эди.

Роман охирлаган сари ундан миллий руҳ кучайиб боради. Салимбойвачча Йўлчидан қасд олиш учун оқподшонинг полиция маҳкамасига арз қиласи. Ёзувчи «шопмўйлов», сариқ, юмалоқ» деб тасвиirlаган миришаб Йўлчини чойхонада чой ичиб, дам олиб ўтирган пайтида излаб топади. Қоидага биноан бу тўранни ҳамма ўрнидан туриб, қўл қовуштириб кутиб олади. Фақат Йўлчи ўрнидан турмайди. Миршабнинг бундан ғазабланганини ёзувчи унинг «кўзларидан кўк олов сочиб»

Йўлчига қамчи кўтартгани орқали тасвиirlайди. Мустамлака зулми шу даражадаки, Йўлчи ҳам бошқа мазлумлар каби миршаб қаршисида кўл қонуштириб, бош эгиб турмагани учунгина империя тўраси уни қамчи билан савялайди! Йўлчи кучли қўллари билан қамчининг учидан тутиб олади ва миршабга чўқмордай муштини кўрсатади... Бундан кейин у, албатта қамалади.

Яқинда Президентимиз «Независимая газета» мухбири билан қилган сұхбатида «Империя бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисобларди» деганида нақадар ҳақ бўлганига «Кутлуғ қон» романининг қатор боблари ёрқин тарихий далил бўлиб хизмат қилади.

Империячилар маҳаллий ҳалқ вакилларини ҳатто ҳарбий хизматга муносиб кўрмайдилар. Йигитларимизни фақат мажбурий мардикорликка жалб этишади. Ҳалқ бунга қарши қўзғолон кўтаради.

Тошкентда туғилиб ўсган Ойбек ёшлиқда бу тарихий воқеани ўз кўзи билан кўргани учун бутун тафсилотлари билан ҳаққоний тасвиirlайди. Биз Йўлчини ботир курашчиларнинг олдинги сафида кўрамиз. Қўзғлончилар орасида аёллар, мардикорга чақирилган йигитларнинг оналари ҳам кўп эди. Улар полиция маҳкамасининг бошлиғи Мочаловдан мардикорлик ҳақидағи фармоннинг бекор қилинишини талаб қиласидилар. Бунга жавобан қуролсиз аёлларга қарши ўқ отилади. Бегуноҳ қурбон бўлаётган мушфиқ оналар ҳимоясига Йўлчи ва унинг дўстлари етиб келади. Улар полициячиларни тошбўрон қилиб, ичкарига қочишга мажбур қиласидилар. Деразалар чил-чил синади. Йўлчи чапдастлик билан бир полициячини уриб йиқитади ва қиличини тортиб олади. Қилични боши узра кўтариб, золимларга ҳамла қиласиди. Шу лаҳзани ёзувчи ёрқин бир ўхшатиш ёрдамида эсда қоладиган шаклда гавдалантиради. Йўлчи боши узра кўтартган қилич қуёшда оқ олов каби ёнади! Лекин дераза ортида пусиб турган империячилар унинг кўкрагини мўлжалга олиб кетма-кет ўқ отадилар. Йўлчи қўлда оловдай ёнган қилич билан жон беради.

Суюкли қаҳрамонингизнинг мардона жанг қилиб ҳалок бўлгани ўсмир ёшдаги китобхонни қанчалик ларзага солганини тасаввур этинг. Романнинг шу жойида мен Йўлчининг синглиси Унсинга қўшилиб алам билан йиглаганман. Донишманд чол Шокир отанинг тасалли берувчи қўйидаги сўzlари менга ҳам қаратилганини сезганман: «Йўлчининг қони бехуда кетмайди. Бу ҳикматли қон, қутлуғ қон... Унда сир кўп. Йўлчи зулмнинг илдизига болта урди, иншооллоҳ, зулм илдизи қурийди... Йўлчининг қони муқаддас қон. Буни кўзга суриш керак. Кейин тушунасан, қизим. Мен ўлиб кетсан, «ҳа, Шокир отам шундай деган эди деб ёдларсан».

Бу ерла Шокир отанинг тили билан устоз Ойбекнинг ўзи сўзлаганини биз бугун истиқлол даврида миннатдор бўлиб ёдга олмоқдамиз. Чунки «Йўлчи зулмнинг илдизига болта урди, иншооллоҳ, бу илдиз қуригай» деган башорат XX асрнинг охирги ўн йиллигига ижобат бўлди. Биз мустамлака зулмидан кутулдик. Адаб романнинг «Қутлуғ қон» деб аталишида сир кўп эканига ишора қилгани ҳам бу ерда умумлашма образ ва теран маъноли рамз борлигидан далолат беради.

Ойбек ёшлиқ йилларидан бошлаб ижодий жасорат ва миљийлик бобида Абдулла Қодирий ва Чўллондан ибрат олганлиги, уларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирганлиги қўпчиликка маълум. «Қутлуғ қон»да Абдулла Қодирий бошлаб берган ўзбек миллий романчилиги мактабининг асосий йўналиши бошқа давра эзилган синф вакили бўлган Йўлчи образида қандай давом эттирилганига яна бир зътибор берайлик.

Отабек ватанимизга бостириб келган чоризм мустамлакачилар билан олдинги сафда мардона жант қилиб ҳалок бўлади. Йўлчи мантиқан унинг ишини давом эттиради — мустамлакачиларга қарши кўтарилган миллий озодлик ҳаракатининг олдинги сафида бориб, қўлда қилич билан қаҳрамонларча жон беради. Демак, Йўлчининг қони биз учун қандай ҳикматли ва қутлуғ бўлса, Отабекнинг қони ҳам шундай муқаддасдир.

Бугина эмас: Отабек ва Йўлчидан кейин улар каби Ватан озодлиги учун жон фидо қилиб қатағонга учра-

тан истиқлолчиларнинг муқаддас қонларини ҳам адаб ўз романининг номидаги рамзий маъно орқали «Кутлуғ қон» деб улуғламаяптими?

Чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Фитрат, Мунавварқори каби ватанларварлар шўро мустамлакачилари томонидан отиб ўлдирилганига баҳона-ю сабаб – улар ҳам ўз фаолияти билан мустамлака зулмининг илдизига болта урганлиги эканини сезасиз. Бу заҳарли илдизнинг аср охирига келиб қуриб битишига улкан ҳисса қўшганлиги учун уларнинг озодлик йўлида тўкилган покиза қонларини ҳам биз бугун қутлуғ билиб, улуғлаймиз.

Оддий кўринадиган иккита сўз – «Кутлуғ қон» – роман қаҳрамонлари тақдиридан келиб чиқадиган тेरан миллий рух билан йўғрилганлиги ва шунчалик катта тарихий ҳақиқатни ифода этганлиги устоз Ойбекнинг жасорати ва истеъоди нақадар буюк бўлганидан далолат беради.

Кўпчилик китобхонлар каби мен ҳам «Кутлуғ қон»ни суйиб ўқиганимдан буён Ойбек акани яқиндан кўришни, унинг овозини эшитишни орзу қиласдим. Бу орзийим Тошкентда талаба бўлган йилларимда ушала бошлади. Худди шу йиллари «Навоий» романни чоп этилди ва жаҳон миқёсига чиқиб, жуда катта муваффақият қозонди. Бу роман беш юз йил олдин яшаб ўтган улуғ шоир ва мутафаккир билан бизнинг ҳозирги авлодларни руҳан яқинлаштирган олтин кўприк бўлди. Алишер Навоийнинг беш юз йиллик юбилейига узоқ ўлкалардан ташриф буюрган меҳмонлар менга гўё шу олтин кўприкдан ўтиб келгандай кўринар эди. Юбилей шодиённлари йигирманчи аср ўрталарида Ўзбекистонда юз берган энг ёрқин маданий воқеаага айланди. Биз ёшлар ана шу воқеанинг марказида суюкли адабимиз Ойбек турганини кўриб беҳад мамнун бўлар эдик. Академик Ойбек Навоий номли театрда бўлиб ўтган анжуманда биринчи бўлиб минбарга кўтарилгани ва Алишер Навоий ҳақида ажойиб маъруза қилгани биздаги ифтихор туйғусини кучайтиради.

Бу йиллар устоз Ойбек Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига раислик қиласынан. Адабиётимизда пайдо бўлган яхши асарларни раҳбар ва дуст сифатида астойдил қўллаб-қувватлар эди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўша йиллари босилиб чиққан «Кўшчинор» романни бўйича Муқимий театрида китобхонлар анжумани бўлганда устоз Ойбек мажлисга раислик қиласынан яхши асарига юксак баҳо берган эди. Ойбекнинг тавсияси билан «Кўшчинор» рус тилига таржима қилинган ва Москвада «Литературная газета» саҳифаларида уни муваффақиятли роман сифатида баҳоловчи катта мақола чоп этилган эди.

Лекин эллигинчи йиллардаги мустабид тузум халқнинг меҳрига сазовор бўлган талантли ижодкорларга қарши янги ҳужумларни яна авжига чиқарди. Ойбекнинг дўсти Шайхзода қамоққа олинди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор» романни тузум воқелигини бузиб кўрсатган зарарли асар сифатида қораланди. Бу романга юксак баҳо берган Ойбекни бир қатор ноҳақ айбловлар билан ёзувчилар уюшмаси раислигидан бўшатиши. Матбуотда унинг «Навоий» ва «Олтин водийдан шабадалар» романларига қарши сурункали танқидий мақолалар чоп этила бошланди. Узоқ давом этган бу адолатсизликлар Ойбекнинг соғлиғига қандай таъсир этгани ва уни қандай оғир хасталикка дучор қиласиги адибнинг садоқатли умр йўлдоши Зарифа Сайдносированинг «Ойбегим меннинг» деб аталган китобида кишини ҳаяжонга соладиган тафсилотлари билан ҳикоб берилган.

Ўша йилларда биз талабалар ҳам суюкли устозларимизга ноҳақ отилган маломат тошларидан қаттиқ изтироб чекканмиз. Бу изтиробларимизни мен «Уч илдиз» романидаги Маҳкам ва Очил каби ёшлар ўз суюкли домлалари профессор Абдураҳмон Тошев ва доцент Темур Акбаровлар томонида тургани, уларга тұхмат қиласиган баҳилларга қарши курашган лавҳалар орқали кўрсатишга ҳаракат қиласиган эдим. Ўрни келганда айтиш жоиз: талабалар севадиган профессор Тошев образида мен Тошмуҳаммад ўғли Ойбекни назарда туттан эдим. Отаси темирчи бўлган Темур Акбаровични тасвир эт-

ганда устозимиз Абдулла Қаҳдор кўз олдимда турган эди. Бу образлардан кўзланган мақсад – ёш авлоднинг бутун меҳри устоз Ойбек ва Абдулла акалар томонида бўлганини, нафратимиз эса уларга тұхмат тошини отган баҳилларга қарши қаратилганини баҳоли қудрат кўрсатиш эди. Романдаги иғвогарларнинг ҳам прототиплари бор эди. Улар ўзларини таниб қолиб, романга қарши Москвада ўтган декада пайтида хужумлар уюштиришди. Лекин Мухтор Авезовдай буюк адид мени ҳимоясига олгани учун улар иложсиз қолишгани жамоатчиликка маълум.

1960-йилларга келиб вазият анча яхшиланди, Ойбекка нисбатан адолат тикланди, ҳалқимиз уни Иттифоқ Олий кенгашига депутат қилиб сайлади. Ойбек Москвага сессияга борган кунларининг бирида Зарифа опа, мен ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаб турган марказий ёзувчилар уюшмасига қўнғироқ қилди... У киши мени Ойбек аканинг ҳузурига таклиф қилганида беҳад суюниб кетдим.

Майнинг охирлари, қуёшли илиқ кун эди. Шунга монанд илиқ ва ёруғ туйғу билан биринчи марта устоз Ойбекнинг ҳузурига бордим.

Улар Москва марказидаги муҳташам «Европа» меҳмонхонасига келиб тушишган. Ҳасталикларини ҳисобга олиб, биринчи қаватнинг кенг ва қулай хоналаридан жой беришган экан. Мен «Уч илдиз»нинг декада муносабати билан яшил лидерин муқовада чоп этилган нашридан бир нусха олиб борган эдим. Дилемдаги самимий миннатдорчилигимни ёзиб, Ойбек акага тақдим этдим. Мамнун бўлиб қабул қилди.

Дастурхон ёзилган эди. Юзма-юз ўтириб яқиндан сўзлашганимизда Ойбек аканинг ёниб турган йирик-йирик кўзларида нақадар катта ҳаётий тажриба ва ижодий қудрат акс этишини сезиб ҳайратланардим. Лекин ҳасталик туфайли сўзларни бўлиб-бўлиб, қийналиб талаффуз этганида улуғ адидни эркин-озод сўзлашиш имконидан маҳрум қилган мустабид тузумга нафратим ошиб-тошарли.

Факат садоқатда тенгсиз Зарифа опа Ойбек ака талаф-фузда қийналиб айттолмаган олижаноб фикр ва туйгуларни гүё таржимон бўлиб суҳбатдошига аниқ етказиб берар эди. Шу тариқа мен Ойбекнинг декада пайтида бўлган му-нозарадан хабардор эканлиги ва Мухтор Авезовнинг нутқидан мамнун бўлганлигини билиб суюндим. Ойбек ака:

— Тарихчи... Яхши... ёзинг!— деб тилак билдириди. Зарифа опа буни:

— Тарихчилар ҳаётидан ёзибсиз,— деб тушунтириди.— Ўзингиз ҳам тарихчи экансиз. Ойбек ака «тарихий асарлар ҳам ёзинг, халқа жуда керак» демоқчи.

— Раҳмат, Ойбек ака! Сиздан миннатдорман, Зарифа опа! Ўзимнинг ҳам орзуим шу. Ойбек аканинг бу тилакларини умрбод ёдда тутаман.

Суҳбатимиз сўнгига Зарифа опа Ойбек аканинг асарлари Москвада қайта нашр бўлаётганини айтиб, таржимон ва ноширлар билан алоқада бўлиб туришни менга топшириди. Бу ишлар менинг хизмат вазифамга ки-рар эди, шунинг учун топшириқни жоним билан қабул қилдим ва адо этдим.

Яна беш йилча вақт ўтди. Бу орада биз Тошкентга кўчиб келдик. Баҳор кунларидан бирида уйимизга Зарифа опа қўнгироқ қилиб қолди.

— Бизникига телестудиядан келишмоқчи,— деди.— Ойбек домланинг олтмиш йиллиги арафасида уйдан бевосита кўрсатув бериларкан. Ойбек домла сизни ёшлардан вакил бўлиб қатнашишга таклиф этаяпти.

— Раҳмат, Зарифа опа! Албатта бораман.

Зарифа опа қуни ва соатини айтиб, қўшиб қўйди:

— Сиз эртароқ келинг. Қўшимча топшириқ ҳам бор.

Май ойи эди. Ҳозир Ойбек аканинг музейига айлантирилган ҳовлида анвойи гуллар очилган. Ҳаммаёқ байрам тусини олган. Одам кўп. Мен эртароқ бордим.

Ойбек ака кабинетида ўтирган экан. Зарифа опа мени домланинг ҳузурига бошлаб кирди. Учовимиз ёзув столи ёнига келиб ўтиридик. Стол устида машинкада оқقا кўчирилган бир неча саҳифалик матн турибди. Ойбек ака бу матнга алланечук ўйчан ва хиёл маъюс назар ташлаб қўйди. Зарифа опа матнни қўлларига олиб менга юзланди:

— Кўрсатувнинг охирида Ойбек домла ҳалқа қараб айтадиган сўзлари мана шу матнда ёзилган. Шуни сиз Ойбек домланинг ёнида туриб экран қаршисида ўқиб берсангиз...

Мен бир лаҳза саросимага тушдим. Шундай янгроқ шеърлар ёзган ва уларни эл-юрт орасида жарангдор овоз билан ўқиган Ойбек ака замона зайди билан нутқини йўқотгани, мана бу икки-уч бетлик матнни ҳам ҳалқа қараб ўқиб беролмаслиги қандай оғир кўргулик эканини ҳис қилиб, бўғзимга бир нарса тиқилди. Ойбек аканинг хиёл маъюсланиб тургани ҳам шундан эканини сезиб, юрагим эзилди.

Аҳволимни кўрган Зарифа опа:

— Ойбек домла сизга ишонч билдираяпти,— деб тушунтириди.

Мен энди ўзимни қўлга олдим:

— Раҳмат, мен Ойбек аканинг ишончини оқлашга жон-дилим билан ҳаракат қиласман!

Устознинг табаррук кабинетида ўтириб, матнни бехато ўқишни ўзимча икки-уч марта машқ қилдим. Телекўрсатувда Ойбек ака билан ёшлиқда бирга ўқиган Ҳомил Ёқубов, адабнинг асарлари бўйича диссертация ёқлаган Матёқуб Кўшжонов ва мен учовимиз устоз адабнинг ижоди ва фаолияти ҳақида дил сўзларимизни айтдик. Устоз Ойбекнинг ўзи ҳам биз билан бир стол ёнида ўтириб, машҳур «Нъыматак» шеърининг ҳалқ артисти томонидан жарангли овоз билан ўқилганини таъсиrlаниб тинглади. Романлардан саҳналаштирилган парчалар ҳам кўрсатилди.

Нихоят кўрсатув охирида устоз Ойбек ўрнидан турди ва қофозга туширилган нутқ матнини менга берди. Телекамера қаршисида мен ўзимни чинор паноҳида турган кичик бир арчадек ҳис қиласдим. Устоз тайёрлаган матнни ҳаяжонга тўлиб ўқий бошладим:

«Ўртоқларим! Қимматли дўстларим! Менга муҳаббатингиз ва ҳурматингиз учун ташаккур айтаман!..».

Хотирамда ўчмас из қолдирган бу сўзларни мен яқинда Ойбекнинг мукаммал асарлар тўпламининг 12-жилдига чоп этилган нутқлари орасидан топдим.

Худди шу жилдда ўлмас адибнинг барча ёш ёзувчиликрга башорат қилиб айтган қўйидаги сўзлари ҳам чоп этилган экан: «Сиз, ёш шоир ва адибларимиз, катта чидам ва сабр билан меҳнат қилиб, зўр ҳамлалар билан албатта буюк адабиёт йўлига киурурсиз. Сизга муваффақият тилайман!..» (Асарлар, 12-жилд, 354-бет).

Ҳақиқатан, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Одил Ёкубов, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Муҳаммад Юсуф ва бошқа шоиру адибларимиз устоз Ойбек айтгандек чидам ва сабр билан меҳнат қилдилар, энг яхши асарлари билан адабиётимизни янги тараққиёт босқичига кўтардилар.

Бунинг ҳаммасида устоз Ойбек асарлари орқали ёшлигимииздан дилимизга жо бўлган миллий рух ва ватанпарварлик туйғулари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

## ЗУЛФИЯ ОПАНИНГ БУЮК МЕХРИГИЁСИ

Истеъодод – афсонавий меҳригиёга ўхшаган ноёб бир неъматdir. Шунинг учун истеъододли ижодкор яратган асар бизнинг дилимизга, аввало, меҳр туйғусини олиб киради.

Мен буни 1944 йилда 16 яшар ўспиринлик пайтимда Зулфия опанинг «Қўзларингда борми юлдузинг?» деб аталган шеърини ўқиганимда илк бор ҳис қилган эдим.

Ўшанда ҳали қонли уруш давом этаётган машақ-қатли кунларни бошдан кечирмоқда эдик. Катталарнинг аксарият кўпчилиги фронтга кетган, улар қила-диган кўп ишлар биз, ўспиринларнинг зиммасига тушган эди. Мен Бекободда қурилаётган металлургия заводининг маҳаллий радиостудиясида мухбир ва диктор бўлиб ишлардим. Курувчилар ҳақида лавҳалар, хабарлар ёзиб, ҳар ҳафтада уларни ўзим диктор бўлиб ўқиб эшиттиардим.

Ана шу ишлар орасида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг уруш йилларида кичик бичимда икки бетгина бўлиб чиқадиган саҳифасида қўйидаги оловли сатрларни ўқидим-у, уларга маҳлиё бўлиб қолдим:

«Бунча ҳам беғубор, бунча ҳам тиник,  
Нурда ювилганми, яхши қиз, юзинг?  
Бунча боқишлиринг оромбахш, илиқ.  
Бунча жон олғувчи ўтлидир кўзинг?  
Айт-чи, кўзларингда борми юлдузинг?»

Гўзал қизнинг жозибасини ошиқ йигит эмас, машхур шоира Зулфия опа шунчалик меҳр ва нафосат билан тасвирилагани мени ҳайратга солди. Шеърнинг кейинги сатрларидан бу қизга ошиқ бўлиб юрган қўшни йигитнинг тунларни бедор ўтказиши маълум бўлади. Аммо қиз унга назар солмайди, чунки кўнгил қўйган йигити узоқда, жангда. Қизнинг кўзларидаги юлдуз жангчи йигитнинг қалбида улкан жасорат уйғотади.

Шеър шундай якунланади:

«Ҳижрон чирой бўпти латофатингга.  
Камол топ, эй гўзал, муродингга ет,  
Чиндан ҳам бор экан кўзда юлшузинг!»

Мен ҳали Зулфия опанинг ўзларини кўрмаган бўлсам ҳам, мана шу шеър орқали беғубор ёш қалбларнинг ҳақиқий меҳрибони бўлган, диди ўткир, сўзлари меҳригиёга йўғрилган донишманд бир Опани тасаввур этганим ёдимда бор.

Бу тасаввурим ҳақиқатга нақадар тўғри келишини орадан беш йил ўтгандан кейин амалда кўрдим. Бу орада уруш тугаган, мен Тошкентда Ўрта Осиё давлат университетининг шарқшунослик факультетида ўқимоқда ёдим. 1949 йилда сайлов муносабати билан чоп этилган «Овозимиз» деган тўпламда менинг унча катта бўлмаган лавҳа-очерким босилиб чиқди.

Шу орада талаба ўртоқларимдан бири «Сизни шоира Зулфия опа нашриётга таклиф қилдилар, тез боринг!» деб қолди.

У пайтларда университет биноси нашриётга яқин эди. Маърузалар тугашини кутишга ҳам сабрим чидалмай катта танаффус пайтида нашриётга бордим.

Зулфия опа мени иккинчи қаватдаги муҳаррирлар хонасида қабул қилдилар. Ўйлаб қарасам, Зулфия опа ўша кезларда ўттиз тўрт ёшга кирган эдилар. Лекин суюкли умр йўлдошлари Ҳамид Олимжондан жудо бўлиб қаттиқ мусибат чекканлари учун соchlari оқариб кетган эди.

Столлари устида пушти муқовали ўша «Овозимиз» тўплами турган экан. Зулфия опа менинг бу тўпламга кирган «Тўқувчилар номзоди» деган очерким ҳақида сўз очдилар:

— Тўқувчи аёлни эсда қоладиган қилиб кўрсатибсиз,— дедилар. — Албатта, ҳали бу сиз учун бир машқ. Шундай дадил машқ қиласверсангиз сиздан ёзувчи чиқиши мумкин. Ҳозир адабиётимиз ёш талантларга жуда чанқоқ. Мен бу лавҳада умид учқунларини кўргандай бўлдим. Тилагим шуки, келажакда бу учқунлар адабий оловга айлансин, одамларга керакли нур билан ҳарорат берсин!

Шу кичик лавҳада умид учқунларини кўра олган Зулфия опанинг теран нигоҳи ва донишмандлиги менга қанот боғлагандай бўлди. Орадан йиллар ўтди. «Уч илдиш»нинг илк нусхаларидан бирини Зулфия олага миннатдорчилик сўзлари билан тақдим этганимда «Сизнинг ўша унугли мақом тилагингизни ҳали тўлиқ амалга ошира олганим йўқ», дегим келарди. Чунки хаёлимда чарҳ уриб юрган бўлажак романлар режаси аввалгисидан оловлироқ туюларди.

1954 йилда Москвада аспирантурани битириб, номзодлик диссертациясини ёқлаганимдан кейин марказий ёзувчилар уюшмаси мени ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи қилиб ишга олди. Шундан кейин яна тўқиз йил оиласам билан Москвада яшаб қолдим.

Бу йилларда Зулфия опанинг шоирлик нуфузи ва ёрқин асарлари дунё миқёсига чиқди. Деҳлида ва Қоҳирада бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари конференциярида Зулфия опа бутун шарқнинг энг машҳур шоирлари ва жамоат арбоблари қаторида мукофотлар олдилар.

Москвада бўлалигиган энг муҳим адабий тадбирлар ва декадалар ҳам Зулфия опасиз ўтмас эди. Шунинг учун у киши Москвага кўп келар эдилар.

Зулфия опа «Москва» меҳмонхонасига келиб тушган кунларининг бирида умр йўлдошим Софияни бош-

лаб бориб, у киши билан таништиридим. Шундан кейин Зулфия опа Абдулла ака ва Кибриё опа билан бирга ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунларида бизнинг уйга меҳмон бўлиб келдилар. Бошимиз осмонга етган-дек бўлиб, ҳаммаларини қувониб кутиб олдик.

1959 йилнинг союқ қиши кунларида бошланган декада ўн кун давом этди. Унда Зулфия опанинг ижоди юксак баҳо олди, шоиранинг янги шеърларини таржима қилиш истагини билдирган талантли рус шоирлари кўп эди. Наприётлар ҳам Зулфия опанинг янги шеърий китобларини режалаштирган эди. Таржимонлар ва ноширлар билан ишлаш учун Зулфия опа декададан кейин яна анча вақт Москвада меҳмонхонада туриб қолдилар. Аксига олиб, қиши совуғида грипп эпидемияси кучайган эди. Зулфия опа тумовлаганларини сезсалар ҳам, бунга зътибор бермай зарур ишларини қилишда давом этадилар. Бирдан иситмалари кўтарилиб кетади. Доктор чақирадилар. Доктор: «Пневмония бошланибди, касалхонага ётмасангиз бўлмайди», деган холосага келади.

Зулфия опа олий Кенгаш депутати эдилар, шуни ҳисобга олиб, у кишини Кремль ихтиёридаги Кунцево шифохонасига жойлаштирадилар.

Орадан бир неча кун ўтгач қарағайзор ўрмон ичидаги бу шифохонага биз София икковимиз Зулфия опани кўргани бордик. Хайрият, иситмалари тушиб, анча тузалиб қолган эканлар.

— Яна икки кундан кейин жавоб беришмоқчи,— дедилар. Лекин меҳмонхонага қайтиб боргим келмайди. Иложи бўлса-ю, тўғри шу ердан аэропортга чиқиб, Тошкентга жўнаб кета қолсам.

Аммо Зулфия опа бу касалликдан кейин ҳали унча дармонта кирмаганлари сезилиб турарди.

— Балки бошқача йўли бўлар, Зулфия опа,— дедим мен ва шу ойда хизмат юзасидан Тошкентга хизмат сафарига боришим кераклигини, шунинг муҳлатини Зулфия опанинг шифохонадан чиқиш кунларига тўғрилашим мумкинлигини айтдим.

— Шундай қилсангиз яхши бўларди-да,— деди Зулфия опа ва Софияга бир қараб олди.

**Бу қарашнинг маъносини тушунган бизнинг хоним:**

— Зулфия опажон, бу киши сизни бирга олиб кетсалар жуда яхши бўлади! — деди. — Мен сизни ўз опамдай яхши кўраман. Бутун оиласиз билан сизга ихлосмандмиз. Сиз ўша меҳмонхонага қайтиб бормаганингиз яхши. Үу ердан жавоб берсалар, туғри бизникига борсангиз хурсанд бўламиш!

— Биз ўзимиз келиб олиб кетамиш, — дедим мен. — Бир кеча уйда ётиб нафасни ростлаганингиздан кейин, эртаси куни бемалол аэропортга чиқамиз.

Зулфия опа бу таклифни қабул қилдилар. Икки кун ичида авиабилетлар олинди. Учинчи кун ёзувчилар уюшмасининг фахрий меҳмонларга хизмат қиладиган маҳсус машинасида Зулфия опани шифохонадан уйимизга олиб келдик.

Поллари паркетли шинамгина уч хонали хонадон Зулфия опага маъкул бўлди. Тинчроқ хонани у кишининг ихтиёрига бердик. Болалар боғчадан қайтганда икки ярим яшар шўх ўғилчамиш Рағибан Зулфия опа дам олаётган хонага берухсат кириб борибди. Зулфия опа уни ёқтириб, қўлларига кўтариб олибдилар, завқ қилиб кулган ҳолда биз турган хонага чиқдилар.

— Худди ўз уйимга келганга ўхшайман, соғинган навараларимни бағримга босгандай бўляяпман, — дедилар.

Эртаси куни уюшмадан яна ўша фахрий меҳмонлар машинасини чақириб, аэропортга етиб бордик. Зулфия опа туфайли мен ҳам депутатлар хонаси орқали самолётга осонгина чиқиб олдим. Куёшли кун эди. Айниқса, Тошкентда офтоб чараклаган, ҳаво илиқ экан. Аэропортда оналарини қувониб кутиб олган Ҳулкарой билан Омонжоннинг иссиқ меҳрларидан Зулфия опа ўзини қанчалик баҳтиёр сезиб шодланганлари ҳамон кўз олдимда турибди.

Лекин ҳаёт фақат қувончлардан таркиб топмас экан. Ўша йили кузда бизнинг бошимизга оғир мусибат тушди. Зулфия опа бизнинг уйда қўлига кўтариб эркалатган ўша шўх, маъсум ўғилчамиш Рағибан тўсатдан вафот этди.

Қалин қор ёққан кунлар эди. Мен Москва этагидаги Переделкино ижод уйида «Қадрим» қиссасини ёзаётган эдим. Бирдан София телефон қилиб «Рағибаннинг аҳво-

ли оғир, «Тез ёрдам» чақиридим, ҳозир касалхонада, кўричак эмиш, операция қилишмоқчи, тез етиб келинг», деди. Шоша-пиша чиқиб такси топдим. Кирқ чақиримча йўл.

Бу орада бола ҳадеб қорнини кўрсатиб чириллаб йиғлайверибди. Одатда, кўричак бўлса, қон анализи кўрсатади. Олинган анализда «роя» деган нарса кескин кўтарилган экан-у, аммо бу кўричакдан эмас экан. Зотижамнинг қоринга оғриқ берадиган маккор бир тури бор экан. Уни кўричакдан фарқ қилиш қийин бўлар экан. Хуллас, мен етиб боргунимча болани операция қилишиби. Кўричак эмаслиги шунда маълум бўлибди.

Оғир зотилжам устига қўшилган операция зарбасини бола кўтаролмади. Мен палатага кирсам ранги де-вордай оқарган ҳолда беҳуш ётибди. Докторлар ташхис хато қўйилганидан мулзам... Эрталаб оёқда юрган шўх бола ўша куни қоронги тушганда ҳаётдан кўз юмди. Шундай зеҳни ўткир, истараси иссиқ, маъсум бола, уч қизнинг орасидаги ёлғиз ўғил бир кунда бизни абадий тарқ этди. Фарзанд доғи София икковимизни бирдан бир неча ёшга қаритиб, чўқтириб қўйди.

Мусоғир юртда тургимиз келмай қолди. Ишхонадан олти ойга ижодий таътил олиб Ватанга қайтдик. Софияни қизчалар билан Самарқандга, ота-оналарининг ҳузурига олиб бориб қўйдим. Ўзим дўстлар даврасида таскин топиш умиди билан Тошкентга келдим.

Зулфия опани ёзувчилар уюшмасида учратдим. Бизнинг бошимизга тушган мусибатдан бехабар эканлар. Дилем вайрон эканини сезиб:

— Нима бўлди? Мунча қайгули кўринасиз?— дедилар.

Бўш турган хонага кириб, диванга ўтиридик. Мен дил ёриб бутун воқеани айтиб бердим. Зулфия опа қаттиқ изтироб ичида ҳамдардлик билдирилар.

— Айниқса, онага қийин!— дедилар.— Софияхон қаердалар? Самарқандда бўлсалар, адресларини менга беролмайсизми?

Мен адресни ёзиб бердим. Зулфия опа телеграмма юборсалар керак деб ўйладим. Орадан ўн кунча ўтгач Самарқандга борсам, у кишидан ярали юракларга руҳий малҳам бўладиган ажойиб бир мактуб борган экан.

Үйимизда ҳанузгача эъзоз билан сақланиб турган бу мактуб Тошкентдан 1960 йилнинг 19 марта жўнатилганлиги конвертдаги почта муҳрида кўрсатилган. Мана, орадан салкам 45 йил ўтибди, лекин мактубни ўқигандага бугун ҳам Зулфия опанинг барҳаёт ўқтам овозини эшигандай бўласиз. Унинг ҳассос қалби, чин одамийлиги, биз каби ёши кичикларга меҳрибонлиги, ўзини қанчалик камтар тутиши кишини ҳайратга солади. Шунинг учун мактуб матнини қисқартириб беришга кўл бормайди. Мен уни тўлиқ келтираман:

*Салом, азизим Софияхон!*

*Тўсатдан борган менинг мактубим Сизни ажабга солур, бунинг учун узр. Бу лутфан қилинадиган расмият эмас, қалбим амри холос.*

*Бошингизга тушган мусибатнинг оғирлигини зарра бўлсада енгилатишга ҳеч қандай қалам қодир бўлмагандай, менинг жуда самимий бу сўзларим ҳам ожиз.*

*Бир вақт 19 яшар иним фожиали ҳалок бўлиб бағрим қийма-қийма бўлиб кетганда онам «Жигар доги ҳам фарзанд догоидай бўлади. Мен тирик юрибман-ку, сен ҳам сабр қил», деган эди. Лекин ўзим хиёл ўтмай она бўлганимдан кейин билдики, онам менга бўлак айтган экан, унга бениҳоят оғир бўлган. Она – она бўлгани учун яна шу донги кўтапар экан – қолганлари ҳам фарзанд. Фарзанднинг ҳаммасига она меҳридан баб-баробар ўрин бор.*

*Тасалли сўзлари малол келадиган азиз қалбингиизни, баҳтингиизга, сабр ва тоқатга, мардлик ва ҳаётга чақириб турган ниҳоятда ажойиб кучлар бор. Булар – ийқотганингиздан кам севмайдиган фарзандлар, уларнинг ажойиб оталари, сизнинг илҳомбаҳаш кўмагингизда дунёга келадиган янги адабий асарлар ва шулар келтирадиган севинч ва баҳт.*

*Азиз синглим! Қизларингиз, ҳали туғилажак ўғиларингиз меҳри гўзал чеҳрангииздан дод андуҳларини ҳайдасин, мардлигингииз болаларнинг исътедодли дадасига сабр ва шахом бағишиласин, бундай кучга бизнинг хотинлар, оналар қодир.*

*Мен Сизни Тошкентда, Сизлар ҳамма вақт энг самимий меҳр топишингииз мумкин бўлган жуда кўп уйлардан бири бўлган уйимда кўришни истоиман, келишингиизни кутаман.*

*Болаларни ўтиб, эркалаб қўйинг, онангизга ҳурмат ва саломимни топширишингизни сўрайман.*

*Хурматли дўстим Пиримқул Қодировга салом айтинг.  
Салом ва камол эҳтиром билан Зулфия.*

Мактубда «... синглим, қизларингиз, ҳали туғила-жак ўғилларингиз меҳри гўзал чеҳрангиздан доғ-андуҳларни ҳайдасин!» дейилган эзгу тилак башорат бўлиб чиқди. Равшан вафот этганда мен 31 ёшда эдим. София 27 ёшга кирган эди. Ўғилчамиз Москванинг жануб-ғарбидаги Вострякова деган қабристонга иккита оқ қайнин белги бўлиб турган жойга қўйилган эди. Самарқанддан қайтишда тилла ранг Фозғон мармаридан мўъжазгина қабр тоши ясадик. Унинг юзига Равшаннинг номини ва парвардигорга аталган қўйидаги илтижони тошга ўйдирив ёздирик: «Равшанжон! Сенинг очилмай кетган гунчаларинг зора бизнинг келажагимизда очилса!..»

Қарангки, ўзбек мармарига она тилимизда ёзилган бу илтижо Зулфия опанинг мактубида «яна ўғил қўрасизлар» деган маънодаги эзгу тилакка қўшилиб ижобат бўлди. Тошкентга кўчиб келганимиздан кейин 1964 йилнинг баҳорида худо бизга яна ўғил берди.

Кувончим ичимга сифмай, аввал туғруқхонага бордим. Бир қучоқ гул билан Софияни табрикладим. Она-бона иккови ҳам соғ-омон эканидан қувончим янада ортиб, биринчи Зулфия опага телефон қилдим. Уйларида Москвадан «Литературная газета»дан келган муҳаррир аёл билан суҳбат тайёрлашаётган экан. Хушхабарни эшитиб, беҳад суюндилар, қайта-қайта табрик айтдилар.

— Зулфия опажон, ўзингиз башорат қилганингиздай бўлди, — дедим. — Телефондаги табрик ҳисоб эмас. Уйга келасиз.

— Хўп, бораман! Ҳозир... — деб, Панкина билан иккига гаплашиб олдилар: — Пиримқул, Валентина Петровна ҳам сизни табриклаяптилар. Москвада уйларингизда эри билан меҳмон бўлган эканлар.

— Валентина Петровнага табриклари учун раҳмат, у кишини ҳам уйга таклиф қиласман!

— Бизни «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги мухбири Одил Ёқубов машинасида олиб юрибди: Ҳозир гүшакни бераман!

Одил гүшакни олиб ҳазил аралаш табрик айтди:

— Зўр иш бўпти, қутлаймиз! Ҳозир борсак уй бекаси йўқ... уйингизда у-бу, юз грамм топиладими?

— Минг грамм ҳам топилади. Меҳмонларни бошлаб келаверинг! Қувончим ичимга сиғмаяпти. Сызлар билан баҳам кўрмоқчиман!..

Гүшакни яна Зулфия опа олдилар ва бир соат ичидага етиб келишларини айтдилар.

София қувончли кун умидида меҳмонбоп ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган эди. Зулфия опалар етиб келгунча дастёр бўлиб қолган қизчаларим ёрдамида дастурхон тузадик. Қўй гўштидан қилинган варақи сомсалар ва қовурдоқларни музлаткичдан олиб илитган эдик. худди ҳозир тайёрлангандай бўлди. Шампан ва коняклар ҳам етарли эди...

Шу тарзда ҳаётимизнинг энг қувончли кунларидан бири Зулфия опа ва у киши бошлаб келган дўстларимиз билан бирга ўтгани унутилмас воқеа бўлди.

\* \* \*

Лекин «ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу» деган гап, айниқса, шўро даврида кўп эсга тушарди? «Юлдузли тунлар» романини Зулфия опа биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган, унинг дастлабки парчасини 1973 йилнинг баҳорида «Саодат» журналида чоп этган эдилар. Бироқ мустабид тузум қўриқчилари беш-олти йилгача романни тўлиқ чоп этишга йўл қўймадилар. Ниҳоят, жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши натижасида роман 1979 йилда китоб бўлиб чиқди. Рус тилига қилинган таржимаси Москвада 3 марта чоп этилди. 1981 йилда романга республика давлат мукофоти берилди. 1980—1985 йиллар оралиғида роман қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тилларига таржима бўлиб чиқди. Кейинчалик уни ҳинд ва урду тилларига ҳам ўгириб нашр этишли.

Бу орада мен Ҳиндистонга ижодий сафарга бориб келиб, Бобур авлодлари ҳақидаги «Авлодлар довони» романини ёзиб тутатдим. Ойнинг қоронги ўн беши ана шу романни чоп этишни таъқиқлашдан бошланди.

Марказдан келган десантчилар ва уларнинг ўзимиздаги югурдаклари «Наврўз» байрамини таъқиқладилар, Амир Темур ва Бобур Мирзо каби улуғ аждодлар номини халқ хотирасидан ўчиришга қаратилган сиёсат юргиздилар. Улар бу машъум ниятни «Пахта иши» ва «Ўзбек иши» деб аталган даҳшатли қама-қамаларга қўшиб амалга ошироқда эдилар.

Бобур Мирзо ҳақида роман ёзганим учун аввал 1985 йилда Республика ёзувчилар қурултойида, сўнг 1986 йилнинг кузида бўлиб ўтган Марказқўм пленумида менинг бошимга маломат тошлари ёғдирилди. Гёё мен патриархал ўтмишни янги турмуш тарзига қарши қўйган эмишман, босқинчи подшоларни улуғлаб, халқ ҳаётини бузиб кўрсатган эмишман, романда тарих сохталаشتирилган эмиш ва ҳоказо... Бу маломат тошларидан қочиб, Дўрмондаги ёзувчилар боғига борар эдим. Бу ерда бизга ҳам битта дала ҳовли берилган эди. Шу ерда София икковимиз мустабид тузум адолатсизликларидан бир қадар жон сақлар эдик.

Ёз ойларида Зулфия опа ҳам шу боғдаги анвойи гуллар ўстирилган дала ҳовлиларида дам олар эдилар. Купинча қизлари Ҳулкар ёнларида бўларди. Биз София билан уларни кўргани борганимизда Зулфия опа ичкари уйдан тўқ яшил рангдаги муқоваси йирик зарҳал ҳарфлар билан безатилган чиройли китоб олиб чиқдилар.

Бу уч жилдлик асарларининг «Шалола» деб аталган биринчи жилди эди.

— Пиримқул, сизга ноҳақ отилган маломат тошларига қарши бир шеър ёздим,— дедилар.— Бу шеърни мана шу китобга дастхат қилиб битиб, эсадлик тарзида бераман.

Мен ҳаяжон ичидаги ўрнимдан туриб китобни Зулфия опанинг қўлларидан авайлаб олдим-да, табаррук қилиб кўзимга сурдим.

— Биринчи бетини очиб кўринг,— дедилар.

Китобнинг биринчи бетини очиб ўқиганимда аруз вазнида ёзилган ва чиройли ҳусниҳат билан битилган шеър худди нур шалоласидек борлиғимни чулғаб олди. Шеърниг ҳар бир сатридан Зулфия опанинг меҳригиёси уфуриб турарди. Лекин мен шеърдаги юксак баҳоларни узимга ололмас эдим, бунга кучим етмас эди.

Ҳақиқий асарларда бўладиган умумлашма образ бу шеърда ҳам бор эди. Айниқса, ноҳақ маломат тошини отаётганларга қаратса айтилган «вафони сиздан ўргансин», «фидони сиздан ўргансин» деган радиофларга, аввало, Зулфия опанинг ўzlари муносиб эдилар. Шунинг учун «сиздан ўргансин» радифини хаёлимда умумлаштириб, «биздан ўргансин!» деб айтгим келарди. Айниқса, марказдан гўё ўзбекларга маданият ва ҳалолликни ўргатмоқчи бўлиб келган ва бу ҳақда матбуотда мақтаниб жар солган десантчилар Зулфия опанинг ушбу шеърида куйланган маънавий фазилатларни ҳалол меҳнати билан улуғ тарихий обидалар яратган ҳалқимиздан, улар таъкиқлаган бизнинг Наврӯзимииздан, ноҳақ қоралангтан буюк аждодларимиздан ўргансалар адолатдан бўларди.

Зулфия опанинг 1987 йилда ёзилган ва ҳанузгача ҳеч қаерда эълон қилинмаган бу нодир шеърини ўзимча мана шундай тушунган ва талқин қилган ҳолда, унинг аслиятдан кўчирма олинган матнини тўлиқ келтираман:

### Хурматли Пиримқул!

Адаб аҳли қаламга чин вафони Сиздан ўргансин,  
Ажаб толе— билимни – бу жафони Сиздан ўргансин,  
Ёниб ўтларда тоблаш ҳар ҳижони Сиздан ўргансин,  
Бу тарз санъатга мафтуну адони Сиздан ўргансин!

Элу юрт ибтидосидан тушиб ақлу зако бирлан,  
Асрлар қатламида жо тирик амру нидо бирлан,  
Баёнга жазм этмоққа дил ичра шамъи зиё бирлан,  
Тутиб маҳрам қалам номли асони Сиздан ўргансин!

Бу ён мозий, бу ён – гулшан замон, қонда икки ирмоқ,  
Азиздир қай бири фикру юракка кўп қийин билмоқ.  
Ва лекин икки дарёдан жавоҳирлар топиб термоқ  
Ва элга туҳфа этмоқда фидони Сиздан ўргансин!

Ҳаётнинг интиҳоси йўқ, туғилур неча авлодлар,  
Умр қулликда, лек ақлу тилак ҳур элу аждодлар,  
Не кечди, нени бор этди? Уқиб севмоқقا чанқоқлар,  
Териб кўзларга суртмоқда баҳони Сиздан ўргансин!

Сизнинг ижодга тобеълик ҳавас уйғотса жонимда,  
Чиройлик рашик ёқиб гулхан сехр ўйнатса қонимда,  
Камина нени кўрди, не деди бебурд жаҳонимда,  
Баҳодирларча тан олмоқ хатони Сиздан ўргансин!

*Сизга эзгу ниятлар билан Зулфия, 20.07.87.*

Шеърнинг охирида бебурл бўлган мустабид тузум ҳақида айтилган сўзлар Зулфия опа кейинчалик улкан ис-теъдол ва самимият билан яратган «Хотира синиқлари» достонига ҳамоҳанг жаранглайди. Мен бу достондаги мардана руҳ ва сержило софликни гавҳарга ўхшатгим келади. Чунки гавҳарнинг синиги бўлмайди – ундан учиб тушган майда ушоқлар ҳам тилла узуклар кўзида нур сочиб туради. Зулфия опа камтарларлик билан «Хотира синиқлари» деб атаган шеърлари биз бошдан кечирган мустабид замонлар ҳақиқатини олмос қирраларидек нурлантириб кўрсатади.

Достон сўнгидаги:

«Келдинг-ей, Истиқлол, истиқбол бўлиб  
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.  
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,  
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим», –

деган сатрлар Зулфия опанинг мардана руҳи истиқлолдан ҳурлик олиб янги юксакликка кўтарилганидан ва шу юксакликда гавҳардай бебаҳо шеърлар яратганидан далолат беради. Зулфия опа ўзининг буюк ижодий ва инсоний меҳригиёси билан бизнинг авлодга қанчалик олижаноб таъсир кўрсатган бўлса, бугун Зулфия мукофотига талпинаётган ва унинг ижодини севиб ўрганаётган талантли ёшлилар бу тутанмас меҳригиёдан янада кўпроқ баҳра олишлари ва баркамол авлод бўлиб етишишлари шубҳасиздир.

2003 йил

# ЭЛЛИК БЕШ ЙИЛЛИК УМРНИНГ БЕШ ЛАВҲАСИ

## СИРЛИ ТИЛАКЛАР

Бундан эллик беш йил аввал мен 19 ёшли талаба бўлган кезларда газеталарга лавҳалар ёзиб юрар эдим. Ўша йилнинг август ойида ёшлар газетаси менга бир топшириқ берди.

Самарқандда еттинчи синфни битирган ўқувчи қиз Москвадаги гимнастика мусобақалариға қатнашиб яхши баҳо олибди. Ҳозир бу қиз Чирчиқдан беридаги Тро-ишк деб аталадиган спорт мактабида экан. Тез бориб у билан суҳбат уюштириб келинг, дейишди.

Юриб чарчамайдиган йигит пайтимиз. Ўша куниёқ айтилган жойни топиб бордим. Ўқувчи қизни чақириб беришди. Сув бўйида, дараҳт соясида тикка туриб суҳбатлашдик. Гаплари маънилиқ, ўзини катталарадай вазмин тутади. Жуссаси кичикроқ, аммо пишиқ. Аъло ўқир экан. Ўн ёшидан бошлаб гимнастика билан шуғулланар экан. Мен газетбоб маълумотларни ён дафттарчага ёзиб олдим. Автобусда Тошкентга қайтаётib қизнинг истараси дилимга жуда иссиқ туюлганини сездим. Албатта, ҳали вояга етмаган ўқувчи. Уч йилдан кейин ўнинчи синфни битиради. Суҳбатимиз пайтида, мактабни битирсан балки Тошкентга ўқишига келарман, дегани ёдимда қолди. Яхши бўларди, уч йилдан кейин кўришиб, балки дўстлашиб кетиш насиб этса, деган сирли бир тилак кўнглимдан учқун сочиб ўтгани ёдимда бор.

Орадан икки кун ўтгач, у ҳақда ёзган лавҳам ёшлар газетасида узун бир устун бўлиб босилиб чиқди. Шундан кейинги уч йилда бу ҳодиса эсимдан ҳам чиқиб кетган экан. 1950 йили мен университетнинг бешинчи курсида ўқий бошлаган кунларим Шарқшунослик факультетининг биринчи курсига олтин медаль билан имтиҳонсиз кирган ёшлар даврасида ўша қизни кўриб қолдим. Уч йилда улғайиб, юлдуздай порлаб кўринди. Уч йил олдин менинг дилимда учқунланган сирли тилакка наҳотки фаришталар омин деган бўлса? Ёки тақдир тақозоси деганлари шуми? Балки тасодифдир?

Дарвоқе, ўша 1950 йилни курсдош ўртоқларим билан кутиб олганда шунга ўхшаш ҳаяжонли тилакларни мен шеърга солиб ҳам айтган эдим.

Гап шундаки, биз талаба бўлган 1946—50 йиллар университетда ўзбек қизлари жуда кам эди. Бизнинг тарихчилар тайёрланадиган саккиз кишилик гуруҳимиз ҳаммаси йигитлардан иборат эди. Улардан бири — кеинчалик академик бўлган Абдуаҳад Муҳаммаджонов. Яна бири — таниқли шарқшунос олим, «Темурийлар шажараси» китобини ёзган Турғун Файзиев эди.

«Уч илдиз» романида ёш шоир Очил Самадов ўз домласи Темур Акбаровга ўқиб берган қуидаги саккиз сатр шеърни мен 1950 йилни кутган кечамизда юқорида номлари айтилган курсдошларим даврасида ўқиб берган эдим. Ҳозир биз кулиб эслайдиган ўша сатрлар қуидагича:

Янги йил, биз сендан сал уятлимиз.  
Ҳозир даврамизда қизларимиз йўқ.  
Япроқсиз гул бўлмас, севгисиз йигит,  
Севгимиз бор, аммо севгилимиз йўқ.

\* \* \*

Жўшқин қалбимизга  
жуфт келадиган  
Бугун умримизга  
шерик ва сафдош  
Хусндор, меҳрибон,  
ақлли бир қиз—  
Янги йил, буни  
ҳам сендан кутамиз!

Бу тилакка ҳам фаришталар «омин» деган экан, чамаси. Ўша 1950 йилнинг кузида менинг «Студентлар» деган биринчи китобчам нашр этилди. Бу китобча университет талабалари даврасида муҳокама бўлганда менинг сирли тилакларимга сабабчи бўлган София исмли қиз ҳам иштирок этди. Кўп илиқ фикрлар айтилди. Буларнинг ҳаммаси орамизда яхши муносабат пайдо қилди.

Қарангки, энди келгуси 1951 йилнинг янги йил кечасини бўлажак умр йўлдошим билан бир дастурхон атрофига кутиб олдик. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келишини англаб, 1951 йилнинг ёзида оила қурмоқчи бўлдик.

Менинг отам олти йил аввал раҳматли бўлиб кетган, онам уйланиш ихтиёрини ўзимга берган эди. Шундай бўлса ҳам, ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Ҳайдар акам Тошкентга бир келганда Софияни унга кўрсатиб, ниятимни айтдим. Акам бу ниятни маъқул кўрди. Қиз томон розилик берса бўлди, тўй ташвиши бизга тан, деди.

Ўша 1951 йилнинг ёзида мен университетни имтиёзли диплом билан битириб, аспирантурада қолдирилдим. Лекин ҳали уй-жой йўқ, стишмовчилик кўп эди.

Софиянинг ота-онаси ҳали оила қуришга шошилма, ҳеч бўлмаса иккинчи-учинчи курсларни битир, унгача йигит ҳам уй-жой топар, дейишипти.

София Тошкентда қолса оила қурмай яшай олмаслигимизни сезади. Бўлмаса, мен Москвага ўқишига кетаман, дейди ота-онасига.

Ўша йилларда олтин медаль билан Москва институтларига ҳам имтиҳонсиз кириш мумкин экан. Шу имтиёздан фойдаланиб, Москва технология институтининг Тошкентдаги вакилларига хужжат топширди.

Мен унинг Москвага ўқишига кетишини «Уч илдиз» да Гавҳар номли қиз образида сал ўзгартириб тавирланман. Шу воқеа муносабати билан Маҳкамнинг чеккан изтиробларини мен ўзим бошдан кечиргандман.

Фақат Маҳкамдан фарқли ўлароқ, мен Тошкентдаги аспирантурадан хужжатларимни қайтариб олиб, таваккалчилик билан Москвадаги адабиёт институтига боргандман.

Қозон вокзалида София мени гуллар билан кутиб олгани ёдимда қолган. Хайрият, аспирантурага кириш насиб этди.

1952 йилга келиб Софиянинг ота-оналари ҳам уйланишимизга розилик беришди. Самарқандда тўйимиз бўлди. Бекободдан менинг онам, aka-ука, қариндошларим, Тошкентдан ёру-биродарларимиз Самарқандга тўйга боришли. Тўйдан кейин биз яна Москвага ўқишига жўнаб кетдик.

## ФИДОЙИЛИК

Оила қуриш деганда кўпинча ота-оналар инъом эта-диган тураржой, жиҳозлар, сеплар, рўзғор тутиш учун зарур нарсалар ҳам назарда тутилади. Аммо биз ҳеч кимдан ундан нарсаларни кутган эмасмиз. Биз учун энг катта инъом – тўй қилиб берганлари эди. Қолган ҳамма нарсаларни битта-битталаб ўзимиз топғанмиз. Москва-да Ўзбекистон ваколатхонасига яқин бир жойдан 8 квадрат метрлик кичкина хонани ижарага олдик. Каравот, стол-стулларни уй бекаси берди. Идиш-товоқ ва бошқа рўзғор буюмларини аста-секин ўзимиз бутладик.

Аспирантурада ўқишдан вақт орттириб ҳикоялар, очерклар ёзардим, таржималар қиласдим. Пул таъминоти менинг зиммамда эди. Озиқ-овқат таъминоти билан хоним шуғулланарди.

1952 йилда уруш тугаганига етти йил бўлганига қарамай, озиқ-овқат таъминоти ёмон эди. Ўша пайтдаги шафқатсиз тузум бутун кучни атом бомбаси ясашга сарфлаб, ҳалқнинг турмушини яхшилашга дуруст эътибор бермас эди. Москвадай пойтахт шаҳарда ҳам ун, ёғ, макарон каби нарсалар беш-олти соатлаб навбатга туриб олинарди.

София саҳарлаб қўшни аёллар билан навбатга ёзишлишга кетарди. Изғирин, совуқларда кўчада соатлаб дийдираб туриш мушкул бўлгани учун навбат олганларнинг номерини кимёвий қалам билан кафтининг ичига ёзиб қўйишаарди. София шунча эрта туриб борса ҳам, кафтига ёздириб келган номерлари 173 ёки 196 бўлар эди. Нон-чой билан нонушта қилиб, сал исиниб, яна қайтиб кетарди. Тушга яқин икки кило макарон, яна шунча ун, бир шиша ёғ, бир кило шакар кўтариб кириб келарди. Уруш пайтидаги очарчиликларни кўрганимиз учун шунга ҳам шукр қиласдик.

1951 йилнинг кеч кузида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлди. Шу муносабат билан рус тилида нашр этилган тўпламда «Эркин» деган ҳикоям босилиб чиққан ва марқазий ёзувлilar ташкилотидаги

хайриҳоҳларга маъқул тушган экан. Шу нарса сабаб бўлиб, мени декаданинг тайёргарлик ишларига жалб этишди. Таржималар қилдим, тақризлар ёздим. Улар учун дурустгина қалам ҳақи тўлашди. Москвадаги марказий идораларга узбек тилида чиққан китоблар, газета-журналларни ўқиб, мазмунини рус тилида тушунтириб ёзиб берадиган мутахассислар керак экан. Декала пайтида мен ана шундай ишларни қила оладиган ёш мутахассис сифатида кўзга кўриниб қолган бўлсам керак. Марказий нашриёт тайёрлаётган русча-ўзбекча луғатнинг бир қисмини ҳам менга тақризга беришди. Тақризим маъқул бўлгани учун қалам ҳақини яхши тўлашди.

Лекин бу ҳаммаси ёш оиланинг эҳтиёжларини қондиришга ва рўзгор буюмларини бутлашга етмас эди. София менга айтмасдан онаси инъом қилган олтин соатини сотиб, маблағ етишмаган пайтда ишлатиб юборибди.

Мен буни кейин билиб жуда афсусландим. Ҳудо хоҳласа, дуруст пул тушганда ўшанинг ўрнини босадиган олтин соат олиб бераман, деган ниятни кўнгилга туккан эдим.

Бу ниятга етгунча яна икки-уч йил ўтди. Бу орада икки фарзанд кўрдик. Бола боқишига қарашадиган ҳеч кимимиз йўқ, оналар узоқда. Ўша кезларда бир академикнинг «Она ва гўдак» деган китоби машҳур бўлган эди. Чакалоқни қандай парвариш қилиш қоидаларини биз шу китобдан ўқиб бола боқсанмиз.

Рўзгор ташвишлари устига оналик юмушлари ҳам кўшилиб, София ўқишини давом эттиrolмади. Талабалик баҳтини оиласа фидо қилди. Саккиз метрлик кичкина уйда ёш боланинг ташвиши менга ижод қилиш имкониятини бермас эди. София болаларни боғчага жойлаштириш ҳаракатига тушди. Лекин боғча мудираси, ўзингиз энага бўлиб ишга келсангиз, болаларингизни оламан деб шарт қўйибди. Яна оила учун ўзини фидо қилиб, София бу шартга кўнди.

Мен ҳам отни қамчилаб, уч йилда диссертацияни ёзиб бўлдим, ўз муҳлатида уни ёқлашга ҳам улгурдим.

Икковимиз ҳам меҳнат қилиб чарчамас эдик. Мен бошқа ишлар орасида Михаил Лермонтовнинг «Бэла» қисссасини, Аркадий Гайдарнинг асарларини ўзбекчага

таржима қилдим. Москвада уларни ўзбек алифбосида кўчириб берадиган машинистка тополмадик. Ахийри битта машинка сотиб олиб уни ўзбекчалаштиридик. Шундан кейин София машинка қилишни ўрганди, ўзбекча ёзилган нарсаларни оқقا кўчириб берадиган бўлди.

Ниҳоят, Константин Фединнинг «Илк севинчлар» романининг таржимаси учун каттагина қалам ҳақи олдим. Ўша куни София билан Москвада янги очилган универмагга бордик. Заргарлик бўлимидаги чиройли олтин соат турган экан. Билакка тақадиган нафис занжирчаси ҳам олтиндан экан.

— Фидойиликларингиз учун кичкина мукофот! — деб шу соатни олиб бердим.

София уни ҳалигача авайлаб, асраб юради.

Аммо дурустроқ кийимлар олишга ҳамон маблағ етишмас эди. Москванинг бальзан 40 даражадан ошган совуқларида Тошкентда олган енгил пальтоларимизда юрардик. Хайриятки, София ёшликтан гимнастика қилиб чиниқсан, мен тоғларда кўп юриб тобланган эканман. Энг қийин шароитларда ҳам касалга чалинмай, ҳатто тумов нималигини билмай уч йил ўша каталакдай ижара уйда яшадик.

Бу орада мени Марказий ёзувчилар ташкилотига ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи қилиб ишга олишиди. Устозимиз Абдулла Қаҳҳор Ўзбекистон ёзувчилар ташкилотига раис бўлган йилларда Москвага тез-тез келадиган бўлдилар. Бир дафъа келганларида у кишининг рафиқлари Кибриё опа билан ўша каталакдай уйчада меҳмон қилдик. София самарқандча серсабзи, ширин ош қилди.

Абдулла ака бизнинг икки ёш бола билан шундай оғир шароитда яшаётганимизни кўриб, ич-ичидан ачингани учунми, дуруст ёзилиб ўтиrolмадилар. Ўша йилларда иттифоқ ёзувчилар ташкилотининг раҳбари бўлган Алексей Сурковга учраб, бизга уй беришлари кераклиги тўғрисида жиддий гаплашганларини мен кейин эшитдим. Москвада ёзувчилар учун 15 қаватлик катта уй қурилиши энди режага киритилаётган экан.

Шу уй қурилса берамиз, деб, бизни рўйхатга қўшиб қўйишиди.

## ТАРИХ ВА ТАҚДИРНИНГ БУРИЛИШ ПАЛЛАЛАРИ

Сталиннинг ўлимидан кейин маънавий иқлим анча юмшагани, ноҳақ қатағон қилинган Абдулла Қодирий ва Ҷўлпон каби ватанпарварларнинг оқлангани тарихимизнинг бурилиш палласи бўлди. Мен тўрт-беш йилдан бўён зиёлилар ҳаётидан ёзмоқчи бўлган, лекин ҳеч калаванинг учини тополмай юрган жиҳдий асарнинг гояси ва режаси тарихнинг менга шу бурилиш палласидан топилди.

«Ўтган кунлар»ни ва Ҷўлпоннинг асарларини биринчи марта 1956 йилда ўқиб, ниҳоятда қаттиқ таъсирандим. Ўзим Москвада яшаганим сари юртимизни соғинардим. Ана шу соғинч кишидаги ватан туйгусини, уз миллатингизга бўлган меҳрни кучайтиаркан. Абдулла Қодирий ва Ҷўлпонлар миллатимиз озодлиги учун мардона курашиб ҳалок бўлган сиймолар эканини мен энди дилдилдан ҳис қилдим. Уларнинг энг яхши анъанааларини давом эттириш, улар қилишга улгурмаган ижодий ишларни қилишга интилиш мен учун энг эзгу мақсадга айланди. Улар халқимизнинг жаҳолатта қарши маърифат билан куролланишга даъват этишган, ўзбеклар орасидан чиққан энг жозибали инсонларни ўз асарларининг бош қаҳрамонлари сифатида тасвирлаган эдилар.

Мен ҳам «Уч илдиз»да кучим етганича мана шу йўлдан бордим. Шахсга сигиниш даврида ноҳақ тазиқ остига олинган профессор Абдураҳмон Тошев сиймосида мен бизга дарс берган тарихчи олим Абдураҳмон Ҳамроевни, айни вақтда, Ойбек акани кўз олдимга келтиргандан. Мустабид тузум малайлари билан дадил олишган яна бир олим – Темир Акбаров сиймосида мен Абдулла Қаҳдорнинг «ўзбек адабиёти жаллодлари»га қарши дадил курашга чиққан дамларини назарда тутганман. Романинг номига ҳам маърифатпарварлик гояларини сингдиришга интилиб, уч илдизнинг бири билим, маърифат, бири чин одамийлик, яна бири меҳру оқибат эканини баҳоли қудрат ифода этганман. Романинг ёш қаҳрамонлари Маҳкам ва Очиллар ўзларининг ватанпарвар устозларига меҳр қўйган, ўтмишла қатағон бўлган улуғ сиймолар ишини давом эттиришга бел боғлаган янги авлод зиёлилари сифатида қаламга олинди.

Бу романни ёзиш даврида София менинг энг яқин ёрдамчим бўлди. Тайёр қисмларини машинкада қўчириб бериб турди. Қийин жойларини мен ижод уйларига бориб ёздим. Ойлар давомида уй-рўзғор ва болалар ташвишини София бир ўзи зиммасига олди.

Кейинчалик бу меҳнатимизнинг озгина роҳатини ҳам кўрдик. Роман журналда ва нашриётларда ўзбек, рус тилларида босилиб чиққач, баракали қалам ҳақлари берилди. Москвада ёзувчилар учун қурилган кўпқаватли уйдан уч хонали квартира олдик. Романга келган қалам ҳақи ҳисобига бу уйни чиройли жиҳозлар билан бут қилдик. Кейинчалик бу уйни Тошкентдаги ҳовлилик бир коттежга алмаштириб қўчиб келдик. Контейнерларга солиб келган жиҳозларни хоналарга жойладик, София деразаларга чиройли пардалар осди.

Шундан кейин устозимиз Абдулла Қаҳҳор, дўстларимиз Озод Шарафиддинов, Одил Ёкубовни меҳмонга чақирдик.

Бу гал Абдулла ака меҳмондорчилик пайтида яйраб ўтирилар ва эсда қоладиган битта гап айтдилар:

— Софияхон янги уйини келинчакнинг уйидай ясатибди.

Ҳақиқатан, хонимга ёш келинлик пайтида насиб этмаган неъматлар мана энди орадан 11 йил ўтиб, тўрт фарзанд кўрганимиздан кейин тақдиримизнинг яхши бир бурилиш палласида насиб этган эди.

## ОФИР СИНОВЛАР

Абдулла Қодирий ва Чўлпонларнинг ҳаётларидаги жасорат ва асарларидаги миллийлик мен учун доимий бир ибрат бўлиб қолган. Шўро даврида ҳукмрон бўлган ақилага қарши «Қадрим» қиссасини ёздим, оддий қишлоқ йигити Искандарнинг газ конларида маҳобатли техника орасида жасорат ва маҳорат билан ишлаганини воқеий ҳодисалар орқали кўрсатишга интилдим.

«Қора кўзлар», «Эрк», «Мерос», «Олмос камар»— бу китобларда ҳам халқимиз орасидан етишиб чиқсан ва ифтихор қиласа арзийдиган жозибали ўзбеклар бош қаҳрамонлар сифатида тасвиirlанди.

Бу китобларда миллий туйғуни уйғотадиган муаммолар кўтариғланлиги мустабид тузум қўриқчиларига ёқмас эди. Бунинг устига Бобур Мирзо ва унинг авлодларини дилбар шахслар сифатида улуғлайдиган романлар ёзилди. Бу романларнинг биринчиси олти йилгача босилмай ётди. Иккинчиси уч йил таъқиқ остига олинди.

Матни нашриётда ва журналда териб қўйилган пайтида ҳарфлари сочиб ташланган «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар довони»... Уларни ёзган ва халқقا етказиб беришга интилган йилларимиз София икковимиз учун ҳам, болаларимиз учун ҳам энг оғир давр бўлди. Яна бу давр ўн йилдан ортиқ давом этди, асабларимизни яралаб, соғлигимизнинг анчасини олиб кетди. Бу йилларда шундай адолатсизликларни бошдан кечирдикки, уларни эслаш ҳам кайфиятни бузади.

Дарвоқе, бу тўғриларда матбуотда ёзилган. Телезернада «Бир пиёла чой устида», деган кўрсатувда София хоним адолат учун ўзича курашмоқчи бўлиб, 1988 йилнинг март ойида очлик эълон қилганларини, олти кун туз тотмай ётиб, Дўрмондаги дала ҳовлида мени ҳам қийин ахволга солгандарини кулиб айтиб берганман. Балки бу кўрсатувга китобхонларнинг ҳам кўзлари тушгандир.

Одатда енгиги ўтилган қийинчиликлар кулиб эсланиди. Шукур, истиқдол даврида Бобур Мирзо каби тарихий сиймоларимиз юксак эъзоз топди. Унга ва авлодларига багишланган романлар сўнгги ўн йилда уч-тўрт марта қайта нашр этилди.

2002 йил

## ОЛТИН САНА

Умрнинг эллик йиллигини олтин сана тарзида нишонлаш одатлари бор. Бизнинг оила қурганимизга эллик йил тўлганда фарзандларимиз бу санани нишонлагиси келиб, ўзларича тайёргарлик қўришибди. Тўрт фарзанд, олти невара — ҳаммалари бирга зиёфат тайёрлашиб, «олтин сана» деган кичик тадбир ўtkазишиди. Ҳонимга олтин соат, менга олтин перолик ручка совға қилишиди. Шундан кейин ёзилган «Амир Темур сиймоси» китобига ёш авлодларимизнинг меҳри қўшилган ушбу перони ишлатдим.

2007 йил

---

## **МУНДАРИЖА**

<b>Муаллифдан.....</b>	<b>3</b>
<b>Қисса</b>	
<b>Қадрим.....</b>	<b>6</b>
<b>Ҳикоялар</b>	
<b>Олов .....</b>	<b>97</b>
<b>Илинж.....</b>	<b>104</b>
<b>Жон ширин.....</b>	<b>114</b>
<b>Эслаликлар</b>	
<b>Устоз Ойбек ва миллий рух.....</b>	<b>136</b>
<b>Зулфия опанинг буюк меҳригиёси .....</b>	<b>146</b>
<b>Эллик беш йиллик умрнинг беш лавҳаси.....</b>	<b>158</b>

*Адабий-бадиий нашр*

## **Пиримқул Қодиров**

### **ҚАДРИМ**

*Қисса, ҳикоялар, эсдаликлар*

*Мұхаррір Илхом Зойир*

*Мусаввир Темур Сағдула*

*Бадиий мұхаррір Анатолий Бобров*

*Техник мұхаррір Татьяна Смирнова*

*Мусахид Дено Түйчиева*

*Компьютерда саҳифаловчи Зарифа Миннолова*

**ИБ № 4567**

Босишига 02.10.07 й. да рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{12}$ ,  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 8,82 шартли босма тобоқ  
9,5 нашр тобоги. Жами 3000 нусха. 361 рақамли буюртма.  
103–2007 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Faafur Fyulom nomidagi нашиёт-матбаа ижодий ўйи.  
100129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.  
100128. Тошкент, Усмон Юсупов кӯчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзилимиз: [www.ipfdgulom.uz](http://www.ipfdgulom.uz)**